

Неъматулло ИБРОҲИМОВ  
Муҳаммад ЮСУПОВ

**АРАБ ТИЛИ**  
**ГРАММАТИКАСИ**

**1**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Неъматулло ИБРОҲИМОВ  
Муҳаммад ЮСУПОВ**

# **АРАБ ТИЛИ ГРАММАТИКАСИ**

**Икки жилдлик  
I жилд**

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
олий ўқув юртлари талабалари учун  
дарслик сифатида тавсия этган*

**Тўлдирилган ва тузатилган  
иккинчи нашр**

*Наманган – 2009*

Дарслик араб тили грамматикаси назарий масалаларини ўзбек тилида изчил равишда изохловчи илк китобдир. Шунингдек, ушбу дарсликдан назарий мавзуларни мустаҳкамлашга қаратилган машқлар, матнлар ва суҳбатлар ҳам ўрин олган. Муаллифлар унда араб тилидаги грамматик ходисаларни ўзбек тилига қиёслаган ҳолда изохлаб, уни ўзлаштириш жараёнини осонлаштирганлар.

Дарслик араб тилини мукамал ўрганишни истаган мухлислар – университет ва институтлар талабалари, мактаб, мадраса ўқувчилари, шунингдек, курс тингловчиларига мўлжалланган.

**Муаллифлар ушбу дарсликни падари бузрукворлари Иброҳимжон ДОВУДОВ, Мирзамаҳмудхон ЮСУПОВларнинг ҳамда волидан мухтарамаларининг руҳи покларига бағишлайдилар.**

**Масъул муҳаррирлар:**  
академик

**АЛИБЕК РУСТАМОВ,  
АБДУЛАЗИЗ МАНСУР.**

**Тақризчилар: филология фанлари доктори Т.А.Мухторов,  
филология фанлари номзоди М.Саидумаров,  
филология фанлари номзоди Ш.Шомусаров.**

НГ  $\frac{727-1769,5-1365700}{728 (71,0) - (12)}$  2009

ISBN 978 - 9943-344-73=0

*Муаллифлар ва ноширнинг рухсатисиз қайта  
нашр этиши таъқиқланади.*

© Н. Иброҳимов, М. Юсупов.

## ИККИНЧИ НАШР МУҚАДДИМАСИ

Араб тили сомий тиллар оиласига мансуб бўлиб, унинг адабий тил нормаси жоҳилият даврида шаклланган. Бироқ унинг грамматик нормалари милоднинг VIII-IX асрларида ишлаб чиқилди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши, пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларининг юзага келиши араб адабий тилининг янада ривожланиши, таъсир доирасининг кенгайиши, бошқа ажам халқлар томонидан ҳам араб тилининг кенг ўрганилишига йўл очиб берди. Айниқса, Бағдод халифалигида ташкил этилган илмий марказ ва унда араб олимлари билан бир сафда кўплаб мусулмон ўлкалардан келган олимларнинг тадқиқот ишлари олиб боришгани араб тилининг илм-фан соҳасидаги мавқеини янада юқори кўтарди. Натижада бу тил мусулмон шарқи ҳудудида Европадаги латин тили каби фан тилига айланди. Бундан ташқари, у кўплаб мусулмон шарқ мамлакатларида узок вақт давлатлараро муомала тили бўлиб ҳам хизмат қилди.

Араб тили бўйича мутахассислар тайёрлаш Тошкент Давлат шарқшунослик институти зиммасидадир. Бу илм даргоҳидаги араб филологияси кафедрасида узок йиллар ишлаб, малакали арабшуносларни етиштиришга катта ҳисса қўшган ҳамда араб тили бўйича дарслик нашр этиб, муҳлислар эҳтиёжини қондирган Б.З.Холидов, Э.Талабовлардан арабшунослар миннатдордирлар.

Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг шарқ мамлакатлари билан иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалари ривожлана бошлади. Қолаверса, Республикамининг мустақилликка эришиши фаннинг айрим соҳалари олдига илгари қўйилган сунъий тўсиқларни олиб ташлади. Шарқ тилларини, хусусан, араб тилини ўрганиш соҳасидаги чеклашлар бартараф этилди. Буларнинг ҳаммаси араб тилини ўрганувчилар учун ўзбек тилида битилган ҳар хил қўлланма ва дарсликларга эҳтиёж юзага келганлигини кўрсатиб турибди. Шу сабабли ушбу дарслик ҳам мустақиллик шарофати туфайли рўёбга чиқди, деб дадил айтиш мумкин.

Мазкур дарсликда араб тили грамматикасининг назарий томонлари изчил баён этилган. Муаллифлар бунда «соддадан-мураккабга» усулига асосланишган ва турли даврларда чоп этилган, ҳозир ҳам таълим жараёнида қўлланиб келаётган дарслик ва қўлланмалардан фойдаланишган.

Маълумки, чет тилини ўрганишнинг энг самарали усули уни она тили билан муқояса қилган ҳолда ўрганишдир. Шунинг учун ҳам араб

тили грамматикасининг назарий масалаларини баён этишда ўзбек тилининг грамматик конун-қоидалари эътиборга олиниб, мавзулар ўзбек тилига қиёсланган ҳолда тушунтирилган.

Бу дарсликни нашрга тайёрлашдаги асосий муаммолардан бири лингвистик истилоҳларни қўллаш масаласи бўлди. Ҳозиргача араб тили соҳасида ўзбек тилида чоп этилган қўлланмаларнинг камлиги, инкилобдан илгари араб тили мактаб-мадрасаларда кенг ўқитилгани билан ундаги таълим ўзбек тилига қиёслаб олиб борилмагани, шунинг учун ўша даврда нашр этилган қўлланмаларда истилоҳлар араб тилидан айнан иқтибос қилинган. Бу масалани алоҳида ўрганиб, истилоҳлар тизимини қайта кўриб чиқиш вазифасини кўндаланг қўйди. Бу масала дарсликда турлича ҳал этилди: ҳам араб, ҳам ўзбек тилларида мавжуд бўлган лингвистик ҳодисалар учун ҳозирги ўзбек тилидаги истилоҳлар ишлатилди (мас. от кесимли гап, феъл кесимли гап, ҳол, тўлдирувчи ва ҳ.з.). Ўзбек тили грамматикасида ишлатилмайдиган айрим истилоҳлар учун араб тилидаги муқобиллар қабул қилинди (мас. ажваф феъллар, нокис феъллар, масдари мутлак, изофа ва ҳ.з.). Айрим тушунилиши қийин, ўзбек китобхони учун ғализроқ терминлар эса ўзбек тилига таржима қилиниб, муомалага киритилди (мас. чеклов, мослашган аниқловчи, биргаликни ифодаловчи тушум келишиги ва ҳ.з.). Юқоридаги усуллар имкон бермаган ҳолларда русча қўлланмаларда ишлатилган истилоҳлар калька сифатида қабул қилинди (мас. солимсифат феъл, бирикма олмош, ҳамзали феъллар, иккиланган ўзаклар ва ҳ.з.). Араб тилидаги *حرف العجز* категорияси учун русча «предлог» термини қабул қилинди. Шунинг учун ҳам дарсликдаги истилоҳларнинг айримларига шартли деб қаралиши лозим. Масаланинг бу нозик томонини эътиборга олиб, хусусан, ҳозирги кунимизда мадрасаларда таълим олаётган толиби илмлар меҳнатини енгиллатиш, бу дарсликни уларга янада тушунарлироқ қилиш мақсадида ишлатилган истилоҳларнинг арабча-ўзбекча ва ўзбекча-арабча луғати илова қилиниб, унда сўзлар ўзак эътибори билан алифбо тартибида берилди.

Дарсликда ҳар бир назарий мавзу баёнидан кейин мавзуни мустақкамлаш ва уни амалда қўллай билишни ўргатишга мўлжалланган материаллар берилган. Бунинг учун дарслик ўзаро яқин бўлган назарий мавзуларни ўз ичига олувчи 27 қисмга тақсим этилган ва ҳар бир қисм унда муомалага киритилган янги сўзларнинг арабча-ўзбекча луғати билан бошланади. Бу луғатлар сўз эътибори билан (ўзак эътибори билан эмас) алифбо тартибига солинган. Ҳар бир

назарий мавзудан кейин шу мавзуга мос келувчи машқлар бошланади. Машқлар мазмун нуктаи назаридан турли-туман бўлиб, уларнинг асосий қисмини арабчадан ўзбекчага ва ўзбекчадан арабчага таржима қилишга қаратилган машқлар ташкил этади.

Ҳар бир қисм ниҳоясида биттадан арабча матн мавжуд ва бу матнлар кундалик ҳаётнинг турли қирраларида ишлатиладиган лексик бойликларни ўз ичига олади. Матндаги номаълум сўзлар ҳам қисм бошидаги лугат таркибига киритилган. Талабадаги лисоний малаканинг ошиб боришини эътиборга олиб, 15-қисмдан бошлаб, биттадан арабча ва ўзбекча суҳбат киритилган ва бу суҳбатлар талабаларда оғзаки нутқни ўстириш, ўзаро суҳбат олиб бориш малакасини шакллантириш имконини беради. Суҳбатлар 19-қисмдан бошлаб иккитадан (иккита арабча ва иккита ўзбекча) берилган.

21-қисмда феъл турлари ва бобларига бағишланган мавзулар тугайди ва бу билан боғлиқ бўлган араб тилида сўз ясаши мумкин бўлган вазнлар ҳам деярли такомилга етади. Бинобарин, 22-қисмдан бошлаб янги сўзлар лугати айрим иборалар ва географик номлар билан чегараланган ва номаълум сўзларни ўрганиш учун китобхонга дарслик сўнгидаги арабча-ўзбекча лугатга мурожаат қилиш тавсия этилади. Бу лугат дарсликда қўлланилган қарийб уч ярим минг сўз ва иборани ўз ичига олади ва унда сўзлар алифбо тартибига ўзак эътибори билан терилган. Бу лугатдаги қисқартмалар қуйидагича ўқилиши керак: кўп.- кўплик; мз.- музаккар; мн.- муаннас; ик.с.- иккилик сон; жам.- жамловчи сўз; мас.- масалан ва х.з. У ёки бу ўзакка мансуб сўзлар шу ўзакдан ҳосил бўлган феъллар билан бошланган (агар бу ўзакдан шаклланган феъл дарсликда ишлатилган бўлса). Бир ўзакка кирувчи бошқа сўзлар лугатда (-) белгиси билан бошланган ва улар ўзаро алифбо тартибида терилган.

Ушбу дарсликни тузишда муаллифлар масалага у ёки бу йўналиш бўйича ўқув режаси кўзда тутган соат миқдорини эмас, ёритилиши керак бўлган назарий материаллар ҳажмини эътиборга олиб ёндошганлар. Бу жиҳатдан у амалдаги ўқув режалари соатига мос келмаслиги мумкин.

Муаллифлар ушбу дарсликни тузиш ва нашрга тайёрлашда ўзининг тавсиялари билан фаол иштирок этган Миср Араб Республикиси Асют университети араб тили ўқитувчиси Халид Абдулхамид Дайф жанобларига ( *خالد عبد الحميد ضيف مدرس اللغة العربية في جامعة أسيوط بمهورية مصر العربية* )

ўз миннатдорчиликларини изҳор этадилар ҳамда дарслик бўйича ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиш истагида бўлган китобхон-

ларга олдиндан ташаккур билдирадилар. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 25, Тошкент Давлат шарқшунослик институти; шарқ филологияси факультети; Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316, Наманган Давлат университети, филология факультети ўзбек тили йўналиши.

*Муаллифлар.*

Араб тилидаги товушлар учун қабул қилинган  
транскрипцион белгилар

ب – б	غ – ғ
ت – т	ف – ф
ث – <u>с</u>	ق – қ
ج – ж	ك – к
ح – ҳ	ل – л
خ – х	م – м
د – д	ن – н
ذ – <u>з</u>	ه – ҳ
ر – р	و (ундош) – в
ز – з	ى (ундош) – й
س – с	қисқа «а» – а
ش – ш	қисқа «и» – и
ص – <u>с</u>	қисқа «у» – у
ض – <u>д</u>	чўзик «а» – ā
ط – <u>т</u>	чўзик «и» – ī
ظ – <u>з</u>	чўзик «у» – ū
ع – ‘	қатъий ҳамза – ’

## БИРИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

إِبْطٌ кўлтик	ثَلَاجَةٌ музлаткич
ابْنٌ ўғил	جَارٌ кўшни
اتِّجَاةٌ йўналиш	جَامِعَةٌ университет
أُخْتٌ опа, сингил	جَبَلٌ тоғ
إِرْشَادٌ кўрсатма	جَحِيمٌ дўзах
أَرْضٌ ер	جَدٌّ бобо
أَرْبٌ куён	جَدَّةٌ буви
إِصْبَعٌ бармоқ	جَنُوبٌ жанубдан
الْتِزَامٌ зарурият	эсадиган шамол
أَمَّا... فَـ эса, ...га келсак	جَهَنَّمُ дўзах
الْتِخَابٌ сайлов	حَارِسٌ кўрикчи
أَيْضًا ҳам	حَرْبٌ уруш
بَابٌ эшик	حَرُورٌ иссиқ шамол
بَطَّاقَةٌ карточка	حِزْبٌ партия
بَلَدَةٌ шаҳар	حَسَنٌ яхши
بَيْتٌ уй	خَالَ тоға
بُئْرٌ кудук	خَالَةٌ хола
تَبَّتْ мустаҳкам бўлмоқ	خُرُوفٌ кўзичоқ
تَعْلِيمٌ таълим	خَشَبٌ ёғоч
تَمُوزٌ июль	خَمْرٌ шароб
تَقَاةٌ маданият	خَيْاطٌ тикувчи

دَارَ ҳовли, уй  
دَبُورَ ғарбдан эсадиган  
шамол  
دِرَاسَةَ ўрганиш  
دُكْتُورَ доктор  
دَلْوُ челак  
دِهْلِيْزَ коридор  
دَهَبَ олтин  
رَاسَ бош  
رَجُلَ эркак киши  
رِحْلَةَ сафар, саёхат  
رِيحَ шамол  
زَمِيْلَ ҳамкасаба  
زَوْجَ эр  
سَاعَةَ соат  
سِرْوَالَ шалвор  
سَفِيْنَةَ кема  
سَقْرَ дўзах  
سَقْفَ шифт  
سَكِيْنَ пичок  
سَمَاءَ осмон  
سِنٌ ёш (умр); тиш  
سِنَةٌ йил  
سُوْقَ бозор

سَيَّارَةٌ автомобиль  
سَيِّدَةٌ хоним  
شَابٌ йигит  
شَجْرَةٌ дарахт  
شُرْفَةٌ балкон  
شُقَّةٌ квартира  
شَمْسٌ қуёш  
شُوْكَةٌ санчқи, вилка  
شَيْخٌ кекса  
صَبِيٌّ бола  
صَدِيْقٌ дўст  
ضَحَى эрталабки пайт  
طَالِبٌ талаба  
طَبَّاحٌ ошпаз  
طَرِيْقٌ йўл  
عَامِلٌ ишчи  
عَرُوضٌ аруз  
عَصَا асо  
عُقَابٌ бургут  
عَقْرَبٌ чаён  
عَمٌّ амаки  
عُمْرٌ умр  
عُنُقٌ бўйин

عَنْكَبُوتٌ ўргимчак  
غُرْفَةٌ хона  
فَأْسٌ болта  
فَرَسٌ от (ҳайвон)  
فَلَاخٌ дехқон  
فُلْكَ кема  
فَنَانٌ санъаткор  
فُنْدُقٌ меҳмонхона  
قَدْرٌ қозон  
قَرِيبٌ қариндош  
قَرِيَّةٌ қишлоқ  
قَوْسٌ камон, ёй  
كَأْسٌ қадах  
كَبِدٌ жигар  
كِتَابٌ китоб  
كُرْسِيٌّ стул  
كَرْشٌ қорин  
كُلِّيَّةٌ факультет  
لِبَاسٌ кийим  
لِسَانٌ тил  
لَوْحٌ доска  
لَيْلٌ тун  
مُتَرْجِمٌ таржимон

مُتَعَلِّمٌ ўқувчи  
مَجَلَّةٌ журнал  
مُدْرَسٌ -мударрис  
مَدَّةٌ «мадда» ҳаракати  
مَذْهَبٌ мазҳаб  
مَرَأَةٌ аёл  
مُرَبِّيةٌ мураббия  
مَسْكَنٌ турар жой  
مُسْلِمٌ мусулмон  
مَشْفُوعٌ банд  
مُصَوِّرٌ рассом  
مُطْرَبٌ хонанда  
مُعَلِّمٌ ўқитувчи  
مُقَعَّدٌ ўриндик  
مَلَاخٌ денгизчи  
مِلْحٌ туз  
مُمَثِّلٌ актёр  
مَنْزِلٌ манзил  
مِنْضَدَةٌ стол  
مُهَنْدِسٌ инженер  
مُؤَرِّخٌ тарихшунос  
مُوظَّفٌ хизматчи

نَارَ олов

نَجَّارٌ дурадгор

نَعْلٌ шиппак

نَفْسٌ жон

هَيْفٌ иссиқ шамол

وَرِكٌ қовурға

يَمِينٌ қасам

## § 1. УНДОШ ТОВУШЛАР

Араб тилидаги ундош товушларни шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

1. Араб ва ўзбек тиллари учун умумий ундош товушлар.

2. Араб тилига хос ундош товушлар.

Араб ва ўзбек тиллари учун умумий ундош товушлар 19 та бўлиб, улар қуйидагилар:

б - ب	д - د	з - ز	в - و	ж - ج	й - ي
к - ك	р - ر	х - خ	л - ل	с - س	ш - ش
м - م	т - ت, ة	қ - ق	н - ن	ф - ف	ғ - غ
					ҳ - ه

Эслатма: ё ҳарфи ت ҳарфи билан бир хил талаффуз қилинади ва у «-атун» қўшимчаси билан тугаган сўзларда шу қўшимча таркибидаги «т» товушини ифодалаш учун ишлатилади. Унинг номи «тāун марбўтатун» - «та марбута»дир.

Бу товушлар ичидан қуйидагиларнинг талаффузи ўзбек тилидагидан қисман фарқ қилади:

1. «В» товуши ўзбек тилидаги «в» товушидан ҳосил бўлиш ўрнига кўра фарқ қилади. Ўзбек тилидаги «в» лаб-тиш товушидир, араб тилидаги «в» эса икки лабнинг ўзаро яқинлашишидан ҳосил бўлувчи лаб-лаб товуши ҳисобланади.

2. «Л» товуши араб тилида юмшоқ талаффуз қилинади

(«'Аллāху» сўзи бундан мустасно).

3. «Х» товуши ўзбек тилидаги «х» товушидан энгилроқ талаффуз қилинади.

## § 2. УНЛИ ТОВУШЛАР ВА УЛАРНИНГ ЁЗИЛИШИ

Араб тилида учта унли товуш мавжуд: «а», «и», «у». Буларнинг ҳар бири ўз навбатида қисқа ва чўзиқ унлиларга бўлинади:

1. Қисқа унлилар:

1. Қисқа «а» унлиси. Бу унли ёзувда — (фатҳа) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан:

йадун — يَدٌ — қўл,

фамун — فَمٌّ — оғиз,

шафатун — شَفَاةٌ — лаб,

қалбун — قَلْبٌ — юрак.

Эслатма. Араб тилида кўпчилик сўзлар «-ун» кўшимчаси билан тугайди ва у — (танвин дамма) ҳаракати билан ифодаланади.

2. Қисқа «и» унлиси. Бу унли ёзувда — (касра) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан: рижлун — رِجْلٌ — оёқ, бинтун — بِنْتُ — қиз, катифун — كَتِفٌ — елка, бисиллатун — بَسِلَّةٌ — нўхат.

3. Қисқа «у» унлиси. Бу унли ёзувда  $\text{ـ}$  (дамма) ҳаракати билан ифодаланади. Масалан: бусрун - بُسْرٌ - хом хурмо, бухтун - بُهْتٌ - тухмат, гурфатун - غُرْفَةٌ - хона, шурфатун - شُرْفَةٌ - айвон.

## II. Чўзик унлилар:

1. Чўзик «а» унлиси (ā). Бу унли ёзувда  $\text{ا}$  (алиф) ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: китабун - كِتَابٌ - китоб, бабун - بَابٌ - эшик, жидарун - جِدَارٌ - девор, дарун - دَارٌ - уй, ҳовли.

2. Чўзик «и» унлиси (ī). Бу унли ёзувда  $\text{ى}$  ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: каримун - كَرِيمٌ - Карим, жамилун - جَمِيلٌ - чиройли, тунун - تِينٌ - анжир, кабирун - كَبِيرٌ - катта.

3. Чўзик «у» унлиси (ū). Бу унли ёзувда  $\text{و}$  ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: нурун - نُورٌ - нур, гафўрун - غَفُورٌ - кечирувчан, мактубун - مَكْتُوبٌ - мактуб, қудумун - قُدُومٌ - келиш.

Бундай унлиларнинг чўзиклиги тахминан икки қисқа унлига тенг.

Эслатма:  $\text{ا}$ ,  $\text{ى}$ ,  $\text{و}$  ҳарфлари чўзик унлиларни ифодалаганда ҳаракат қабул қилмайди.

Юқоридаги коида умумий бўлиб, кўпчилик сўзларнинг ёзилиши учун асосдир. Бироқ айрим сўзлар бу коидага хилоф равишда ёзилади:

1. Айрим сўзлардаги «ā» унлиси – ҳаракати ёрдамида ифодаланади. Масалан: аллāху – اللهُ – Оллоҳ, хā'улā'и – هُوَالآءِ булар, 'улā'ика – أولئكَ – улар, ўшалар.

2. Баъзан сўз охиридаги «ā» товуши ى ҳарфи ёрдамида ифодаланади: мўсā - مُوسَى - Мусо, фатвā - فَتْوَى - фатво, матā - مَتَى - қачон.

Бу вазифада келган ى ҳарфи «'алифун максўратун» - «алиф максура» дейилади.

3. Айрим тарихий ёдгорликларда сўз ўртасидаги « ā » товуши و ҳарфи воситасида ифодаланган. Масалан: закātун – زَكَاةٌ – закот, нажātун – نَجْوَةٌ – нажот.

Араб тилидаги «а», «ā» унлилари ўзидан олдин қайси ундош мавжудлигига қараб 2 хил талаффуз қилинади:

а) агар олдинда «к», «ғ», «х» ва «р» ундошлари турган бўлса, бу унлилар ўзбек тилидаги «о» унлисига яқин талаффуз қилинади. Масалан: تُرَابٌ – турā(ō)бун – тупроқ, غَابِرٌ – ғā(ō)бирун – ўтмиш, قَبُولٌ – қа(о)бўлун – қабул, خَالٌ – хā(ō)лун – тоға.

б) олдинда «б», «в», «д», «ж», «з», «й», «к», «л», «м», «н», «с», «т», «ф», «ш», «ҳ», «'» ундошларидан бири келса, бу унлилар ўзбек тилидаги «э» унлисига яқин

талаффуз қилинади. Масалан: **بَاب** – бā (э)бун – эшик,  
**مَهْد** – ма(э)хдун – бешик, **جَار** – жā(э)рун - қўшни ва ҳ.з.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*1-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишига уриниб кўринг:*

саййāратун - автомобиль,  
фаннāнун - санъаткор,  
сўкун - бозор,  
қарībун - яқин,  
шавкатун - вилка, санчки,  
хубзун - нон,  
балдатун - шаҳар,  
давлатун - давлат,  
йавмун - кун,  
хашабун - ёғоч,  
суккарун - қанд,  
байтун - уй,  
масканун - турар жой,  
мажаллатун - журнал,  
рағбатун - хоҳиш-истак,  
турāбун - тупроқ,  
лабанун - сўт,  
машғўлун - банд,

Салūмун - Салим,  
синнун - ёш (умр),  
таммўзу - июль,  
шиққатун - квартира,  
сафūнатун - кема,  
қаҳватун - қаҳва,  
кīлўмитрун - километр,  
сахлун - осон,  
Лубнāну - Ливан,  
визāратун - вазирлик,  
шāббун - йигит,  
лайлун - тун,  
рīшатун - перо,  
харībун - куз,  
дақūкатун - минут,  
хунāка - у ерда,  
майдāнун - майдон.

*2-машқ. Қуйидаги сўзларни араб графикасида ёзинг ва талаффуз қилинг:*

шаҳиййатун - иштаҳа,

жаддатун - буви,

харўфун - қўзичоқ,  
санатун - йил,  
мадўнатун - шаҳар,  
фундукун - меҳмонхона,  
шāббатун - ёш қиз,  
қарўатун - қишлоқ,  
шажаратун - дарахт,  
манзилун - манзил,  
дирāсатун - ўрганиш,  
муҳандисун - инженер,  
замўлун - ҳамкасаба,

диҳлўзун - коридор,  
бадлатун - костюм,  
сарўрун - каравот,  
вазўрун - вазир,  
жадўдун - янги,  
либāсун - кийим,  
хунā - бу ерда,  
жаввун - ҳаво,  
сафаржалун - беҳи,  
мишмишатун - бир дона  
ўрик.

*3-машқ. Қуйидаги сўзларни талаффуз қилинг ва маъноларига эътибор беринг:*

жамалун - туя,  
жамāлун - гўзаллик,  
маддатун – мадда  
(ҳаракат),  
мāддатун - модда,  
дарā - билмоқ,  
дāра - айланмоқ,  
мāта - ўлмоқ,  
матā - қачон,  
сафара - юзни очмоқ,  
сāфара - сафар қилмоқ,  
бāридун - совуқ,

барўдун - почта,  
симатун - хусусият,  
сўматун - белги,  
зинатун - оғирлик,  
зўнатун - зийнат,  
баррун - куруклик,  
бāррун - одобли,  
банā - қурмоқ,  
бāна - равшан бўлмоқ,  
сафўрун - элчи,  
сāфирун - юзи очик.

### **§ 3. АРАБ ТИЛИГА ХОС УНДОШ ТОВУШЛАР**

Араб тилига хос бўлган ундош товушлар 8 та:

1. «З» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жаранглидир. Бу товушни тўғри талаффуз қилиш учун тилнинг учини юқори ва пастки тишлар орасидан ташқарига бир оз чиқариш керак. Бу товуш ёзувда **ذ** ҳарфи билан ифодаланади:

зубабун – ذباب – пашша, нафизатун – نافذة – дераза,  
лазўзун – لذیذ – мазали.

2. «С» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига ва усулига кўра **ز** товуши билан бир хилдир. Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра эса, жарангсиз товуш ҳисобланади. Бошқача айтганда, у «з» товушининг жарангсиз вариантыдир. Бу товуш ёзувда **ث** ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: савбун – ثوب – кийим, мўрāsун – ميراث – мерос, тамсўлиййатун – تمثيلية – спектакль, томоша

3. «Х» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра чуқур бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз товушдир. Бу товуш талаффузи давомида ўпкадан чиқаётган ҳаво бўғиздан тикилиб, куч билан чиқади ва бўғиз деворларига қаттиқ ишқалади. Ёзувда у **ح** ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: ҳибрун – حبر – сиёх, рўҳун – روح – рух, миҳбаратун – محبرة – сиёхдон, милҳун – ملح – туз.

4. «‘» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра чуқур бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра

жаранглидир. Бу товуш талаффузи давомида чукур бўғиз деворлари бир-бирига тегади ва ўпкадан келаётган ҳаво шу ерда портлаб ўтади. «ҳ» ва «‘» товушларининг талаффузи анча қийин бўлиб, ўрганувчидан кўп машқ талаб қилади. Бу товуш ёзувда ع ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: ‘арўсун – عَرُوسٌ – келинчак, бай‘ун – بَيْعٌ – сотиш, ша‘рун – شَعْرٌ – соч, шāри‘ун – شَارِعٌ – кўча.

5. «Т» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз товушдир. Бу товушни тўғри талаффуз қилиш учун тилнинг учини эмас («т» товуши каби), балки тилнинг олдинги ярми қисмини тўлалигича танглайга тегизиш керак. Шу шароитдаги ҳавонинг портлашидан мазкур товуш ҳосил бўлади. Бу товуш зарб билан айтилувчи (эмфатик) товуш ҳисобланади ва у ўзидан кейинги, қисман ўзидан олдинги «а», «ā» товушини ўзбек тилидаги «о», «ō» товушига, «и», «ū» товушларини рус тилидаги «ы», « » товушларига ўзгартиради. «У» ҳамда «ў» товушига эса таъсир қилмайди. «Т» товуши ёзувда ط ҳарфи ёрдамида ифодаланади. Масалан: тāлибун – طَالِبٌ - студент, маҗарун – مَطْرٌ - ёмғир, шарўтун – شَرِيْطٌ - кассета, тūнун – طِيْنٌ - лой.

6. «Д» товуши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳо-сил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра эса жаранглидир. Бошқача айтганда, бу ҳарф «т» товушининг жарангли варианты бўлиб, уни талаффуз қилиш учун тилнинг

олдинги қисмини юқори танглайга қаттиқ тираш лозим. Бу товуш ҳам зарб билан айтилувчи ундош ҳисобланади ва «т» товуши атрофидаги унли товушларда бўладиган сифат ўзгаришлари бу товуш яқинида ҳам содир бўлади. «Д» товушини ёзувда ض ҳарфи ифодалайди. Масалан: дāбитун – ضابط – офицер, марӯдун – مريض – касал, миндадатун – منضدة – стол, байдун – يئض – тухум.

7.«Ҷ» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиздир. Бу товушнинг «с» товушидан фарқи шуки, «с» товуши талаффузида ҳаво сирғалиб чиқувчи тирқиш тил учи билан олдинги тишлар орасида бўлса, «Ҷ» ундоши талаффузида бу тирқиш тилнинг олдинги қисми билан юқори танглай орасида ҳосил бўлади. Шунинг учун «Ҷ» товуши анча бўғиқ, хира талаффуз бўлади.

«Ҷ» ундоши юқоридаги ундошлар каби зарб билан айтилувчи ундошдир ва унинг ёнидаги унлиларда юқоридаги каби ўзгаришлар содир бўлади. «Ҷ» ундошини ёзувда ص ҳарфи ифодалайди. Масалан:

Ҷайдун – صيد – ов, масӯрун – مصير – тақдир, миҶбāхун – مصباح – лампа, бāҶун – باص – автобус.

8.«З» ундоши. Бу товуш ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди, ҳосил бўлиш усулига кўра сирғалувчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жаранглидир. Бошқача айтганда, «з» товуши «Ҷ» товушининг жарангли вариантыдир. Бу ундош талаффузида тилнинг олдинги қисми юқори танглайга яқинлашади ва уларнинг орасидаги тирқишдан ҳаво сирғалиб чиқади. «З» товуши ҳам зарб

билан айти-лувчи товушдир. «З» товушини ёзувда ظ харфи ифодалайди. Масалан: заҳрун – ظَهْرٌ – бел, фаззун

– فَيْظٌ – кўпол, манзарун – مَنْظَرٌ – манзара, файзун –

ўлим.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*4-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ҳарфларида ёзинг:*

сақилун - оғир,  
саллажатун - музлаткич,  
лаззатун - лаззат,  
сабатун - сабот,  
мазҳабун - мазҳаб,  
сақфатун - маданият,

заҳабун - олтин,  
сабитун - собит,  
хуз - ол,  
мусаккафун –  
маданиятли.

*5-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг:*

كُورٌ кор,  
أَرْضٌ у ерда,  
حُجْرَةٌ ҳужжат,  
مَذْكُورٌ мазкур,  
نَمْرٌ мева,  
نَمْرٌ нарх,  
نُورٌ бука,  
ذَنْبٌ гуноҳ,  
ثَانِيَةٌ иккинчи,  
لَذَذٌ лаззатланмоқ,

كُورٌ кўп,  
مُذَكَّرٌ музаккар,  
مُذَيَّلٌ иловали,  
كَنْدِيلٌ қандил,  
سَرِيمٌ саримсоқ пиёз,  
دُومٌ дум,  
إِشْونْچٌ ишонч,  
مَيْرَسْхўрлар, وَرْتَةٌ  
مَازали, لَدِيدٌ  
مَيْرَسْхўр, وَارْتٌ

ذَاكِرَةٌ хотира,

ذَرَّةٌ зарра,

ذُرِّيَّةٌ зурриёт

6-машқ. Қуйидаги сўзларни араб графикасида ёзинг:

жāми‘атун - университет,

массāҳатун - ўчирғич,

фаллāҳун - дехқон,

‘ажўбун - ажойиб,

ҳасанун - яхши,

шу‘ўрун - шуур,

ҳāрисун - кўрикчи,

‘умрун - умр,

лавҳун - доска,

‘ададун - соғ,

ҳизбун - партия,

‘āмилун - ишчи,

риҳлатун - саёҳат,

мак‘адун - ўриндик,

нажāҳун - муваффақият,

ҳажарун - тош.

7-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг:

مُعَلِّمَةٌ - муаллима

مُمْتَعٌ - қулай, роҳатбахш,

مَمْسُوحَةٌ - артғич,

شَعْبٌ - халқ,

حَارٌّ - иссиқ,

عَالِمٌ - олим,

خُلُوٌّ - ширин,

عَزِيزٌ - азиз

وَاسِعٌ - кенг,

نَحِيفٌ - ориқ,

مُرِيحٌ - қулай, юмшоқ,

حُرِّيَّةٌ - озодлик,

حَارِثٌ - қўш ҳайдовчи,

حَرِيْقٌ - ёнғин,

حُشُوْدٌ - оломон,

عِبَادَةٌ - ибодат,

عَبُوْسٌ - қовоғи солиқ,

عَجُوْزٌ - кекса,

عَدَمٌ - йўқлик,

تُفَاحَةٌ - бир дона олма,

بَعِيْدٌ - узок,

عَمَلٌ - иш,

سَاعَةٌ - соат,

حَزِيْنٌ - ғамгин,

عَالَمٌ - олам,  
مِعْرَاجٌ - меърож,  
عَذْبٌ - чучук,  
سَمَكَةٌ - бир дона балик,  
مُحَمَّدٌ - Муҳаммад,

حَرِيرٌ - ипак,  
حَرَجٌ - ўрмон,  
عَبَثٌ - эрмак,  
عَجَلَةٌ - ғилдирак

*8-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ҳарфларида ёзинг:*

нашāтун - фаолият,  
марīдун - бемор,  
тавīлун - узун,  
рийāдатун - спорт,  
тифлун - бола,  
муҳāдаратун - маъруза,  
да‘ўфун - заиф,  
‘утлатун - дам олиш куни,  
‘удвун - аъзо,  
ма‘амун - ресторан,

даййикун - тор (сифат),  
хаййāтун - тикувчи,  
байдатун - тухум,  
ми‘тафун - пальто,  
да‘фун - заифлик,  
ба‘та‘исун - картошка,  
нахдатун - уйғониш,  
‘атшāну - чанқоқ,  
‘аламун - байроқ.

*9-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг:*

طَبِيبٌ врач,  
بَطَلٌ қаҳрамон,  
فُطُورٌ нонушта,  
لَطِيفٌ мулойим,  
طَعَامٌ овқат,

خَرِيطَةٌ харита,  
مَطْبَخٌ ошхона,  
طَبَاشِيرٌ бўр,  
خَضِرَوَاتٌ сабзавотлар,  
صَاحِبَةٌ шаҳар чети,

طَيَّارٌ учувчи,  
طَرِيقٌ йўл,  
مُشَطٌّ тароқ,  
طَبَّاحٌ ошпаз,  
مُتَطَوِّرٌ ривожланаётган,  
طَيِّبٌ яхши,  
ضَبَابٌ туман (ҳаводаги),.

ضَرَسَ озик тиш,  
ضَلَعٌ коворға,  
ضَوِيَّةٌ куёвнавкарлар,  
ضَلَّالٌ адашиш,  
ضَرَعٌ елин,  
طُفُولَةٌ болалик.

*10-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ҳарфларида ёзинг:*

зāҳиратун - ҳодиса,  
зиллун - соя,  
мизаллатун - соябон,  
қаṣūрун - калта,  
маṣна‘ун - завод,  
муназзаматун - ташкилот,  
ниṣфун - ярим,  
музāҳаратун - намойиш,  
ṣавтун - овоз,  
назратун - назар,  
Мисру - Миср,  
ṣайфун - ёз (фасл),

зарūфун - келишган,  
хушбичим,  
ṣулбун - қаттиқ,  
миҳфазатун - сумка,  
ṣўратун - расм,  
‘аṣūрун - шарбат,  
назūфун - тоза,  
ṣа‘бун - қийин,  
раṣūфун - тротуар,  
ṣабиййун - бола,  
шā‘ирун - шоир.

*11-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилинг:*

عَصْرٌ аср, давр,  
صُوفٌ жун,  
مُصَوِّرٌ рассом,

صَبَّاحٌ тонг,  
صُحْفِيٌّ журналист,  
صَبِغٌ бўёқ,

صَدَاقَةٌ дўстлик,  
صَفْحَةٌ саҳифа,  
مُوظَّفٌ хизматчи,  
قِصَّةٌ қисса,  
صَدِيقٌ дўст,  
صَارُوخٌ ракета,  
صُدْفَةٌ тасодиф,  
صِرَاعٌ кураш,  
ظَنِيٌّ оху, кийик,  
ظَلَامٌ қоронғулик,  
صَحِيحٌ тўғри, соғ,  
صَغِيرٌ кичик,

مَصْحَةٌ санаторий,  
مَصْنَعٌ завод,  
ظَرْفٌ конверт,  
مِصْعَدٌ лифт,  
صَاعِقَةٌ чакмок,  
ظَهْرٌ бел,  
مَظْهَرٌ кўриниш,  
لَحْظَةٌ лаҳза,  
مَنْظَرٌ манзара,  
صَمْعٌ клей,  
ظُفْرٌ тирнок,  
ظَلِيلٌ салқин.

#### § 4. АРАБ АЛИФБОСИ

Араб алфавитида 28 та ҳарф мавжуд бўлиб, улар қуйидаги тартибга эга:

ا، ب، ت، ث، ج، ح، خ، د، ذ، ر، ز، س، ش، ص، ض،  
ط، ظ، ع، غ، ف، ق، ك، ل، م، ن، ه، و، ي.

Ёзувда мавжуд бўлган ة («та марбута») алоҳида ҳарф сифатида алфавитга кирмаган, чунки у алфавит таркибидаги ت ҳарфи билан бир хил товушни ифодалайди.

## § 5. ТАНВИНЛАР

Араб тилида аксарият сўзлар «-ун», «-ин» ёки «-ан» кўшимчаси билан тугайди. Бу кўшимчалар қуйидаги ҳаракатлар ёрдамида ифодаланади:

1. «-ун» кўшимчаси — (танвин дамма) ҳаракати билан: байтун – بَيْتٌ – уй, ғурфатун – غُرْفَةٌ – хона, масжидун – مَسْجِدٌ – масжид.

2. «-ин» кўшимчаси — (танвин касра) ҳаракати билан: байтин – بَيْتٍ , ғурфатин – غُرْفَةٍ .

3. «-ан» кўшимчаси — (танвин фатҳа) ҳаракати билан. Бу кўшимча ة ҳарфи билан тугаган сўзларга кўшилганида, мазкур ҳаракатнинг ўзи кифоя қилади. Масалан: ғурфатан – غُرْفَةٌ , мактабатан – مَكْتَبَةٌ .

Агар сўз ة дан бошқа ҳарф билан тугаган бўлса, сўз охирига ўқилмайдиган ا (алиф) ҳарфи, масалан: китабан – كِتَابًا , байтан – بَيْتًا ; айрим сўзларда эса ўқилмайдиган ي ҳарфи кўшиб қўйилади. Масалан: мусташфан – مُسْتَشْفَى , ма`нан – مَعْنَى .

### Амалий машғулот учун топшириқлар

12-машқ. Алифбо тартибини ёд олинг.

13-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ҳарфларида ёзинг ва уларга уч хил танвин кўшимчасини қўшинг:

Мисол: жаддатун - буви - جَدَّةٌ، جَدَّةٌ، جَدَّةٌ

жаддатун - буви,  
харўфун - кўзичок,  
фундукун - меҳмонхона,  
жарўдатун - газета,  
манзилун - манзил,  
мадўнатун - шаҳар,  
замўлун - ҳамкасаба,  
санатун - йил,  
сарўрун - каравот,

шажаратун - дарахт,  
сафаржалун - беҳи,  
мишмишун - ўрик,  
жаввун - ҳаво,  
бадлатун - костюм,  
муҳандисун - инженер,  
шаҳиййатун - иштаҳа,  
жабалун - тоғ.

## § 6. ҲАМЗА ТОВУШИ

Араб тилида икки хил ҳамза мавжуд:

1. Қатъий ҳамза яъни талаффуз қилинадиган ҳамза товуши (هَمْزَةُ الْقَطْعِ – ҳамзату-лқатъи).

2. Васлали ҳамза яъни талаффуз қилинмайдиган ҳамза товуши (هَمْزَةُ الْوَصْلِ – ҳамзату-лвасли).

Қатъий ҳамза (◌ْ) ҳосил бўлиш ўрнига кўра бўғиз товуши, ҳосил бўлиш усулига кўра портловчи, овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра жарангсиз ундош товушдир. Бу товушнинг талаффузи енгилгина ўтадиган йўталга ўхшаб кетади. У ўзбек тилида мустақил фонема ҳисобланмайди, лекин у талаффузда қисман мавжуд. Ўзбек тилидаги «ака», «ана», «ука» сўзларида сўз олдидаги «а», «у» товушларидан олдин, «масъулият», «муаллиф» сўзларида «с», «у» товушларидан кейин бу товушнинг мавжудлиги сезилади, лекин у ўзбек тилида маълум бир ҳарф билан ифодаланмайди. Араб тилида эса бу ўзига хос мустақил ундош фонемадир. Масалан: уммун, зи'бун, шай'ун.

Қатъий ҳамзани ёзувда ء (ҳамза) белгиси ифода-  
лайди ва у баъзан ўзи, баъзан ا، و، ى харфларидан бири-  
нинг устига ёки остига ёзилади.

Ҳамза белгисининг имлоси:

I. Сўз бошида келган ҳамза товуши имлоси:

1. Ҳамза товушидан кейин «а», «у» унлиси бўлса,  
ҳамза алиф ҳарфи устига қўйилади ҳамда фатҳа ёки  
дамма ҳаракати ҳамза устига қўйилади. Масалан:

’уммун – أم – она, ’аламун – ألم – оғрик.

2. Ҳамза товушидан кейин «и» унлиси бўлса, ҳамза  
алиф ҳарфининг остига қўйилади ва унинг остига касра  
ҳаракати қўйилади:

’ибтун – اِنط – кўлтиқ, ’инсāнун – اِنْسَان – инсон.

3. Ҳамза товушидан кейин «ā» унлиси мавжуд бўлса,  
ҳамза ва «ā» унлисини маддали алиф билдиради.  
Масалан: ’ āкала – اَكَل – биргалашиб овқатланмоқ.

4. Ҳамза товушидан кейин «ў», «ū» унлилари мав-  
жуд бўлса, ҳамза белгиси ا (алиф)нинг устига ёки  
остига қўйилади ва кейин унлиларни ифодалаш умумий  
қоида асосида амалга оширилади:

’ ūmānун – اِيْمَان – имон, ’ўмину – اُومِنُ – имон кел-  
тираман.

II. Сўз ўртасида келган ҳамза имлоси:

Ҳамза товуши сўз ўртасида келганида, уни тўғри  
ёзиш учун икки ёнидаги унлиларга эътибор бериш  
керак. Бунда унлиларнинг кучлилиги қоидасига амал  
қилинади. Бу қоидага мувофиқ, энг кучли унли «и»,  
«ū», ундан кучсизи «у», «ў», энг кучсизи «а», «ā» унли-  
ларидир.

1. Ҳамзанинг икки ёнидаги унлилардан қайси бири кучли бўлса, ўшанга мос ҳарф ҳамза остига ёзилиши керак, яъни, «и», «ū» унлиси бўлса, **ى** ҳарфи, «у», « ŷ » унлиси бўлса, **و** ҳарфи, «а», «ā» унлиси бўлса, **ا** ҳарфи ҳамза остига ёзилиши керак. Агар ҳамзанинг бир томонида унли товуш бўлиб, иккинчи томонида йўқ бўлса, табиийки, бор унли кучли ҳисобланади. Масалан:

су'ила – **سُئِلَ** – сўралмоқ,                      зи'бун – **ذُنِبٌ** – бўри,  
су'ālун – **سُؤَالٌ** – савол,                      са'рун – **ثَأْرٌ** – касос,  
йа'иса – **يَنْسَى** – афсусланмоқ, бу'сун – **بُؤْسٌ** – бахтсизлик.

2. Ҳамзадан олдин «ā» товуши, кейин «а» товуши мавжуд бўлса, ҳамза мустақил ёзилади. Масалан:

са'ала – **سَاءَلٌ** – биргалашиб сўрамоқ,  
қира'атун – **قِرَاءَةٌ** – ўқиш.

3. Агар ҳамзадан кейин «ā» товуши бўлиб, олдин «а» товуши бўлса, ёки унли товуш бўлмаса, ҳамза ва ундан кейинги «ā» товушини ифодалаш учун маддали алиф ёзилади. Масалан:

ма' āхизу – **مَأْخِذٌ** – манбалар, қур'āнун – **قُرْآنٌ** – Қуръон.

III. Сўз охирида келган ҳамза товуши имлоси:

1. Агар ҳамза ундош товушдан ёки чўзиқ унлидан кейин келган бўлса, у мустақил ҳолда ёзилади. Масалан:

ма'ун – **مَاءٌ** – сув,                      дав'ун – **ضَوْءٌ** – нур,  
сў'ун – **سَوْءٌ** – ёмонлик,                      шай'ун – **شَيْءٌ** – нарса.

2. Ҳамза қисқа унли товушдан кейин келган бўлса, ўша унлига мос ҳарф устига ёзилади. Масалан:

қара'а – **قَرَأَ** – ўқимоқ,                      қури'а – **قُرِئَ** – ўқилмоқ,

жару'а – جَرَوْا – журъатли бўлмоқ.

Ҳамзанинг бу имло қоидалари умумий бўлиб, кўп ҳолатларда бунга амал қилинади. Лекин шундай сўзлар ҳам мавжудки, улар истисно сифатида юқоридаги қоидаларга хилоф ҳолда ёзилади. Масалан:

хай'атун – هَيْئَةٌ – хайъат, ёзилиши керак هَيَّاءُ, мас'алатун – مَسْئَلَةٌ – масала, ёзилиши керак مَسْأَلَةٌ, мас'улун – مَسْئُولٌ – масъул, ёзилиши керак مَسْؤُولٌ.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*14-машқ. Қуйидаги сўзларни тўғри талаффуз қилишига уриниб кўринг:*

'ужратун - кира ҳақи,  
'узунун - қулоқ,  
'ас'илатун - саволлар,  
ри'асатун - раёсат,  
'ибда' - бошла (мз.),  
'ибратун - игна,  
'икра' - ўқи (мз.),  
ру'асā'у - бошлиқлар,

'айатун - оят,  
'анбā'ун - хабарлар,  
'ижлис - ўтир (мз.)  
ṭā'ирун - қуш,  
йавма'изин - ўша куни,  
самā'ун - осмон,  
Қур'āнун - Қуръон,  
'Исмā'ўлу – Исмоил.

*15-машқ. Қуйидаги сўзларни араб ҳарфларида ёзинг:*

'ахаза - олмоқ,  
'ахун - ака,  
'устāзун - устоз,  
'имāратун - амирлик,  
'ādāбун - адабиётлар,

му'ассисун - асосчи,  
су'ālун - савол,  
ма'калун - овқатланиш  
жойи,  
жи' - кел (мз.),

'ибтади' - бошла (мз.),  
 су'ила - сўралмоқ,  
 'арсил - жўнат (мз.),  
 фа'сāни - иккита болта,  
 кури'а - ўқилмоқ,  
 ла'ла'а - ялтирамоқ,  
 жā'а - келмоқ,  
 ҳā'итун - девор,  
 'анша'нā - биз қурдик,  
 йу'минўна - ишонадилар  
 (мз.),  
 шай'ун - нарса,  
 ликā'ун - учрашув,  
 ба'сā'у - фалокат,  
 хазā'ину - хазиналар,  
 'а'ламу - биламан,  
 'āбā'ун - оталар,  
 'аф'идатун - қалблар,  
 'авлийā'у - валийлар,

қирā'атун - ўқиш,  
 дāфи'ун - илиқ,  
 мā'идатун - дастурхон,  
 'имлā'ун - диктант,  
 масā'ун - оқшом,  
 бут'ун - секинлик,  
 дав'ун - ёруғлик,  
 'асўрун - эфир,  
 са''ала - сўратмоқ,  
 та'аккада - таъкидламоқ,  
 зам'āну - чанқоқ,  
 ла'āли'у - марваридлар,  
 су'ила - сўралмоқ,  
 шуракā'у - шериклар,  
 'āзāнун - кулоқлар,  
 мā'ун - сув,  
 ри'атун - ўпка.

## § 7. ВАСЛАЛИ ҲАМЗА

Араб тилида айрим сўзлар талаффуз қилинмайдиган (васлали) ҳамза билан бошланади. Васлали ҳамза ёзувда васла ҳаракати билан ۱ (алиф) ҳарфи ёрдамида ( ۱ ) ифодаланади: *اسم* – исм, *امرأة* – аёл, *ابن* – ўғил.

Васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг бошида турган бўлса ёки бундай сўз алоҳида олинганида, васлали ҳамза ўзидан кейинги бирор қисқа унли билан қатъий ҳамзага айланади. Масалан:

إِسْمٌ - 'исмун,

إِبْنٌ - 'ибнун,

إِمْرَأَةٌ - 'имра' атун,

أَخْرُجُ - 'ухруж – чик.

Агар васлали ҳамза билан бошланган сўз гапнинг ўртасида ёки охирида турган бўлса, қуйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

1. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз қисқа унли билан тугаган бўлса, васлали ҳамза ўқилмайди ва иккала сўз қўшиб ўқилади. Масалан:

قَالَ أَخْرُجُ - қāла-хруж – «чик» деди, قَالَ ابْنٌ - қāла-бнун – ўғил деди:...

2. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз чўзиқ унли билан тугаган бўлса, талаффузда чўзиқ унли қисқа унлига ўзгаради ва васлали ҳамза талаффуз қилинмасдан, ўша унлининг ўзи ўқилади. Масалан:

إِلَى ابْنٍ - 'ила-бнин – ўғилга, فِي اسْمٍ - фи-смин – номда, لَدَى امْرَأَةٍ - лада-мра'атин – аёлда.

3. Васлали ҳамза билан бошланган сўздан олдинги сўз ундош товуш билан тугаган бўлса, ўша сўз алоҳида турганида, қатъий ҳамзадан кейин қайси унли келган бўлса, ўша унли товуш талаффуз қилинади. Масалан: قَالَتْ أَخْرُجُ - қāлатухруж - аёл «чик» деди.

Васлали ҳамзани ифодаловчи ا (алиф) харфи сўзлардан ҳеч қачон тушириб қолдирилмайди. Фақат 3 та сўз бундан мустасно:

1. اللَّهُ сўзи олдида л предлоғи келганида, لا эмас. اللَّهُ ёзилади.

2. اسم сўзи ب предлоғи билан келиб, ҳаммага маълум бўлган қуйидаги иборада иштирок этганида:

بِسْمِ اللَّهِ — эмас, балки بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

3. 3. сўзи икки атоқли отнинг ўртасида келганида:

مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ эмас, балки مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ

زَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ эмас, балки زَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ

### Амалий машғулот учун топшириқлар

16-машқ. Қуйидаги ибораларни тўғри талаффуз қилишига уриниб кўринг:

- 1) قَالَ أَبُو 2) وَالَّذِينَ 3) لِكُلِّ امْرِي 4) مَا اِكْتَسَبَ 5) قِيلَ
- لَكُمْ اَرْجِعُوا 6) اِنْ قَوْمِي اتَّخَذُوا 7) فَقُلْنَا اذْهَبَا 8) يَهْدِي اللهُ 9) يُذَكِّرُ
- فِيهَا اسْمُهُ 10) يَخْلُقُ اللهُ 11) اَمْ اَرْتَابُوا 12) كَمَا اسْتَخْلَفَ 13) ثُمَّ
- اسْتَوَى 14) رَبَّنَا اصْرِفْ 15) دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى 16) وَاسْتَغْفِرْ لَهُمْ
- 17) اِلَّا اِنَّكَ اَفْتَرَاهُ 18) لَقَدْ اسْتَكْبَرُوا 19) يَا لَيْتَنِي اتَّخَذْتُ 20) وَاجْعَلْنَا
- 21) مَا تَرَاكَ اَتَّبَعَكَ 22) يَقُولُونَ اَفْتَرَاهُ 23) قُلْ اِنْ اَفْتَرَيْتُهُ 24) قُلْنَا اَحْمِلْ
- 25) وَقَالَ اَرْكَبُوا 26) وَقَالَ الَّذِي اشْتَرَاهُ 27) وَاِنَادَى نُوحٌ ابْنَهُ 28) يَا
- بَنِيَّ اَرْكَبْ 29) يَا اَرْضُ اَبْلَعِي مَاءَكِ 30) اِنْ اَبْنِي مِنْ اَهْلِي 31) قِيلَ يَا نُوحُ
- اَهْبِطْ 32) يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللهَ 33) يَا قَوْمِ اسْتَغْفِرُوا 34) اِلَّا اعْتَرَاكَ 35) وَ
- اشْهَدُوا 36) وَاتَّبِعُوا 37) وَانْتَظِرُوا

## § 8. «Ал-» АРТИКЛИДАГИ ҲАМЗАНИНГ ТАЛАФФУЗИ

Араб тилида феъл ва ёрдамчи сўз туркумларидан бошқа кўпчилик сўзларнинг олдидан «ал-» артикли кўшилиб келади. Бу артикл ёзувда **أل** шаклида бўлиб, биринчи ҳарфи васлани ҳамзадир (ал- артиклининг маъноларига кейинроқ тўхталинади). **أل** артиклини олган сўзнинг охиридаги танвин йўқолади. Масалан:

الْقَمَرُ – ой, الْأَرْضُ – ер.

**أل** - артиккли сўз гапнинг бошида турса ёки алоҳида олинганида, васлани ҳамза «'а» га ўзгаради. Масалан:

الْقَمَرُ - 'алқамару, الْأَرْضُ - 'ал' арду.

**أل** - артиккли сўз гапнинг ўртасида келса ва ундан олдинги сўз қисқа ёки чўзиқ унли билан тугаган бўлса, бу сўзнинг талаффузи васлани ҳамза билан бошланган бошқа сўзлардан фарқ қилмайди:

فَوْقَ الْأَرْضِ - ма'а-лҳибри – сиёҳ билан бирга, مَعَ الْحَبْرِ - фавқа-л'арди – ер устида, إِلَى الْكِتَابِ - ила-лкитāби – китобга, فِي الْمَدْرَسَةِ - фи-лмадрасати – мактабда.

**أل** - артиккли сўздан олдинги сўз ундош товуш билан тугаган бўлса, **أل**- даги васлани ҳамзанинг талаффузи олдинги сўз охиридаги ундошдан олдинги унли товушга боғлиқ. Агар у «а» бўлса, васлани ҳамза «и», агар «и» бўлса ва у сўз феъл бўлмаса, васлани ҳамза «а», «у» бўлса, васлани ҳамза ҳам «у» ўқилади. Масалан:

مَنْ الْمَرْأَةُ - мани-лмар'ату – аёл ким?

مِنَ الْمَدْرَسَةِ - مِنَ الْمَدْرَسَةِ - мина-лмадрасати - мактабдан  
 هُمُ الْمُفْلِحُونَ - هُمُ الْمُفْلِحُونَ - хуму-лмуфлиҳўна – нажот  
 топгувчилар ўшалардир.

Агар олдиндаги сўз ундош билан тугаган ва ундошдан олдиндаги унли «и» бўлса ҳамда бу сўз феълдан иборат бўлса, **ال** нинг васлали ҳамзаси ҳам «и» ўқилади. Масалан:

اضْرِبِ الْكَلْبَ - اضْرِبِ الْكَلْبَ - 'идриби-л-калба – итни ур.

**ال** - артиклидан **ا** ҳеч қачон ёзувда тушиб қолмайди.

Фақат сўз олдидан **ل** предлоги ёки **ل** юкламаси келганидагина вас-лали ҳамза ёзилмайди. Масалан:

لِ الْقَلْبِ = لِ الْقَلْبِ - қалб учун, **لِ الْقَلْبِ** эмас.

لِ الْحَقِّ = لِ الْحَقِّ - чин ҳақиқат, **لِ الْحَقِّ** эмас.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

17-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни тўғри талаффуз қилинг:

- 1) الْوَلَدُ 2) الْأَرْضُ 3) الْمَاءُ 4) وَاصْتَعِ الْفُلْكَ 5) مِنْ أَنْبَاءِ
- الْغَيْبِ 6) يَوْمَ الْقِيَامَةِ 7) بِلَادِ الْعَجَمِ 8) هَذَا الْحَادِثُ 9) كُوبَةُ الْمَاءِ
- الْبَارِدِ 10) بَعْدَ الْأَسْبُوعَيْنِ 11) مُؤْتَمَرُ الْأَدْبَاءِ الْعَرَبِ 12) الْبُلْدَانُ الْعَرَبِيَّةُ
- 13) أَعْلَمُ الْغَيْبِ 14) لَا تَنْقُصُوا الْمِكْيَالَ

## § 9. ҚАМАРИЙ ВА ШАМСИЙ ҲАРФЛАР

Араб алифбосидаги 28 та ҳарф икки гуруҳга бўлинади:

Қамарий ҳарфлар, улар 14 та:

ا، ب، ج، ح، خ، ع، غ، ف، ق، ك، م، ه، و، ي

Булар араб тилида «الْحُرُوفُ الْقَمَرِيَّةُ» - 'алҳурӯфу-лқамариййату» дейилади.

2. Шамсий ҳарфлар, улар ҳам 14 та:

ت، ث، د، ذ، ر، ز، س، ش، ص، ض، ط، ظ، ل، ن

Булар араб тилида «الْحُرُوفُ الشَّمْسِيَّةُ» - 'алҳурӯфу-шшамсиййату» дейилади.

Шамсий ҳарфлар асосан ҳосил бўлиш ўрнига кўра тил олди товушларини ифодаловчи ҳарфлардир.

## § 10. «Ал-» АРТИКЛИДАГИ «Л» ТОВУШИНING ТАЛАФФУЗИ

«Ал-» артиклидаги «л» товуши баъзан талаффуз қилинади, баъзан қилинмайди ва бу нарса сўзнинг биринчи ҳарфига боғлиқ:

1. Агар сўз қамарий ҳарф билан бошланган бўлса, «л» товуши тўлиқ талаффуз қилинади. Масалан: مَدْرَسَةٌ - 'алмадрасату - мактаб, هِرَّةٌ - 'алҳиррату - мушук.

2. Агар сўз шамсий ҳарф билан бошланган бўлса, «л» товуши талаффуз қилинмайди. Унинг ҳисобига биринчи ҳарф бўлган шамсий ҳарф иккилантириб талаффуз қилинади. Ёзувда бу ҳарф устига — (ташдид) ҳаракати қўйилади. Масалан:

شَمْسٌ - 'ашшамсу - қуёш, دَلْوٌ - 'аддалву - челақ.

«Ал-» артиклидаги ل ҳарфи ҳеч қачон тушириб қолдирилмайди. Сўзнинг биринчи ҳарфи ل бўлганида ҳам, иккита ل ҳарфи ёнма-ён ёзилади. Масалан: لَوْحٌ - 'аллавҳу – доска, اللَّعْبَةُ - لُعْبَةٌ - 'аллу'бату – ўйинчок.

Лекин бундай сўзлар олдидан ل предлоғи қўшилганида, артиклдаги ل ҳарфи тушиб қолади. Масалан: لِّلْوَحِ + ل = لِلْوَحِ – доска учун, لِلْعَبَةِ + ل = لِلْعَبَةِ – ўйинчок учун.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

18-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни тўғри талаффуз қилинг:

- 1) الإِنْسَانُ 2) النَّارُ 3) الْحَقُّ 4) السَّمْعُ 5) الْجَنَّةُ 6) الْأَعْمَى 7) الْبَصِيرُ
- 8) الْغَيْبُ 9) فِي هَذِهِ الدُّنْيَا 10) يَوْمَ الْقِيَامَةِ 11) ثَمَرُ الْأَيَّامِ 12) عَلَى الْمَقْعَدِ 13) أَخْبَارُ الْكُتُبِ 14) ذَلِكَ الْإِنْدِهَاشُ 15) طُرُقُ الْبِرِّ وَ الْبَحْرِ
- 16) جُزُرُ الْبُحُورِ 17) فَجَانُ الْقَهْوَةِ السَّادَةِ 18) دَخَلَ الْمَكْتَبَةَ 19) الْعَلَامَةُ الْمُحَقِّقُ 20) جَمْعِيَّةُ الْعَلَاَقَاتِ الثَّقَاَفِيَّةِ 21) بَدَاتِ الصُّدُورِ 22) عَلَى اللَّهِ
- 23) خَلَقَ السَّمَاوَاتِ 24) أَخْرَجْنَا عَنْهُمْ الْعَذَابَ 25) عَمَلُوا الصَّالِحَاتِ
- 26) يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا 27) إِنَّهُ الْحَقُّ 28) يُضَاعَفُ لَهُمُ الْعَذَابُ 29) هُمْ الْأَخْسَرُونَ 30) خَزَائِنُ اللَّهِ 31) فَارَ التُّورُ 32) لَا غَاصِمَ الْيَوْمَ 33) غِيضَ الْمَاءِ
- 34) أَذَقْنَا الْإِنْسَانَ 35) وَ أَقِمِ الصَّلَاةَ 36) إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ 37) يَا صَاحِبِي السِّجْنِ

19-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни араб ҳарфларида ёзинг ва ҳаракатларини қўйинг:

'аṭ - ṭāвилату  
'ал-луғату

'ан-нафизату  
фил-хизанати

‘ала-л-лавҳи  
 ғурфатут-тадриси  
 ‘ал-қарйатүл-мисриййату  
 сўратул-‘уламā’и  
 фӣ васатил-мадүнати  
 шиккатул-муҳандиси  
 катаба-т - талибу  
 васалатис-саййāрату  
 ҳитāнул-ғурфати  
 ‘ал-қисмул-‘арабиййу  
 бабул-ғурфати

миҳфазатуṭ - талиби  
 ‘ал-масна‘ул-кабӯру  
 ма‘хаду-л-луғātiш-  
 шарқиййати  
 дахалту-л-жāми‘ата  
 фил-масā’и  
 ‘аййāму- т - туфӯлати  
 фис-санатил-мāдиййати  
 ‘ал-куттāбу-л-‘арабу  
 ‘ал-луғату-л-‘арабиййату

## § 11. БЎҒИН

Араб тилида сўзларнинг уч хил бўғини мавжуд:

1. Қисқа бўғин. Бир ундош ва бир қисқа унлидан иборат бўлган бўғин қисқа бўғин дейилади. Масалан:

هُوَ – хува → ху-ва, هِيَ – ҳийа → ҳи-йа

2. Чўзиқ бўғин. Бир ундош ва бир чўзиқ унлидан ёки ундош + қисқа унли + ундош шаклидаги бўғин чўзиқ бўғин дейилади. Масалан:

قَلْبٌ – қалбун → қал-бун, هَذَا – хāзā → хā-зā ,

مَاءٌ – мā’ун → мā-’ун, تَيْنٌ – тīнун → тī-нун.

3. Ўта чўзиқ бўғин. Ундош + чўзиқ унли + ундош шаклидаги бўғин ўта чўзиқ бўғин дейилади. Масалан:

حَادٌّ – ҳādдун → ҳād-дун – ўткир, مَادَّةٌ – мādдатун → мād-  
 да-тун – модда.

Бўғинлар охиридаги товушларнинг характериға кўра яна иккиға бўлинади:

1. Очиқ бўғин. Унли товуш билан тугаган бўғин очиқ бўғин дейилади. Масалан:

كَبَّ – катаба → ка-та-ба – ёзмок,

شَفَّة – шафатун → ша-фа-тун – лаб.

2. Ёпиқ бўғин. Ундош товуш билан тугаган бўғин ёпиқ бўғин дейилади. Масалан:

شَرَق – шарқун → шар-қун – шарқ,

أَسَلَمْتُمْ – ’асламтум → ’ас-лам-тум – сизлар исломга кирдингизлар.

Араб тилида бўғин унли товуш билан бошланмайди. Шунингдек, бўғин бошида ёки охирида икки ундош ёнма-ён келмайди (ўзбек тилидаги «стол», «бахт» каби).

Араб тилида бўғинларни билиш алоҳида аҳамият касб этади, чунки кўпчилик сўзларнинг, хусусан нотўғри феъллардаги товуш ўзгаришлари асосан бўғинларнинг турига қараб аниқланади.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

20-машқ. Қуйидаги сўз ва ибораларни бўғинларга ажратинг, уларнинг турини аниқланг:

- 1) بَرَقَ 2) شَمَسَ 3) قَمَرَ 4) أَرْضَ 5) جَامَعَةَ 6) كَلِيَّةٌ 7) مَدْرَسَةٌ  
8) غُرْفَةٌ 9) صَدَاقَةٌ 10) أُخُوَّةٌ 11) الدَّرْسُ 12) الْكِتَابُ 13) التَّلْمِيذُ  
14) الطَّبَاشِيرُ 15) الْخِزَانَةُ 16) الْمَكْتَبَةُ 17) الْمَدِينَةُ 18) السَّفِينَةُ  
19) التَّسِيمُ 20) الْفَسَاتِينُ 21) مِنَ الْقَرْيَةِ 22) عَلَى الطَّائِلَةِ 23) قُرْبُ  
الدَّارِ 24) خَلْفَ السَّيْنِمَا 25) عَنِ الرِّيَاضَةِ 26) مِنْ قُلُوبِهِمْ 27) تَحْتَ  
الرَّئِيسَةِ 28) قَبْلَ الْمِعَادِ 29) بَعْدَ الْوُضُوءِ 30) أَمَامَ الْمُعَلِّمِ 31) غُرْفَةٌ

الدَّرْسِ (32) كِتَابُ الطَّالِبِ (33) طَاوِلَةُ الْمُعَلِّمِ (34) عَاصِمَةُ الْجُمْهُورِيَّةِ  
(35) حَدِيقَةُ الْمَدِينَةِ (36) مِحْفَظَةُ الطَّالِبَةِ (37) ضَوْءُ الشَّمْسِ (38) صَوْمُ رَمَضَانَ  
(39) عَيْدُ الْأَضْحَى

## § 12. СЎЗ ТУРКУМЛАРИ

Араб тилида сўзлар асосан уч туркумга бўлинади:

1. **الْأَسْمُ** - 'ал' исму – исм. Бу туркумга ўзбек тилидаги от, сифат, олмош, сон, равиш, феълнинг ҳаракат номи (масдарлар), сифатдош каби функционал формалари, айрим кўмакчилар, модал сўзлар киради.

2. **الْفِعْلُ** - 'алфи'лу – феъл. Бу туркумга феълнинг барча замонлари, майллари, нисбатлари, бўлишли ва бўлишсиз шакллари киради.

3. **الْحَرْفُ** - 'алҳарфу – ҳарф. Бу туркумга аниқлик артикли, предлоглар, турли хил юкламалар, умуман ёрдамчи сўзлар киради.

Исм ва феъл туркумига кировчи сўзлар мужской (араб тилида **مَذَكَّرٌ** - музаккарун – музаккар – уни биз қисқача «мз» билан ифодалаймиз) ва женский (арабча **مُؤَنَّثٌ** му'аннасун – муаннас – уни «мн» қисқартмаси билан ифодалаймиз) жинсларга, бирлик, иккилик, кўплик сонларига эга. Бу категорияларга кейинроқ тўхталинади.

## § 13. КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Араб тилида кишилик олмошлари ёзувдаги ҳолатига кўра ажратиб ёзилувчи (**الضَّمَاثِرُ الْمُنْفَصِلَةُ** - 'аддамā'иру-

лмунфасилату) ва у ёки бу сўзга қўшиб ёзилувчи (الضَّمَائِرُ الْمُتَّصِلَةُ - 'аддамā'иру-лмуттасилату) олмошларга бўлинади.

Ажратиб ёзилувчи кишилик олмошлари бош келишиқда келган кишилик олмошларини билдиради ва шахс-сонда қуйидагича турланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	هُوَ хува	هُمَا хумā	هُم хум
	МН	هِيَ ҳийа	هُمَا хумā	هُنَّ хунна
II	МЗ	أَنْتَ 'анта	أَنْتُمَا 'антумā	أَنْتُمْ 'антум
	МН	أَنْتِ 'анти	أَنْتُمَا 'антумā	أَنْتُنَّ 'антунна
I	МЗ.,МН.	أَنَا 'ана		نَحْنُ наҳну

### Амалий машғулот учун топшириқлар

21-машқ. Кишилик олмошлари бўйича билимингизни синаб кўринг.

Мисол: هُنَّ – III шахс, МН., кўплик

1) نَحْنُ 2) هُمْ 3) أَنْتِ 4) هِيَ 5) هُمَا 6) أَنَا 7) هُوَ 8) أَنْتُنَّ  
9) هُنَّ 10) أَنْتِ 11) أَنْتُمْ 12) أَنْتُمَا.

22-машқ. Қуйидаги олмошларни араб тилига таржима қилинг:

Сен (МН.), биз, у (МЗ.), улар (МН.), сизлар (МЗ.), сиз иккинги (МЗ.), у иккови (МН.), мен (МЗ.)

## § 14. КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Араб тилида кўрсатиш олмошларининг ўзига хослиги шундаки, у қайси предметни кўрсатиб келса, ўша предметнинг жинсига, сонига, одамни ёки бошқа предметни билдирувчи сўз эканлигига қараб ўзгаради.

Кўрсатиш олмошлари икки хилдир.

1. Яқиндаги предметга нисбатан қўлланадиган кўрсатиш олмошлари. Булар ўзбек тилидаги «бу», «шу», «мана бу», «манави», «мана шу» сўзларига тўғри келади. Бу олмошлар кўрсатилувчи предметнинг жинси ва сонига қараб, қуйидаги вариантларда қўлланилади:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	
			одам учун	одамдан бошқа пр.
МЗ	هَذَا хазā	هَذَانِ хазāни	هَؤُلَاءِ хā'улā'и	هَٰؤُلَاءِ хāзихи
МН	هَٰؤُلَاءِ хāзихи	هَٰئَانِ хātāни	هَؤُلَاءِ хā'улā'и	هَٰؤُلَاءِ хāзихи

Масалан:

هَذَا الْكِتَابُ – бу китоб..., هَذِهِ الْمَجَلَّةُ – бу журнал... .

2. Узоқдаги предметга нисбатан қўлланадиган кўрса-тиш олмошлари. Булар ўзбек тилидаги «у», «ўша», «ана ўша», «анави» каби сўзларга тўғри келади ва улар қуйидаги вариантларга эга:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	
			одам учун	одамдан бошқа пр.
МЗ	ذَلِكَ зāлика	ذَانِكَ зāника	أُولَٰئِكَ 'улāика	تِلْكَ тилка
МН	تِلْكَ тилка	تَانِكَ тāника	أُولَٰئِكَ 'улāика	تِلْكَ тилка

Масалан:

ذَلِكَ الْكِتَابُ – ўша китоб..., تِلْكَ الْمَجَلَّةُ – ўша журнал....

Тарихий китобларда ذَلِكَ، تِلْكَ - олмошлари ذَاكَ، تَٰكَ - шаклида ҳам учрайди.

Кўрсатиш олмошлари қелишиқда турланмайди.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

23-машқ. Кўрсатиш олмошлари бўйича билимин-  
гизни синаб кўринг.

Мисол: ذَانِكَ - ўша иккови (мз.)

1 ( تَانِكَ 2 هَذَا 3 هَذِهِ 4 أُولَٰئِكَ 5 تَٰكَ 6 ذَلِكَ  
7 هَذَا 8 هَٰئَانِ 9 هَٰؤُلَاءِ 10 تِلْكَ 11 ذَانِكَ.

24-машқ. Қуйидаги олмошларни араб тилига  
ўғиринг:

Мана шу одамлар; ўша иккови(мн.); бу (мз.); бу  
иккови (мз.); ўша аёллар; шу (мн.); мана шу иккиси  
(мн.); шу аёллар; ўша (мз.), анави (мн.); ўша иккиси  
(мз.); ўша одамлар.

## § 15. АНИҚЛИК – НОАНИҚЛИК КАТЕГОРИЯСИ

Нутқ давомида гап баъзан сўзловчи ва тингловчига  
олдиндан маълум бўлган предмет ёки шахс ҳақида  
бориши мумкин. Баъзан мавзу умуман номаълум шахс  
ёки предмет ҳақида бўлиши ҳам мумкин. Агар гап  
олдиндан маълум бўлган предмет ёки шахс ҳақида  
бўлса, ўша предмет ёки шахсни билдирган сўз аниқ

ҳолатда ҳисобланади ва у араб тилида **ال** артикли билан бошланади ҳамда, табиийки, охири танвин кўшимчасисиз тугайди. Масалан:

الرَّجُلُ – маълум одам, الْمَدْرَسَةُ – маълум мактаб.

Агар сўз гапирувчи ва тингловчига номаълум бўлган предмет ёки шахсни билдирса, у ноаниқ ҳолатда ҳисобланади ва **ال** артиклисиз, танвин кўшимчаси билан ёзилади. Масалан:

رَجُلٌ – номаълум одам, مَدْرَسَةٌ – номаълум мактаб.

Демак, **ال** кўшимчаси аниқлик артикли ҳисобланади ва у олдиндан маълум бўлган сўз олдига кўйилади.

Дунёда ягона бўлган предметни ифодаловчи сўзлар ҳар доим аниқлик артикли билан ишлатилади.

Масалан: الشَّمْسُ - Куёш, الْقَمَرُ – Ой, الْأَرْضُ – Ер.

Араб тилидаги деярли барча отларни юқоридаги усул билан аниқ ёки ноаниқ ҳолатда ифодалаш мумкин. Лекин яна шундай сўзлар ҳам мавжудки, улар аниқлик артиклини қабул қилмайди, бироқ доим аниқ ҳолатда ҳисобланади. Булар қуйидаги сўзлардир:

1. Танвин билан тугайдиган киши номлари:

مُحَمَّدٌ – Муҳаммад, سَلِيمٌ – Салим, نُوحٌ – Нух,

هِنْدٌ – Хинд, سَعَادٌ – Суод.

2. Танвин билан тугамайдиган киши номлари:

أَحْمَدٌ – Аҳмад, يَزِيدٌ – Язид, يُوسُفُ – Юсуф, زَيْنَبُ – Зайнаб,

إِبْرَاهِيمُ – Иброҳим, فَاطِمَةُ – Фотима, خَدِيجَةٌ – Хадижа.

3. Танвин олмайдиган географик номлар:

مِصْرُ – Миср, دِمَشْقُ – Дамашқ, بَغْدَادُ – Бағдод,

مَكَّة – Макка,      تُونِسُ – Тунис,      دَجَلَّة – Тигр (дарё).

4. Кишилик ва кўрсатиш олмошлари:

نَحْنُ – биз,      هُمْ – улар (мз),      هَذَا – бу (мз),      تِلْكَ – ўша.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

25-машқ. Қуйидаги сўзларни биринчи қисм янги сўзлари ичидан топинг, уларни ёзинг, ўқинг ва маъноларини ёдланг:

Университет,	олтин,	бозор,
яхши,	маданият,	йигит,
умр,	мазҳаб,	тун,
доска,	совуткич,	журнал,
партия,	йил,	уй,
ўриндик,	ёғоч,	шаҳар,
саёҳат,	тоғ,	санъаткор,
қўриқчи,	санчки,	соат.

26-машқ. Аниқлик артиклини қабул қилмайдиган ва танвин билан тугайдиган қуйидаги атоқли отларни ёдингизда сақлаб қолинг:

مَالِكْ – Молик,	بُكَيرٌ – Букайр,	زَيْدٌ – Зайд,
سَعْدٌ – Саъд,	عُقَيْلٌ – Уқайл,	حَمَّادٌ – Ҳаммод,
هَمَّامٌ – Ҳаммом,	كَعْبٌ – Каъб,	مِغْوَالٌ – Миғвал,
أَنَسٌ – Анас,	جُرَيْجٌ – Журайж,	مَسْعُودٌ – Масъуд,
شُعَيْبٌ – Шуайб,	بِلَالٌ – Билол,	مَنْصُورٌ – Мансур,

مُجَاهِدٌ – Мужоҳид,	زِيَادٌ – Зиёд,	زُهَيْرٌ – Зухайр,
طَارُوسٌ – Товус,	عَبَّاسٌ – Аббос,	هَشَامٌ – Ҳишом,
عَلِيٌّ – Али,	بَشَّارٌ – Башшор,	جَعْفَرٌ – Жаъфар,
أَسَدٌ – Асад,	عُنْدَرٌ – Ғундар,	وَهْبٌ – Вахб,
عَمْرُو – Амр,	حَاتِمٌ – Ҳотим,	شُعْبَةٌ – Шуъба.

27-машқ. Аниқлик артиклини ҳам, танвинни ҳам қабул қилмайдиган қуйидаги атоқли отларни ёдингизда сақлаб қолинг:

عَمْرٌ – Умар,	زُرَّارَةٌ – Зурора,	عَائِشَةٌ – Ойша,
سُفْيَانٌ – Суфён,	عُرْوَةٌ – Урва,	قَتَادَةٌ – Қатода,
أَسَامَةٌ – Усома,	عُمَارَةٌ – Умора,	هَارُونٌ – Ҳорун,
سُلَيْمَانٌ – Сулаймон,	عَلِيَّةٌ – Улайя,	طَلْحَةُ – Талха,
إِسْحَاقٌ – Исҳоқ,	أَيُّوبٌ – Айюб,	عُثْمَانٌ – Усмон,
مُعَاوِيَةٌ – Муовия,	عَفَّانٌ – Аффон,	مَرْيَمٌ – Марям,
عِكْرِمَةٌ – Икрима,	عَوَانَةٌ – Авона,	آدَمُ – Одам,
شَيْبَانٌ – Шайбон,	سَلْمَةٌ – Салама,	عَيْيَةُ – Уяйна,
قُتَيْبَةٌ – Қутайба,	عَبْدَانٌ – Абдон,	ذَكَوَانٌ – Заквон,
عَرْعَرَةٌ – Аръара,	عَلْقَمَةٌ – Алқама,	فَاطِمَةٌ – Фотима.

28-машқ. Аниқлик артикли билан ишлатиладиган қуйидаги атоқли отларни ёдингизда сақлаб қолинг:

الزُّهْرِيُّ – Аззуҳрий,	الْجُنَيْنُ – Алҳусайн,
الْمُبَارَكُ – Алмуборак,	الْمُشَى – Алмусанно,

الأعمشُ - Алаъмаш,  
اللَّيْثُ - Аллайс,  
الوَلِيدُ - Алвалид,

المُتَوَكِّلُ - Алмутаваккил,  
المُفَضَّلُ - Алмуфаззил,  
المُغِيرَةُ - Алмуғира.

29-машқ. Аниқлик артикли билан ишлатиладиган қуйидаги географик номларни эслаб қолинг:

الْجَزَائِرُ - Жазоир,	السُّودَانُ - Судан,	الْهِنْدُ - Ҳиндистон,
الْمَدِينَةُ - Мадина,	الْمَغْرِبُ - Марокко,	الشَّامُ - Шом,
الْبَصْرَةُ - Басра,	الْخَرْطُومُ - Хартум,	الْأَرْدُنُ - Иордания,
الْيَمَنُ - Яман,	الْكُوَيْتُ - Кувайт,	السُّوَيْدُ - Швеция,
الرِّيَاضُ - Арриёз,	النَّيْلُ - Нил,	الْبُرْتُغَالُ - Португалия,
الصِّينُ - Хитой,	الْفُرَاتُ - Евфрат,	الْكُوفَةُ - Куфа,
الثَّمَسَا - Австрия,	الْيُونَانُ - Греция,	الطَّائِفُ - Тоиф,
الصُّومَالُ - Сомали,	الْقَاهِرَةُ - Қохира,	الْيَابَانُ - Япония.
الْمَجْرُ - Венгрия,	الْعِرَاقُ - Ироқ,	

30-машқ. Аниқлик артикли қабул қилмайдиган ва танвинсиз ишлатиладиган қуйидаги географик номларни ёдингизда сақлаб қолинг:

لِيبِيَا - Ливия,  
بَغْدَادُ - Бағдод,  
دِمَشْقُ - Дамашқ,  
سُورِيَا - Сурия,

إِيرَانُ - Эрон,  
سَمَرْقَنْدُ - Самарқанд,  
مِصْرُ - Миср,  
إِسْرَائِيلُ - Исроил,

عَدَنُ	– Адан,	دَجَلَةُ	– Тигр,
لُبْنَانُ	– Ливан,	إِنكَلْتَرَا	– Англия,
صَنْعَاءُ	– Сана,	تُونِسُ	– Тунис,
عُمَانُ	– Аммон,	فَرَنْسَا	– Франция,
قَبْرُصُ	– Кипр,	أَفْغَانِسْتَانُ	– Афғонистон,
نَمَنْغَانُ	– Наманган,	تُرْكِيَا	– Туркия,
أُوْرزْبَكِسْتَانُ	– Ўзбекистон,	طَشْقَنْدُ	– Тошкент,
دَانِمَارْكُ	– Дания,	كَرْبَلَاءُ	– Карбало.

## § 16. ОТЛАРДА ЖИНС КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида отлар икки жинсга – музаккар ва муаннасга ажралади. Муаннас жинсинг грамматик белгиси сўз охиридаги -атун, -ату кўшимчасидир. У ёзувда ة (та марбута) ҳарфи билан ифодаланади.

غُرْفَةٌ – хона, اَلْمَدِينَةُ – шаҳар, مَكْتَبَةٌ – кутубхона, اَلْقَرْيَةُ – қишлоқ.

Шунингдек, اء - ā'u кўшимчаси билан тугаган ҳамда ى - кўшимчаси билан тугаган сўзлар, агар ى - ҳарфи ўзак таркибига кирмаса, муаннас сўзлар ҳисобланади. Масалан:

صَحْرَاءُ – саҳро, ذِكْرَى – хотира, حَبْلَى – оғироёқ.

Бошқа товуш (ҳарф) билан тугаган сўзлар музаккар жинс ҳисобланади. Масалан:

كِتَابٌ – китоб, بَابٌ – эшик, سَقْفٌ – шифт, بَيْتٌ – уй.

Араб тилида яна шундай сўзлар мавжудки, уларнинг жинси грамматик белгига эмас, шу сўзнинг мазмунига қараб белгиланади:

1. *ё*- та марбута ҳарфи билан тугаган сўз эркак зотини билдирса ёки эркак кишига қўйилган исм бўлса, бу сўз музаккар сўз ҳисобланади. Масалан:

خَلِيفَةٌ – халифа, قَتَادَةٌ – Қатода,

حَمْزَةٌ – Ҳамза, طَلْحَةٌ – Талҳа.

2. Муаннаслик грамматик белгиси бўлмаган қуйидаги сўзлар муаннас ҳисобланади:

а) аёл кишини ёки аёлларнинг исмини билдирувчи сўзлар: *أُمٌّ* – она, *عَرُوسٌ* – келинчак, *زَيْنَبٌ* – Зайнаб,

*بِنْتٌ* – киз, *سُعَادٌ* – Суод, *وَدَادٌ* – Вудод.

б) танадаги жуфт аъзоларни билдирувчи сўзлар:

*عَيْنٌ* – кўз, *يَدٌ* – қўл, *أُذُنٌ* – кулок, *رِجْلٌ* – оёқ.

в) аниқлик артиклини олмайдиган ва танвин қўшимчаси билан тугамайдиган географик номлар:

*مِصْرٌ* – Миср, *بَصْرَةٌ* – Басра,

*بَغْدَادٌ* – Бағдод, *طَرَابُلُسٌ* – Триполи.

г) шамол, олов, уруш, қуёш каби сўзлар:

*سَمُومٌ* – шамол тури, *نَارٌ* – олов, *حَرْبٌ* – уруш,

*شَمْسٌ* – қуёш, *أَرْضٌ* – ер, *بَيْرٌ* – қудук.

3. Бундан ташқари *ё* - та марбута билан тугамаган айрим отлар ҳар иккала жинсда ишлатилиши мумкин.

Масалан:

*فَرَسٌ* – от, *كَبِدٌ* – жигар, *قَوْسٌ* – ёй(қурол), *مِلْحٌ* – туз.

Араб тилида одамларнинг касб-ҳунари, мансаби,

мавқеини, қариндошлик муносабатларини билдирувчи қатор музаккар отлар борки, уларнинг охирига **ة** - та марбута харфини қўйиш билан шу сўзларнинг муаннас вариантлари ҳосил қилинади. Масалан:

طِفْلٌ – гўдак бола,      طِفْلَةٌ – гўдак қиз,  
 تَلْمِيذٌ – ўқувчи бола,      تَلْمِيذَةٌ – ўқувчи қиз,  
 طَالِبٌ – студент йигит,      طَالِبَةٌ – студент қиз,  
 شَاعِرٌ – шоир,      شَاعِرَةٌ – шоира,  
 خَالَ – тоға,      خَالَةٌ – хола,  
 مُهَنْدِسٌ – эркак инженер,      مُهَنْدِسَةٌ – аёл инженер,  
 طَيْبٌ – эркак врач,      طَيْبَةٌ – аёл врач.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*31-машқ. Қуйидаги сўзларни янги сўзлар ичидан топинг, уларнинг муаннас эканлигини эслаб қолинг ва маъноларини ёдланг:*

Ер,	асо,	болта,
дўзах,	олов,	шиппак,
иссиқ шамол,	қовурға,	қасам,
шамол,	қудук,	қуёш,
аруз,	жанубдан	қадах,
қорин,	эсадиган шамол,	жон.
қуён,	ғарбдан эсадиган	
уруш,	шамол,	
ҳовли,	ёш, тиш,	

32-машқ. Қуйидаги араб мамлакатлари номи музаккар эканлигини эсда сақлаб қолинг:

- اليَمَنُ – Яман,  
الأردنُ – Иордания (баъзан муаннас),  
المغربُ – Марокко,  
العراقُ – Ироқ (баъзан муаннас),  
السودانُ – Судан.

33-машқ. Қуйидаги араб мамлакатлари номлари муаннас эканлигини ёдда сақлаб қолинг:

- |                          |  |
|--------------------------|--|
| مِصرُ – Миср,            | لِيبِيَا – Ливия,  |
| سُورِيَا – Сурия         | الْكُوَيْتُ – Кувайт,  |
| الْبَحْرَيْنُ – Баҳрайн, | تُونِسُ – Тунис,   |
| فَلَسْطِينُ – Фаластин,  | المَمْلَكَةُ العَرَبِيَّةُ السَّعُودِيَّةُ – Саудия<br>Арабистони Қироллиги. |
| الجَزَائِرُ – Жазоир,    |  |
| لُبْنَانُ – Ливан,       |  |

34-машқ. Қуйидаги сўзларни янги сўзлар ичидан топинг, уларнинг ҳам музаккар, ҳам муаннас сўзлар эканлигини эсда сақлаб қолинг, маъноларини ёдланг:

- |         |         |            |           |
|---------|---------|------------|-----------|
| Қўлтиқ, | бармоқ, | шароб,     | пичоқ,    |
| олтин,  | бош,    | шалвор,    | бургут,   |
| осмон,  | тонг,   | йўл,       | от        |
| чаён,   | бўйин,  | ўргимчак,  | (ҳайвон), |
| кема,   | қозон,  | камон, ёй, | жигар.    |
| тил,    | туз,    | челак,     |           |

35-машқ. Қўйидаги музаккар сўзларни янги сўзлар ичидан топинг, уларни муаннасга айлантинг, маъноларига эътибор беринг:

Амаки,	дехқон,	рассом,	бобо,
тикувчи,	ишчи,	йигит,	дўст,
ўқитувчи,	мударрис,	бола,	таржимон,
қўшни,	ошпаз,	хизматчи,	қариндош
актёр,	ўқувчи,	санъаткор,	
мусулмон,	эр,	тарихшунос,	

## § 17. СЎЗ ЎЗАГИ ВА ЎЗАК ТУРЛАРИ

Араб тилида сўзнинг ўзаги ундош товушлардангина иборат бўлади. Ўзакни ташкил этувчи ундош товушлар ўзак ундошлар дейилади. Ўзак ундошлар сўздаги умумий маънони ифодалайди. Ўзак ундошлар олдига, орасига, орқасига унли ва ноўзак ундошларнинг қўшилишидан сўз ҳосил бўлади. Масалан:

كَتَبَ – катаба – ёзди (мз),

يَكْتُبُ – йактубу – ёзади(мз),

كَاتِبٌ – катибун – ёзувчи,

مَكْتُوبٌ – мактубун – ёзилган нарса,

كِتَابَةٌ – китабатун – ёзиш,

كِتَابٌ – китабун – китоб,

مَكْتَبٌ – мактабун – ёзув столи,

مَكْتَبَةٌ – мактабатун – кутубхона,

كُتُبٌ – кутубун – китоблар.

Бу сўзларнинг барчасида иштирок этган ва умуман «ёзув» маъносини ўзига сингдирган товушлар к, т, б ундош товушларидир. Демак бу сўзларнинг ҳаммаси учун ўзак умумий бўлиб, у «ктб»дир. К, т, б ундошлари ўзак ундошлардир. Шунга ўхшаш «хрж» ўзаги «чиқув», «дхл» ўзаги «кирув», «дрс» ўзаги «ўрганув» маъноларини ифодаловчи ўзаклардир.

Ўзаклар кўпинча араб тилида икки ундошли (масалан: يَدٌ – «йд», فَمٌ – «фм»), уч ундошли (масалан: صَبْرٌ – «сбр», طَالِبٌ – «тлб»), тўрт ундошли (масалан: تَرْجَمَةٌ – «тржм»), دَخْرَجٌ – «дхрж»), беш ундошли (масалан: سَفْرَجَلٌ – «сфржл»), عِنْدَلِبٌ – «ндлб») бўлиши мумкин. Феъллар эса фақат уч ва тўрт ундош ўзакдан иборат бўлади.

Бу ўзак турлари ичида энг кўп тарқалгани уч ундошли ўзаклардир.

Ўзакни ташкил этувчи ундошларнинг характериға боғлиқ ҳолда ўзаклар қуйидаги турларға бўлинади:

1. Иккиланган ўзак. Иккинчи ва учинчи ундошлари бир хил товушдан иборат бўлган ўзак иккиланган ўзак дейилади. Масалан:

سِرٌّ – сиррун – сир → «срр»

مَادَّةٌ – мādдатун – модда → «мдд»

2. Ҳамзали ўзак. Таркибида ҳамза товуши мавжуд бўлган ўзак ҳамзали ўзак дейилади. Масалан:

قِرَاءَةٌ – қирā'атун → «қр'»,

إِيْمَانٌ - 'ūmānun → «'мн»,

مَسْئَلَةٌ - мас'алатун → «с'л».

3. Заиф ўзак. Таркибида *و*, *ي*, *ى* ёки улар ўрнида келувчи *ا* (алиф) ҳарфи мавжуд бўлган ўзак заиф ўзак дейилади. Масалан:

قَوْلٌ – қавлун → «қвл»,

يَسَارٌ – йасарун → «йср»,

هَدِيَّةٌ – ҳадиййатун → «хдй».

4. Солим ўзаклар. Юқоридаги ҳар уч банд хусусиятлари йўқ бўлган, ҳаммаси ҳар хил товушлардан иборат бўлган ўзак солим ўзак дейилади. Масалан:

غَرِيْقٌ – ғарīқун → «ғрқ»,

مُسْلِمٌ – муслимун → «слм».

Баъзан бир ўзак ҳам иккиланган, ҳам ҳамзали (*أُمٌّ* - 'уммун → «'мм»), ҳам ҳамзали, ҳам заиф (*أَيْتَاءٌ* - 'ūtāун → «'тй»); ҳам иккиланган, ҳам заиф (*وَدَادٌ* – видādун → «вдд») бўлиши ҳам мумкин.

Сўзларнинг ўзагини аниқлаш араб тилида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки кўпчилик луғатларда сўзлар ўзак эътибори билан алфавит тартибида бўлади.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*36-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ўзак товушларини топинг:*

كِتَابَةٌ ёзиш,

تَلْمِيذَةٌ ўқувчи қиз,

قَافِلَةٌ карвон,

سَيَّارَةٌ автомобиль,

سَاكِنٌ яшовчи,

جَدُّ бобо,

صَحِيفَةٌ газета,

نَافِذَةٌ дераза,

ثَوْرَةٌ инқилоб,

زَوْجٌ эр,	مَكْتَبَةٌ кутубхона,	سُفْرَةٌ дастурхон,
مَدْرَسَةٌ мактаб,	خَلِيفَةٌ халифа,	قِسْمَةٌ бўлиш.
شَوْكَةٌ вилка,	تَاجِرٌ савдогар,	
كَاتِبٌ ёзувчи,	مَدِينَةٌ шаҳар,	

37-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ўзагини топинг:

1. بَارِدٌ - совук, بَرَادٌ - чойнақ, بَرَادَةٌ - совуткич, بَرْدٌ - шамоллаш, بُرُودَةٌ - совуқлик.

2. جَالِسٌ - ўтирувчи, جَلْسَةٌ - мажлис, جُلُوسٌ - ўтириш, جَالِسٌ - ҳамнишин, مَجْلِسٌ - йиғин.

3. رَجَعٌ - қайтиш, رَاجِعٌ - қайтувчи, تَرْجِيعٌ - қайтариш, رُجُوعٌ - қайтиш, مُرَاجَعَةٌ - консультация, مَرْجِعٌ - маълумот-нома, مُرَاجِعٌ - назоратчи, رَجْعِيٌّ - реакци-онер.

4. شَرِبٌ - ичиш, شَرَابٌ - ичадиган нарса, شَرَبَاتٌ - шарбат, شَرِيبٌ - ичишга яроқли, شَرِيبٌ - кўп ичувчи, مَشْرَبٌ - ичиш жойи, مَشْرَبَةٌ - сув ичиладиган фонтанча, مَشْرُوبٌ - ичиладиган нарса.

38-машқ. Қуйидаги сўзларнинг ўзагини топинг:

1. قَلْبٌ - юрак, لَوْحٌ - досқа, بَدْرٌ - тўлин ой, شَرِقٌ - шарқ, شَعْبٌ - халқ, شَرْطٌ - шарт, عَهْدٌ - аҳд, بَرٌّ - қуруқлик.

2. بَلَّحٌ - хурмо, قَلَمٌ - қалам, طَبَقٌ - товоқ, قَدَحٌ - қадах, زَرْدٌ - совут, سَحَرٌ - сахар, سَكَنٌ - турар жой, شَرَفٌ - шараф, شَفَقٌ - шафак.

3. اِنْهَامٌ - илҳом, اِخْرَاجٌ - чиқариш, اِغْلَاقٌ - ёпиш, اِنْهَاضٌ - уйғотиш, اِقْبَالٌ - қабул қилиш, اِكْرَامٌ - хурмат қилиш, اِذْرَاكٌ - англаш, اِفْلَاسٌ - пулсизлик, تَكْلِمٌ - гапириш, تَقْرُبٌ - яқинлашиш, تَقْسُمٌ - бўлиниш, تَقْلُبٌ - ағдарилиш, تَقْنَعٌ - ниқобланиш, تَكْمُلٌ - такомиллашиш, تَمْتَعٌ - фойдаланиш, تَمِيْزٌ - ажралиб туриш, تَصَوُّفٌ - тасаввуф.

4. اِجْتِمَاعٌ - мажлис, اِكْتِشَافٌ - кашф этиш, اِشْتِرَاكٌ - иштирок, اِعْتِرَافٌ - эъти-роф этиш, اِعْتِقَادٌ - эътиқод қилиш, اِفْتِسَاحٌ - очилиш, اِشْتِقَاقٌ - бўлиниш, اِسْتِلاَمٌ - олиш, қабул қилиш.

39-машиқ. Қуйидаги сўзларнинг ўзагини топинг ва ўзакларнинг турини аниқланг:

بُطْءٌ секинлик,	مَسْئَلَةٌ масала,	أَسْفٌ таассуфланиш,
سُؤَالٌ савол,	مَلْءٌ тўлғазиш,	قَوْلٌ сўз, гап,
غِيَابٌ йўқлик,	أُمٌّ она,	عَمَّةٌ амма,
صَحِيحٌ тўғри,	تَمْيِيزٌ фарқлаш,	سُوءٌ ёмонлик,
مَلَلٌ зерикиш,	هَيْلٌ қум,	وَجْهٌ бет,
يَمِيْنٌ қасам,	وَدٌّ меҳр,	وَنِيْدٌ эҳтиёткор,
وَبَاءٌ вабо,	يَأْسٌ таассуф,	يَوْمٌ кун.

## § 18. НОЎЗАК ҲАРФЛАР

Юқорида айтганимиздек, сўз ўзак ундошлар ҳамда ўзак таркибига кирмайдиган унли ва ундош товушлар мажмуидан иборат бўлади. Араб тилида ўзак таркибига

кирмайдиган унли ва ундошларни ифодаловчи ҳарфлар 10 та. Улар ноўзак ҳарфлар дейилади: ل، ی، و، م، ت، ن، س، ء. Бу ҳарфларни ёдда сақлашни енгиллатиш мақсадида улар иштирокида иккита гап тузилган: أَلْيَوْمَ تَنْسَاهُ - «сиз бугун уни унутасан», ما تَنْسَاهُ - «сен бугун уни унутасан», سَأَلْتُمُونَهَا - «сизлар мендан у ҳақда сўрадингизлар». Бу жумлалардаги و، ي، ء ҳарфлари ундош товушларни ифодалаганда ҳам, чўзиқ унлиларни ифодалаганда ҳам ноўзак бўлиши мумкин. Шунингдек ت ҳарфи ء ҳарфини ҳам билдиради. Демак, сўз таркибида учраган шу 10 ҳарф ўзак ҳарф ҳам, ноўзак ҳарф ҳам бўлиб келиши мумкин. Масалан: مَحْكُومٌ - маҳкўмун сўзидаги биринчи م ноўзак, иккинчи م ўзак ҳарфдир. Шунингдек، مَوْلُودٌ - мавлўдун сўзидаги биринчи و ўзак ҳарф, иккинчи و ноўзак ҳарфдир.

Сўз таркибида юқоридаги 10 та ҳарфдан бошқа ҳарфлар мавжуд бўлса, у албатта ўзак ҳарф ҳисобланади. Масалан: ضَابِطٌ - дāбиṭун сўзида ط، ب، ض، ўзак ҳарфлар، ا (алиф) ноўзак ҳарф، مُسْتَشْرِقٌ - мусташрикун сўзида ق، ر، ش، ўзак ҳарфлар، ت، س، م، ноўзак ҳарфлар ҳисобланади.

Сўз таркибидаги ҳарфларни ўзак ва ноўзакларга ажратиш анча мураккаб масаладир. У маълум даражада тажриба, араб тили морфологиясидан билим талаб қилади. Иккинчи томондан, сўздаги ҳарфларни бундай таҳлил қила билишнинг катта аҳамияти бор. Сўзнинг морфологик таркибини ўрганиш, унинг вазнини

аниқлаш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Сўз ясашидаги кўпчилик грамматик категориялар эса, ўзининг маълум вазнига эга.

## § 19. СЎЗ ВАЗНЛАРИ

Ҳар бир грамматик категория араб тилида ўзининг вазн деб аталмиш муайян шакли – моделига эга. Араб тилшунослари вазнга асос қилиб ل, ع, ف ҳарфларини олишган. Бунда ف ҳарфи биринчи ўзак ундошни, ع ҳарфи иккинчи ўзак ундошни, ل ҳарфи эса учинчи ўзак ундошни ифодалайди. Агар сўз тўрт ёки беш ундошли ўзакдан иборат бўлса, тўртинчи ва бешинчи ундошларни ифодалаш учун ҳам ل ҳарфи олинади.

У ёки бу сўзнинг вазнини аниқлаш учун ўша сўзнинг ўзагини аниқлаш ва улар ўрнига тартибни бузмаган ҳолда ل, ع, ف ҳарфларини қўйиш керак. Бунда ҳаракатлар ва ноўзак ҳарфлар ўзгартирилмасдан ўз ўрнида қолаверади. Масалан: طَالِبٌ сўзида биринчи ундош ط бўлиб, уни ف билан алмаштирилади. Иккинчи ўзак ундош ل бўлиб, у ع билан ва учинчи ўзак ундош ب бўлиб, у ل билан алмаштирилади. «Фатҳа», «касра», «танвин дамма» ҳаракатлари, шунингдек ноўзак ҳарф ا (алиф) ўзгаришсиз қолади: طَالِبٌ → فَاعِلٌ

Демак, طَالِبٌ сўзининг вазни فَاعِلٌ экан. Шунингдек, مَفْعُولٌ сўзининг вазни مَفْعُولٌ, مَجْلِسٌ сўзининг вазни مَفْعُولٌ.

مُفَعَّلٌ сўзининг вазни , أَسْتَفْعَالٌ сўзининг вазни *استقبالٌ* дир.

Араб тилидаги сўзларнинг кўпчилиги уч ундошли ўзакка эга бўлган феъллардан турли вазнлар асосида шаклланган. Бу сўзларнинг морфологик таркибини ўрганиш учун сўзларнинг вазнини билиш катта аҳамиятга эга.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

40-машқ. Қуйидаги сўзларнинг вазнини аниқланг:

Мисол: قَاعِلَةٌ → قَافِلَةٌ

- |                 |                 |                 |                |                 |                 |
|-----------------|-----------------|-----------------|----------------|-----------------|-----------------|
| (1) سَفْرَةٌ    | (2) قِسْمَةٌ    | (3) زَوْجٌ      | (4) صَحِيفَةٌ  | (5) مَكْتَبَةٌ  | (6) شَوْكَةٌ    |
| (7) سَاكِنٌ     | (8) مَدِينَةٌ   | (9) ثَوْرَةٌ    | (10) تَاجِرٌ   | (11) كِتَابَةٌ  | (12) نَافِذَةٌ  |
| (13) كَاتِبٌ    | (14) خَلِيفَةٌ  | (15) مَطْبَعٌ   | (16) جَدٌّ     | (17) سَيَّارَةٌ | (18) مَدْرَسَةٌ |
| (19) قَلْبٌ     | (20) قَلَمٌ     | (21) إِغْلَاقٌ  | (22) تَقْنَعٌ  | (23) افْتِاحٌ   | (24) بَرٌّ      |
| (25) سَكَنٌ     | (26) إِذْرَاكٌ  | (27) اغْتِنَاقٌ | (28) تَصَوُّفٌ | (29) شَرَفٌ     | (30) قَدَحٌ     |
| (31) اشْتِقَاقٌ | (32) إِكْرَامٌ  | (33) جَرٌّ      | (34) تَقْلُبٌ  | (35) اشْتِرَاكٌ | (36) مَجْلِسٌ   |
| (37) بَرَادَةٌ  | (38) جُلُوسٌ    | (39) بُرُودٌ    | (40) جَلِيسٌ   | (41) مُصَوِّرٌ  | (42) جَلْسَةٌ   |
| (43) تَلْمِيزٌ  | (44) مُتَرْجِمٌ | (45) بُرْهَانٌ  | (46) سُلْطَانٌ | (47) شَيْطَانٌ  | (48) زَلْزَالٌ  |

41-машқ. Берилган вазн асосида қуйидаги ўзаклардан сўзлар ҳосил қилинг, уларни янги сўзлар ичидан топинг ва маъносини ёдланг:

Мисол: فَعَلٌ – хшб – خَشَبٌ - ёғоч

فَعُولٌ хрф	فَعَالٌ фнн	مَفْعُولٌ шғл	فُعْلَالٌ лбнн
فَعْلَةٌ крй	فَعَالَةٌ сйр	مَفْعَلٌ нзл	فَعْلَةٌ ждд
فَعَالَةٌ дрс	فَعَالٌ лбс	فَعْلَةٌ шжр	فَعْلَةٌ шкк
فَعِيلٌ змл	تَفَعَّلَ сбт	فُعِّلٌ фндк	فَعُولٌ тмз
فَعِيلَةٌ сфн	فَاعِلَةٌ жм'	مُفَعَّلٌ хндс	فَعِلٌ снн
مَفْعَلٌ скн	فَعْلَةٌ рхл	فَعِيلٌ дхлз	فَعْلَةٌ мдд

## § 20. ОТ КЕСИМЛИ ГАП

Кесими феълдан бошқа сўз туркумидан ифодаланган гап от кесимли гап дейилади («Махмуд студентдир», «Бу журналдир», «Сен тўқувчи қизсан» каби).

Араб тилида от кесимли гапларга куйидаги талаблар кўйилади:

1. Гапнинг эгаси олдин, кесими кейин келади.

2. Гапнинг эгаси аниқ ҳолатда, кесими ноаниқ ҳолатда келади:

أَنَا طَالِبٌ – Мен студентман, هَذَا كِتَابٌ – Бу китобдир.

3. Гапнинг кесими жинси ўзгариши мумкин бўлган сўздан иборат бўлса, эганинг жинсига мослашади.

Масалан:

أَحْمَدُ مِهْنَدِسٌ – Ахмад инженердир,

فَاتِمَةُ مِهْنَدِسَةٌ – Фотима инженердир.

أَنَا مُدْرَسٌ – Мен ўқитувчи (эркак)ман,

أَنَا مُدْرَسَةٌ – Мен ўқитувчи (аёл)ман.

4. Гапнинг эгаси кўрсатиш олмошидан иборат бўлса, у кесимнинг жинсига мос вариантда келади. Масалан:

هَذَا بَيْتٌ – Бу уйдир, ذَلِكَ كِتَابٌ – Ўша (наrsa) китобдир,  
هَذِهِ غُرْفَةٌ – Бу хонадир, تِلْكَ مَجَلَّةٌ – Ўша (наrsa)  
журналдир.

5. Ўзбек тилидаги кесимга қўшилиб келувчи боғлама (-дир) араб тилида ишлатилмайди.

6. Гапнинг эгаси юқори, кесими паст интонация билан талаффуз қилинади. Бошқача айтганда, интонация гап охирига бориб пасаяди:

مُحَمَّدٌ فَلَاحٌ – Муҳаммад деҳқондир.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

#### · БИРИНЧИ МАТН

هو طالب. هي معلمة. هذه مدرسة. هذا قلم. أحمد دكتور. زينب عاملة.  
هذا رجل. هذه طالبة. أنا طبيب. أنت مهندسة. هذه مجلة. ذلك كتاب. مكة  
مدينة. العراق دولة. تلك مكتبة. هي عمه. هو خال. ذاك جد. تارك جدة.  
هو خليفة. عائشة امرأة. عمر خليفة. هذا سقف وهذه أرض. هذه مجلة وتلك  
جريدة. ذلك مقعد وهذا كرسي. تلك نافذة أما هذا فهوباب. محمد نجار أما  
عثمان فهومهندس. هذه منضدة وتلك منضدة أيضاً. أنا فلاحه وهي فلاحه أيضاً.  
أنت خياطة أما الخالة فهي فنانة. هذه مساحة وتلك ممسحة. تلك غرفة وهذه  
شرفة. أنا مطرب وأنت مطربة. هذا ابن وتلك أخت. الانتخاب هنا. هذه بطاقة.  
هي سيدة. أنا مربية. هذا إرشاد. التعليم التزام. هو شيخ. هذا اتجاه. أنت  
ملاح. هذه كلية.

42-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг ва интонацияга эътибор бериб ўқинг:

1. Сен (мн.) деҳқонсан. 2. У (мз.) инженердир. 3. Ўша (наrsa) столдир. 4. Бу дастурхондир. 5. Ўша (наrsa) жур-

налдир. 6. Мен тоғаман. 7. Сен аммасан. 8. Хола аёл-  
дир. 9. Бу ҳовлидир. 10. Ўша (нарса) хонадир. 11. Суфён  
эркак кишидир. 12. Фотима санъаткордир. 13. Талха ак-  
тёрдир. 14. Мен ўқувчи қизман. 15. Мен студент йигит-  
ман. 16. У автомобилдир. 17. Бу қўлдир. 18. Ўша (нарса)  
кўздир. 19. У тикувчидир. 20. У чевардир.

*43-машқ. Қуйидаги гапларда эга ўрнига кўрсатиш  
олмошларининг мос вариантини топиб қўйинг:*

- 1) ... جامعة. 2) ... بيت. 3) ... شارع. 4) ... كلية. 5) ... مدينة.  
6) ... غرفة. 7) ... صحيفة. 8) ... خليفة. 9) ... أم. 10) ... أذن.  
11) ... مصر. 12) ... درس. 13) ... مترجمة. 14) ... كتاب.  
15) ... عروس. 16) ... مدرسة. 17) ... تلميذ. 18) ... فنانة.  
19) ... زوجة. 20) ... عم.

*44-машқ. Қуйидаги гапларда эга ўрнига II ёки III  
шахс кишилик олмошларидан мос вариантини топиб  
қўйинг:*

- 1) ... طالبة. 2) ... معلم. 3) ... خياط. 4) ... مؤرخة. 5) ... موظف.  
6) ... مترجم. 7) ... ممثلة. 8) ... جد. 9) ... خالة. 10) ... جار.

## ИККИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

آبَاءُ кўп. ота

إِبْرَةَ игна

أَخٌ ака, ука

أُذُنٌ кулок

بَوَاتِرُ кўп. ўткир

بَوَارِحُ кўп. ҳарбий

кема

بُخْتٌ кўп. бахт

بُدُورٌ кўп. тўлин ой

بِرْبٌ кўп. ибодатхона

بِرْكٌ кўп. ҳовуз

أَبْصَارٌ кўп. кўриш

بِغَالٌ кўп. хачир

بِكْرٌ кўп. бўталок

بِهْلُولٌ кўп. масхарабоз

بُؤْسَاءُ кўп. бахтсиз

تُحْفَةٌ кўп. совға

تُلُولٌ кўп. тепалик

تَلْمِيذَةٌ ўқувчи қиз

تُلَلٌ кўп. гуруҳ

أَثْمَانٌ кўп. нарх

جَوَاسِيسٌ кўп. жосус

جِبَالٌ кўп. тоғ

جَدَاوِلٌ кўп. арик

أَجْرَاسٌ кўп. кўнғирок

أَجْرِيَاءُ кўп. журъатли

جِعْلَانٌ кўп. кўнғиз

جِمَالٌ кўп. туя

أَجْنَابٌ кўп. ён,

биқин

أَجْهَازَةٌ кўп. жиҳоз

حَائِطٌ кўп. девор

أَحْبَارٌ кўп. олим

حِتْرٌ кўп. қирғок

أَخْبَارٌ кўп. хабар,

янгилик

خُلَفَاءُ кўп. халифа

دِبَلٌ кўп. узук

دَبَائِيسٌ кўп. илгак,

кнопка

دُخُولٌ кўп. кириш

دَوْلَةٌ кўп. давлат

دِيمَاسُ кўп. ДИЯМИСЪ ертўла,  
 подвал  
 ذِكْرِي хотира  
 ذَهْنٌ кўп. АЗЪНАНЪ зеҳн  
 رِبَاطٌ кўп. АРИБЪТЪ, тугун  
 رُجْمٌ кўп. РҶМЪ метеор  
 رُؤْسَاءُ кўп. РУСАЪ бошлик  
 زُبُنٌ кўп. ЗУБАНЪ, миждоз  
 سَوَاطِيرُ кўп. САУАТИРУ катта пичоқ  
 سَجَادَةٌ кўп. САЖАДИДЪ жойнамоз  
 سَقَبٌ кўп. СУҚУБЪ, бўталок  
 سَلْسَلَةٌ кўп. САЛАСЪ занжир  
 سَلَكٌ кўп. САЛАКЪ, ип, сим  
 سَوَالٌ кўп. АСУАЛАЪ савол  
 شَوَاطِلُ кўп. ШУАТИЛУ томон  
 شَطِيئَةٌ кўп. ШУТАЙА осколка  
 شُعْبٌ кўп. ШУУБЪ халқ  
 شَنْبٌ кўп. АШНАБЪ мўйлов  
 صَبِيَّةٌ кўп. САБИА қиз бола  
 صُحْفِيٌّ журналист  
 صَفْحَةٌ саҳифа  
 صَبْرٌ кўп. САБИРУ қаттиқ совуқ  
 صُورَةٌ расм  
 ضَلْعٌ кўп. ЗУЛУУЪ кир

ضَوْءٌ ёруғлик  
 طَبِيعٌ кўп. ТАУАИУ характер  
 طَائِرٌ қуш  
 طَبْلٌ кўп. ТАБУЛУ, ноғора  
 طِفْلٌ кўп. АТАФАЛЪ бола  
 ظَنِيٌّ оҳу, кийик  
 ظِلٌّ соя  
 ظَلَمَانٌ кўп. ЗАЛМАНЪ, туяқуш  
 قَتِيلٌ кўп. ҚАТИЛУ ўлдирилган  
 قِصَّةٌ қисса  
 قَلَمٌ қалам  
 كَسَالٌ кўп. КСАЛИ, дан-  
 гаса  
 لِقَاءٌ учрашув  
 مَائِدَةٌ дастурхон  
 مَبَسِمٌ кўп. МАБИСУ оғиз  
 مَتَّاحِفٌ кўп. МАТАХИФЪ музей  
 مَحْبِرَةٌ кўп. МАХБИРУ сиёҳдон  
 مَدْرَسَةٌ кўп. МАДАРИСУ мактаб  
 مَدِينَةٌ кўп. МАДУНЪ шаҳар  
 مَرَّاحِلٌ кўп. МАРАХИЛУ босқич  
 مَرَكَبٌ кўп. МАРАКИБЪ нақлиёт  
 مَزْرَابٌ кўп. МЗАРИБУ тарнов  
 مَسَاءٌ оқшом

مُسْتَشْفَى шифохона

مَسَامِيرُ кўп. мих

مَصْرَعٌ кўп. халокат

مَصْعَدٌ кўп. лифт

مَصْنَعٌ кўп. завод

مِظَلَّةٌ соябон

نَبِيٌّ пайғамбар

هَدَايَا кўп. совға

يَدٌ қўл

يَوْمٌ кун

## § 21. ОТЛАРДА СОН КАТЕГОРИЯСИ

Араб тилида отлар уч грамматик сонга эга: бирлик, иккилик ва кўплик сонлар.

Ҳозиргача биз кўрган сўзлар бирлик сондаги сўзлар бўлиб, у иккилик ва кўплик соннинг ҳосил бўлиши учун асос ҳисобланади.

## § 22. ОТЛАРДА ИККИЛИК СОН

Грамматик иккилик сон гап икки предмет ёки воқеа-ҳодиса ҳақида кетганида ишлатилади ва у қуйидагича шаклланади:

1. Сўз охиридаги танвин дамма ўрнига **أَنَّ** - **āни** кўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

بَيْتٌ → بَيْتَانِ – иккита уй, شَارِعٌ → شَارِعَانِ – иккита кўча.

2. Аниқлик артикли қўшилиб келган сўзларда ҳам бу қўшимча ўзгармайди: **أَلْبَيْتُ** → **أَلْبَيْتَانِ**, **أَلشَّارِعُ** → **أَلشَّارِعَانِ**.

3. «Та марбута» билан тугаган сўзлар иккилик сонда келганда, «та мамдуда»га ўзгаради. Масалан:

جَرِيدَةٌ → جَرِيدَتَانِ – иккита газета,

أَلْمَجَلَّتَانِ → أَلْمَجَلَّةُ – иккита журнал.

4. ءَ – ҳарфлари билан тугаган сўзлардан ʼ белгиси

ўрнига وَان – вāни қўшимчасини қўшиш билан.

Масалан:

صَحْرَاءُ → صَحْرَاوَانِ – иккита саҳро.

5. Айрим икки ундошли ўзакдан иборат сўзлардан ҳам وَان қўшимчасини қўшиш воситасида. Масалан:

أَخٌ → أَخَوَانِ – икки ака-ука, أَبٌ → أَبَوَانِ – ота-она.

Бундай сўзларнинг айримларидан эса умумий қоида асосида:

يَدٌ → يَدَانِ – иккита қўл, فَمٌّ → فَمَانِ – иккита оғиз.

6. يَ – қўшимчаси билан тугаган сўзлардан يَانِ- йāни қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

مُسْتَشْفَى → مُسْتَشْفِيَانِ – иккита шифохона,

مَعْنَى → مَعْنِيَانِ – икки маъно.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

45-машқ. Қуйидаги гапларни интонациясига эътибор бериб ўқинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) هَما مدرسان. 2) هَما مدرستان 3) أنتما مهندسان. 4) أنتما مهندستان. 5) نحن شابتان. 6) نحن شابان. 7) هذان بيتان. 8) هاتان غرفتان. 9) ذاك طالبان. 10) تانك متعلمتان. 11) هما أخوان. 12) هذان مستشفيان. 13) تانك ذكريان. 14) أنتما أبوان. 15) تانك مجلتان. 16) أحمد ومحمد تلميذان. 17) زينب وفاطمة طالبتان. 18) مكة والقاهرة مدينتان. 19) العراق ومصر دولتان. 20) هاتان يدان. 21) هذان رأسان.

22) ھما زوجان. 23) طلحة وعمر صديقان. 24) موسى وعيسى نبيان. 25) تانك مؤرختان.

46-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг ва интонацияга эътибор бериб ўқинг:

1. Ўша иккови (мз.) деҳқонлардир. 2. Бу иккиси (мн.) актрисалардир. 3. Сиз иккинги (мз.) денгизчиларсиз. 4. Биз иккимиз (мз.) талабалармиз. 5. Тошкент ва Наманган шаҳарлардир. 6. Ўзбекистон ва Тожикистон республикалардир. 7. Шаҳанд ва Ахси қишлоқлардир. 8. Ўша икки (нарса) касалхоналардир. 9. Ҳасан ва Ҳусан ака-укалардир. 10. Самира ва Феруз санъаткорлардир. 11. Улар иккиси эр-хотинлардир. 12. Сиз иккинги (мн.) чеварларсиз. 13. Ўша икковлари (мз.) дурадгорлардир. 14. У иккиси ўқувчи болалардир. 15. Сиз иккинги талаба қизларсиз. 16. Ўша икки (нарса) кутубхонадир. 17. Бу икки (нарса) мактабдир. 18. Бу икки (нарса) қаламдир. 19. Биз иккимиз (мн.) тарихчилармиз. 20. Бу иккиси журналдир.

47-ماشқ. Қуйидаги гапларни иккилик сонга айлантинг ва ўзбекчага оғзаки ўғиринг:

1) هو طالب. 2) هي معلمة. 3) هذه مدرسة. 4) هذا قلم. 5) هذه طالبة. 6) هذا رجل. 7) أنت مهندسة. 8) هذه مجلة. 9) ذلك كتاب. 10) تلك مكتبة. 11) هي عمه. 12) هو خال. 13) ذاك جد. 14) تارك جدة. 15) هو خليفة. 16) أنا مدرس. 17) هي خالة. 18) أنت صديق. 19) أنت صديقة. 20) تلك جامعة. 21) هذه كلية. 22) هذه مدينة.

48-машқ. Қуйидаги гапларда эга ўрнига кўрсатиши олмошларининг мос вариантыни қўйинг:

- 1) ... أستاذان. (2) ... أخوان. (3) ... أذنان. (4) ... سؤالان.
- 5) ... إبرتان. (6) ... رئيسان. (7) ... يومان. (8) ... خيران. (9) ... طائران.
- 10) ... لقاءان. (11) ... مائدتان. (12) ... مسآن. (13) ... ضوآن.
- 14) ... ظلان. (15) ... مظلتان. (16) ... مصنعان. (17) ... صورتان.
- 18) ... محفظتان. (19) ... صوتان. (20) ... صبيان. (21) ... صحفیان.
- 22) ... ظيان. (23) ... صفحاتان. (24) ... قصتان. (25) ... صاروخان.

49-машқ. Қуйидаги гапларда эга ўрнига кишилик олмошларининг мос вариантыни қўйинг:

- 1) ... طالبان. (2) ... مصورتان. (3) ... خياطان. (4) ... ممثلتان.
- 5) ... فلاحان. (6) ... عاملتان. (7) ... نجاران. (8) ... خياطتان.
- 9) ... معلمتان. (10) ... فنانون. (11) ... متعلمتان. (12) ... جدتان.
- 13) ... خالان. (14) ... جدان. (15) ... أبوان. (16) ... طفلان.
- 17) ... صبيتان. (18) ... شبان. (19) ... امرأتان. (20) ... رجلاان.

## § 23. ОТЛАРДА КЎПЛИК СОН

Араб тилида кўплик сон гап иккидан ортиқ предмет ёки воқеа-ҳодиса тўғрисида кетганида ишлатилади. Кўплик сон ўзининг морфологик хусусиятига кўра икки хил бўлади:

1. Тўғри кўплик (جَمْعٌ سَالِمٌ – жам‘ун салимун).
2. Синиқ кўплик (جَمْعٌ مَكْسُورٌ – жам‘ун мукассарун).

## § 24. ТЎҒРИ КЎПЛИК

Сўзнинг охирига маълум қўшимчаларни қўшиш билан ҳосил бўладиган кўплик тўғри кўплик дейилади. Тўғри кўплик қуйидагича ҳосил бўлади:

1. Касб-ҳунар, мансаб, қариндош-уруғчилик муносабатларини билдирувчи музаккар сўзлардан охиридаги танвинни олиб ташлаб, **وَنَ** — ўна қўшимчасини қўшиш билан. Масалан:

مُهَنْدِسٌ → مُهَنْدِسُونَ — эркак инженерлар,

فَلَّاحٌ → فَلَاحُونَ — эркак деҳқонлар.

ال артикли билан келган сўзлардан ҳам юқоридаги қўшимча ёрдамида шаклланади. Масалан:

المُهَنْدِسُ → المُهَنْدِسُونَ , الفَلَّاحُ → الفَلَاحُونَ

2. Бу қўшимча ёрдамида баъзан эркак кишини билдирмайдиган сўзлардан ҳам кўплик ҳосил бўлади.

Масалан: سَنَةٌ → سِنُونَ — йиллар.

3. Касб-ҳунар, мансаб, қариндош-уруғчилик муносабатини билдирувчи муаннас сўзлардан -атун қўшимчасини олиб ташлаб, **— āтун** қўшимчасини қўйиш билан.

Масалан:

طَالِبَةٌ → طَالِبَاتٌ — студент қизлар,

تَلْمِيذَةٌ → تَلْمِيذَاتٌ — ўқувчи қизлар.

4. Бундай кўпликдаги сўзлар аниқ ҳолатда бўлса, танвин қўшимчасисиз ёзилади. Масалан:

التَّلْمِيذَاتُ → التَّلْمِيذَاتُ , الطَّالِبَاتُ → طَالِبَاتٌ

5. Айрим жонсиз предмет ёки абстракт тушунчани ифодаловчи сўзлардан ҳам шу йўсинда кўплик ҳосил бўлади. Масалан:

انْتَفَاضَاتٌ → انْتَفَاضَةٌ - кўзғолонлар,

مُظَاهِرَاتٌ → مُظَاهِرَةٌ - намоёишлар.

6. Одамни билдирмайдиган айрим музаккар сўзлардан ҳам шу йўсинда кўплик ҳосил қилинади. Масалан:

إِعْلَانَاتٌ → إِعْلَانٌ - эълонлар,

أَمْتِحَانَاتٌ → أَمْتِحَانٌ - имтиҳонлар.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

50-машқ. Қуйидаги сўзлардан ноаниқ ва аниқ ҳолатларда кўплик ҳосил қилинг:

مُدْرَسٌ، مُتَرْجِمٌ، مُهَنْدِسٌ، فَلَاحٌ، نَجَّارٌ، مُمَثِّلٌ، مُصَوِّرٌ، مُؤَرِّخٌ، مُتَعَلِّمٌ،  
مُوظَّفٌ، مَلَّاحٌ، فَنَّانٌ، مُطْرَبٌ، ابْنٌ.  
طَالِبَةٌ، خَالَةٌ، عَمَّةٌ، جَدَّةٌ، مُرَبِّيَّةٌ، مُعَلِّمَةٌ، طِفْلَةٌ، مُتَعَلِّمَةٌ، عَالِمَةٌ، سَيِّدَةٌ،  
بِطَاقَةٌ، اِنْتِخَابٌ، اِرْشَادٌ، اِنْتِزَامٌ، تَعْلِيمٌ، اِتِّجَاعٌ، كَلِيَّةٌ، شَيْخَةٌ.

51-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Биз (мз.) дурадгорлармиз. 2. Улар (мн.) чеварлардир. 3. Сизлар (мз.) ўқувчисизлар. 4. Улар (мз.) тикувчидирлар. 5. Бувилар хонимлардир. 6. Қизлар студентлардир. 7. Мен, Исмоил ва Маҳмуд таржимонлармиз. 8. Булар холалардир. 9. Ўшалар аммалардир. 10. Аммалар ва холалар кексалардир. 11. Улар актрисалардир. 12. Актрисалар ёшлардир. 13. Сизлар (мн.) муҳандис-

ларсиз. 14. Биз (мн.) тарихшунослармиз. 15. Биз (мз.) муҳандислармиз.

## § 25. СИНИҚ КЎПЛИК

Сўзнинг ўзагини ташкил этувчи ундошлар орасидаги унлиларнинг ўзгариши, ноўзак ундошларнинг кириши, умуман, сўз ички таркибининг ўзгариши, бошқача айтганда сўз вазнининг ўзгариши натижасида ҳосил бўлувчи кўплик синиқ кўплик дейилади. Масалан:

كُتُبٌ → كِتَابٌ - китоблар, إِنْسَانٌ → أَنْاسٌ - одамлар.

Синиқ кўплик ҳар бир сўздан ўзига хос вазнда ҳосил бўлади. Бу вазнлар анчагина бўлиб, уларни маълум қоида асосида тартибга солиб бўлмайди. Бирлик сонда бир хил вазнда бўлган сўзнинг кўплиги ҳар хил вазнда бўлиши ёки бирликда ҳар хил вазнда бўлган сўзларнинг кўплиги бир хил вазнда бўлиши мумкин. Араб тилида синиқ кўпликнинг энг кўп учрайдиган вазнлари қуйидагилардир:

- |              |           |             |             |
|--------------|-----------|-------------|-------------|
| 1. أَفْعَالٌ | - قَلَمٌ  | → أَقْلَامٌ | - қаламлар, |
|              | نَهْرٌ    | → أَنْهَارٌ | - дарёлар.  |
| 2. فُعُولٌ   | - طَيْرٌ  | → طُيُورٌ   | - қушлар,   |
|              | قَلْبٌ    | → قُلُوبٌ   | - юраклар.  |
| 3. فِعَالٌ   | - رَجُلٌ  | → رِجَالٌ   | - одамлар,  |
|              | جَمَلٌ    | → جِمَالٌ   | - туялар.   |
| 4. فُعَلٌ    | - رَسُولٌ | → رُسُلٌ    | - элчилар,  |
|              | مَدِينَةٌ | → مُدُنٌ    | - шаҳарлар. |

5. فُعَالٌ - طَالِبٌ → طُلَّابٌ - талабалар,  
 كَاتِبٌ → كُتَّابٌ - ёзувчилар.
6. أَفْعَلَةٌ - مَتَاعٌ → أَمْتَعَةٌ - матоҳлар,  
 رَغِيفٌ → أَرْغِفَةٌ - обинонлар.
7. فُعَلٌ - غَرْفَةٌ → غُرَفٌ - хоналар,  
 خُلْسَةٌ → خُلْسٌ - ғанимат пайтлар.
8. فَعَالِلٌ - جَرِيدَةٌ → جَرَانِدٌ - газеталар,  
 رِسَالَةٌ → رَسَائِلٌ - мактублар.
9. فَوَاعِلٌ - قَاعِدَةٌ → قَوَاعِدٌ - қоидалар,  
 عَامِلَةٌ → عَوَامِلٌ - омиллар.
10. أَفْعَلٌ - لِسَانٌ → أَلْسُنٌ - тиллар,  
 بَحْرٌ → أَبْحُرٌ - денгизлар.
11. فُعَلَاءٌ - خَلِيفَةٌ → خُلَفَاءٌ - халифалар,  
 - أَمِيرٌ → أَمْرَاءٌ - амирлар.
12. أَفْعَلَاءٌ - قَرِيبٌ → أَقْرِبَاءٌ - қариндошлар,  
 - وَليٌّ → أَوْلِيَاءٌ - авлиёлар.
13. فُعَلَانٌ - بَلَدٌ → بُلْدَانٌ - ўлкалар,  
 قَضِيبٌ → قُضَبَانٌ - таёқлар.
14. فَعَالِلٌ - تَرْجَمَةٌ → تَرَاجِمٌ - таржималар,  
 دَسَكْرَةٌ → دَسَاكِرٌ - қишлоқлар.
15. مَفَاعِلٌ - مَنَظَرٌ → مَنَاطِرٌ - манзаралар,  
 مَجْلِسٌ → مَجَالِسٌ - йиғинлар.
16. فَعَالِلٌ - سُلْطَانٌ → سُلَاطِينٌ - султонлар,

	عَصْفُورٌ	→	عَصَافِيرُ	- чумчуқлар.
17.	مَفَاعِيلُ	-	مَفَاتِيحُ	- калитлар,
			مَسَاكِينُ	- бечоралар.
18.	فَعْلَى	-	مَرَضَى	- беморлар,
			مَوْتَى	- ўликлар.
19.	فَعَالَى	-	مَزَايَا	- хусусиятлар,
			هَدَايَا	- совғалар.

Араб тилида камроқ учрайдиган бошқа вазндаги кўплик ҳам учраб туради.

Бу кўпликларни охиридаги кўшимчасига қараб, уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Танвин кўшимчаси билан тугайдиган кўплик вазнлари:

... فَعَالٌ، أَفْعَلَةٌ، فَعْلٌ، فُعْلٌ، فُعُولٌ، أَفْعُلٌ

2. Танвин кўшимчаси билан тугамайдиган кўплик вазнлари:

مَفَاعِيلُ، فَعَالِيلُ، مَفَاعِلُ، فَعَالِلُ، أَفْعِلَاءُ، فَوَاعِلُ، فَعَائِلُ

3. Алиф ёки алиф мақсура билан тугайдиган кўплик вазнлари: فَعَالَى، فَعَالِي، فَعْلَى

Булар келишикларда турланганида ҳар хил кўшимчалар қабул қилади. Шунинг учун буларга кўпроқ эътибор бериш керак.

Юқорида айтганимиздек, синиқ кўпликнинг шаклланишида маълум қонуният йўқ. Шу сабабли ҳар бир сўз ўзининг кўплик вазни билан бирга ўрганилгани мақсадга мувофиқдир.

## Амалий машғулот учун топшириқлар

52-машқ. Қуйидагиларни янги сўзлар ичидан топинг, уларнинг кўплигини ёдда сақлаб қолинг ва вазини аниқланг:

Ҳарбий кема,	бахтсиз,	ўткир,	бахт,
тўлин ой,	ибодатхона,	ҳовуз,	оғиз,
кўриш,	хачир,	бўталок,	масхарабоз,
музей,	совға,	тепалик,	гуруҳ,
нарх,	тоғ,	арик,	журъатли,
қўнғирок,	жосус,	қўнғиз,	туя,
ён, биқин,	жиҳоз,	сиёҳдон,	олим.
қирғоқ,	девор,	мактаб,	

## ИККИНЧИ МАТН

هم معلمون. هن مریات. انتم ملاحون و أنتن صبایا. زینب و فاطمة و هند طالبات. نحن أجریاء. هم جواسیس. هؤلاء صبایا. البنات تلميذات. أحمد و مالك و فؤاد نجارون. الجمال هنا. أما البغال فهي هناك. انتم أحبار. أنتن مؤرخات. هذه بكار و تلك جمال. الجبال هناك و التلال هناك أيضاً. هؤلاء مهندسات و أولئك مترجمات. البنون موظفون و البنات موظفات. الإرشادات و التوجيهات هناك. الخالات سيدات و الجدات شيخات. هن بیسات و هم بؤساء. البرك هناك و الجداول هناك أيضاً. نحن بهالیل. هذه محابر. انتم ممثلون و هم ملاحون. تلك جعلان.

53-машқ. Иккинчи матнни кўчириб ёзинг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг.

*54-машқ. Қуйидагиларни янги сўзлар ичидан топинг, кўплигини аниқланг, улардан танвин билан, танвинсиз ва чўзиқ унли билан тугайдиган сўзларни алоҳида гуруҳларга ажратинг ва ёд олинг:*

Илгак,  
зехн,  
нақлиёт,  
катта  
пичок,  
мих,  
мўйлов,  
узук,  
тугун,

мижоз,  
бўталок,  
осколка,  
ҳалокат,  
кирим,  
метеор,  
тарнов,  
занжир,  
халқ,

лифт,  
подвал,  
босқич,  
жойнамоз,  
ип, сим,  
томон,  
ўлдирилган,  
қаттиқ  
совук,

ноғора,  
қир,  
туяқуш,  
совға,  
дангаса,  
характер.

## УЧИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

أَبْجَرُ қорни катта  
أَبْيَضُ оқ  
أَجْعَدُ сочи жингалак  
أَحْدَبُ букри  
أَحْمَرُ қизил  
أَحْوَلُ ғилай  
أَخْضَرُ заңгор, яшил  
أَخِيْرُ сўнгги  
أَذْرَدُ тиши йўк  
أَزْرَقُ кўк  
أَسْمَرُ бугдойранг  
أَسْوَدُ қора  
أَشْقَرُ малла  
أَشْمَطُ соч-соқоли оқ  
أَشْهَلُ кўккўз  
أَصْعَلُ калласи кичик  
أَصْفَرُ сариқ  
أَصْلَعُ тепакал  
أَغْسَرُ чапақай  
أَعْنَشُ олти панжали  
أَمْرٌ кўп. أُمُورٌ иш

بَارِدٌ совук (*сифат*)  
بَحْثٌ кўп. بُحُوثٌ изланиш  
بَعِيدٌ кўп. بُعْدَاءٌ узок  
بَلَحٌ хурмо  
تَعَاوُنٌ ҳамкорлик  
تَعَايُشٌ биргаликда яшаш  
تُفَاحَةٌ бир дона олма  
تَلْمِيذٌ кўп. تَلَامِيذٌ ўқувчи  
бола  
ثِقَالٌ кўп. ثِقَالٌ оғир  
جَادٌ жиддий  
جَوَامِدٌ кўп. جَوَامِدٌ қаттик  
جُبْرَانُ خَلِيلٌ جُبْرَانٌ *ат.от*  
Жуброн Халил Жуброн  
جَدٌّ кўп. أَجْدَادٌ бобо  
جَدِيْدٌ кўп. جُدُدٌ янги  
جَرِيْدَةٌ кўп. جَرَائِدٌ газета  
جَسُورٌ кўп. جُسُورٌ жасур  
جَمِيْلٌ чиройли  
جَوٌّ ҳаво  
جَيِّدٌ кўп. جَيَادٌ яхши  
حَوَامِضٌ кўп. حَوَامِضٌ нордон

حَجْرٌ кўп. أَحْجَارٌ тош  
 حَرَانٌ кўп. حَرَارَى иссиқлаган  
 حَرْبِيٌّ урушга доир,  
 ҳарбий  
 حَسَنٌ кўп. حَسَانٌ яхши  
 خِدْمَةٌ кўп. خِدْمَاتٌ хизмат  
 خَفِيفٌ кўп. أَخْفَاءُ енгил  
 دَفْتَرٌ кўп. دَفَاتِرٌ дафтар  
 رَطْبٌ кўп. رُطْبٌ хўл, нам  
 سَابِقٌ собиқ  
 سَاخِنٌ илиқ  
 سَائِلٌ кўп. سَوَائِلٌ суюқ  
 سَعِيدٌ кўп. سَعْدَاءٌ бахтли  
 سَفْرَجَلٌ беҳи  
 سِلَاحٌ кўп. أَسْلِحَةٌ қурол  
 سَلْمِيٌّ тинчликка оид  
 سَمِيكٌ йўғон  
 سَمِيْنٌ кўп. سِمَانٌ семиз  
 سَهْلٌ осон  
 سِيَاسِيٌّ сиёсий  
 سَيِّدٌ кўп. سَادَةٌ жаноб  
 شَارِعٌ кўп. شَوَارِعٌ кўча  
 شَنِيعٌ хунук  
 شَيْخٌ кўп. شَيْوخٌ кекса

صَعْبٌ кўп. صَعَابٌ қийин  
 صَغِيرٌ кўп. صَغَارٌ кичик  
 ضَرُورِيٌّ зарур  
 ضَيْفٌ кўп. ضِيُوفٌ меҳмон  
 ضَيْقٌ тор (сифат)  
 طَبَاشِيرٌ бўр  
 طَبِيٌّ тиббий  
 طَبِيْبٌ кўп. أَطْبَاءٌ врач  
 طَوِيلٌ кўп. طَوَالٌ узун  
 طَيِّبٌ яхши *тн* ظَمِيٌّ  
 ظَمَانٌ кўп. ظَمَاءٌ чанқоқ  
 عَاصِمَةٌ кўп. عَوَاصِمٌ пойтахт  
 عَاقِلٌ кўп. عَقْلَاءٌ ақлли  
 عَامٌ кўп. أَعْوَامٌ йил; *دِرَاسِيٌّ* ~  
 ўқув йили  
 عَامِلٌ кўп. عَمَالٌ ишчи  
 عَجُوزٌ кўп. عَجَائِرٌ кекса  
 عَرَبِيٌّ араб, арабча  
 عَرِيْقٌ қадимий  
 عَطْشَانٌ кўп. عَطَاشٌ ташна  
 عِلْمٌ кўп. أَغْلَامٌ байроқ  
 عِلْمِيٌّ илмий  
 عَمِيْقٌ чуқур  
 غَيْبِيٌّ кўп. أَغْبِيَاءٌ тентак

غَنِيٌّ бой  
قَاعَةٌ зал  
القَاهِرَةُ Қоҳира  
كُؤن. قَدِيمٌ эски  
كُؤн. أَقْرَبُ، أَقْرَبَاءُ яқин,  
қариндош  
كُؤн. قَصِيرٌ қисқа  
كُؤн. قَلِيلٌ оз  
كُؤн. قَوِيٌّ кучли  
كُؤн. كَبِيرٌ катта  
كُؤн. كَثِيرُونَ кўп  
كُؤн. كَثِيفٌ куюқ  
كُؤн. كَهْرَبَانِيٌّ электрга оид  
كُؤн. لُبْنَانِيٌّ ливанлик киши  
كُؤн. لَدَائِدٌ мазали  
كُؤн. أَلْوَاخٌ доска  
كُؤн. لَيِّنٌ юмшоқ  
كُؤн. مَاءٌ сув  
كُؤн. مَوَادُّ модда  
كُؤн. مَالِحٌ шўр  
كُؤн. مَاهِرٌ моҳир  
كُؤн. مُتَأَخَّرٌ охирги, кечиккан  
كُؤн. مُجْتَهِدٌ тиришқоқ

مُحْتَرَمٌ ҳурматли  
مُخْتَلِفٌ турли хил  
مُرٌّ аччик  
كُؤн. مَصَابِيحٌ лампа  
مُضِرٌّ зарарли  
مُعَاصِرٌ замонавий  
مُفِيدٌ фойдали  
مُقَدَّسٌ муқаддас,  
табаррук  
مُكْرَمٌ ҳурматга лойиқ  
مُمْتَعٌ мароқли, қизиқарли  
مُنِيرٌ ёруғ  
مُهْمٌ муҳим  
مُشَفٌّ курук  
كُؤн. نَحَافٌ ориқ  
كُؤн. نِسْوَانٌ, نِسْوَةٌ, نِسَاءٌ аёллар  
كُؤн. نَشِيطٌ фаол  
كُؤн. نَظْفَاءٌ озода  
كُؤн. نَهْرٌ дарё  
وَاسِعٌ кенг  
وَسِخٌ ифлос  
يَدَوِيٌّ кўлга тегишли

## § 26. СИФАТ

Предметнинг белгисини билдирувчи бу сўз туркуми араб тилида асосан уч ундош ўзакли сўзлардан иборатдир. Сифатлар ҳам отлар каби музаккар ва муаннас жинсларга, бирлик, иккилик, кўплик сонларга эга. Сифатдаги бирлик, иккилик сонларнинг ҳосил бўлиш усули отлардан фарқ қилмайди. Сифатнинг кўплик шакли одатда у одамларнинг белгисини билдириб келганида ишлатилади.

Араб тилида сифатларнинг 20 дан ортиқ вазни мавжуд. Шулардан қуйидаги ўнтаси энг кўп учрайдиган вазнлардир:

№	Вазнлар		Мисоллар		
	МЗ	МН			
1	فَاعِلٌ	فَاعِلَةٌ	بَارِدٌ	بَارِدَةٌ	совук
			حَامِضٌ	حَامِضَةٌ	нордон
2	فَعِيلٌ	فَعِيلَةٌ	كَبِيرٌ	كَبِيرَةٌ	катта
			طَوِيلٌ	طَوِيلَةٌ	узун
3	فُعْلٌ	فُعْلَةٌ	صَلْبٌ	صَلْبَةٌ	каттик
			مُرٌّ	مُرَّةٌ	аччик
4	فَعِلٌ	فَعِلَةٌ	تَعِبٌ	تَعِبَةٌ	чарчок
			خَشِنٌ	خَشِنَةٌ	дағал
5	فَعْلٌ	فَعْلَةٌ	صَعْبٌ	صَعْبَةٌ	қийин
			بَخْسٌ	بَخْسَةٌ	арзон
6	فَعَلٌ	فَعَلَةٌ	حَسَنٌ	حَسَنَةٌ	яхши
7	فَعِيلٌ	فَعِيلَةٌ	جَيِّدٌ	جَيِّدَةٌ	яхши

			لَيْنٌ	لَيْنَةٌ	юмшок
8	فَعُولٌ	فَعُولٌ	جَسُورٌ	جَسُورٌ	жасур
			رَؤُوفٌ	رَؤُوفٌ	рахмдил
9	أَفْعَلٌ	فَعْلَاءٌ	أَبْيَضٌ	بَيْضَاءٌ	ок
			أَعْرَجٌ	عَرَجَاءٌ	чўлок
10	فَعْلَانٌ	فَعْلِي	ظَمَانٌ	ظَمْنِي	чанқоқ
			عَطْشَانٌ	عَطْشِي	ташна

Жадвалдан кўришиб турибдики, **فَعُولٌ** вазнидаги сифат музаккар ва муаннас жинсда ўзгармайди.

Бу вазнлар ичида энг кўп учрайдигани **فَعِيلٌ** ва **فَعْلٌ** вазнларидир. Қолганлари нисбатан камроқ учрайди.

Буларнинг ичида **أَفْعَلٌ** (мн. **فَعْلَاءٌ**) вазни танвин кўшимчасини қабул қилмайди. Бу вазндаги сифатлар асосан рангни ва жисмоний хусусиятни ифодаловчи сифатлардир. Масалан:

**أَخْضَرٌ** - **خَضْرَاءٌ** - зангор, **أَحْمَرٌ** - **حَمْرَاءٌ** - қизил,

**أَهْدَبٌ** - **هَدَبَاءٌ** - узун киприкли, **أَشْهَلٌ** - **شَهْلَاءٌ** - кўккўз.

Бу сифатларнинг кўплиги музаккар ва муаннас жинслар учун **فَعْلٌ** вазнида ҳосил бўлади.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

55-машқ. Қуйидаги сифатларни янги сўзлар ичидан топинг, уларни ёдланг, вазнини аниқланг ва муаннас шаклини топинг:

Чиройли,  
хунук,

мазали,  
аччик,

нордон,  
юмшок,

қаттиқ,  
чуқур,

илиқ,	узоқ,	қизил,	кўккўз,
сўнгни,	яқин,	сарик,	малла,
озода,	куюқ,	кўк,	каллеси
ифлос,	суюқ,	зангор,	кичик,
узун,	семиз,	соч-соқоли оқ,	тентак,
қиска,	йўғон,	тепакал,	тиришқоқ,
катта,	орик,	чапақай,	фаол,
кичик,	хўл,	олти панжали,	дангаса,
осон,	муҳим,	ғилай,	чанқоқ,
қийин,	куруқ,	буғдойранг,	иссиқлаган,
оғир,	шўр,	охирги,	тор,
енгил,	қари,	тиши йўқ,	кенг,
замонавий,	яхши,	қорни катта,	кўп,
янги,	оқ,	сочи	оз,
эски,	кора,	кўнғироқ,	бахтли.

*56-машқ. Қуйидаги сифатларни янги сўзлар ичидан топинг, уларнинг кўплигини ёдда сақланг ва бу кўпликларнинг вазини аниқланг:*

Бахтли,	букри,	узоқ,	чанқоқ,
оз,	кекса,	эски,	жасур,
кўп,	хўл,	янги,	яхши,
иссиқлаган,	орик,	енгил,	қиска,
фаол,	семиз,	оғир,	озода,
тиришқоқ,	суюқ,	кичик,	қаттиқ,
тентак,	яқин,	ташна,	мазали.

57-ماشق. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الكلية صغيرة. 2) النهر عميق. 3) الجوبارد. 4) العجوز أدرد. 5) الماء ساخن. 6) الطالبان نشيطان. 7) الطالبة شهلاء. 8) اللوح أسود. 9) أنا عطشان. 10) الطباشير أبيض. 11) هما نشيطان. 12) الدرس سهل. 13) الشارع ضيق. 14) الشيوخ درد. 15) الكتاب ثقيل. 16) الدفتر خفيف. 17) مصر عريقة. 18) المدينة قرية. 19) القرية بعيدة. 20) المدرسون نشطاء. 21) التلاميذ كسالى.

58-ماشق. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Сув суюқдир. 2. Сут илиқдир. 3. Уй оқдир. 4. Кўча тордир. 5. Студент (мз.) фаолдир. 6. Йўл ҳўлдир. 7. Дарс қийиндир. 8. Эшик тозадир. 9. Дераза ифлосдир. 10. Тош қаттиқдир. 11. Ўқувчи (мз.) кичикдир. 12. Иккита қиз бола сочи кўнғирокдир. 13. Биз (мз.) соч-соқоли оқмиз. 14. Сизлар (мн.) фаолсизлар. 15. У иккиси (мз.) ориқдир. 16. У (мн.) чапақайдир. 17. Мен (мн.) малламан. 18. Улар (мн.) дангасалардир. 19. Кутубхона яқиндир. 20. Университет узокдир. 21. Ўриндиқ юмшоқдир. 22. Дурадгорлар узун бўйлидирлар. 23. Тарихшунослар (мн.) фаолдирлар. 24. Иккита олма нордондир. 25. Чой илиқдир. 26. Мен (мз.) иссиқлаганман. 27. У (мн.) чанқоқдир. 28. Уй кенгдир. 29. Дарахт яшилдир. 30. Иккита атиргул қизилдир. 31. Домла каридир. 32. Тупроқ қуруқдир. 33. Овқат ёғлидир. 34. Сиз иккинги (мн.) дангасасиз.

## § 27. АНИҚЛОВЧИ

Араб тилида аниқловчилар ўзининг морфологик хусусиятларига кўра икки турга бўлинади:

1. Мослашган аниқловчи.
2. Мослашмаган аниқловчи.

Аниқловчилар аниқлаб келаётган от аниқланмиш дейилади.

## § 28. МОСЛАШГАН АНИҚЛОВЧИ

Мослашган аниқловчи одатда предметнинг белгисини билдирувчи сифатловчи аниқловчидир. Мослашган аниқловчи кўпишча аслий ёки нисбий сифатлардан, тартиб сонлардан, аниқ ва мажхул нисбат сифатдошларидан, кўрсатиш олмошларидан ва бошқалардан ифодаланади.

Агар мослашган аниқловчи сифат, тартиб сон, сифатдош билан ифодаланган бўлса, аниқланмишдан кейин келади ва у билан тўрт жиҳатда мослашади:

1. Жинсда, яъни аниқланмиш қайси жинсда бўлса, аниқловчи ҳам ўша жинсда бўлади. Масалан:

بَيْتٌ جَدِيدٌ – янги уй,                      بَابٌ قَدِيمٌ – эски эшик,

مَدِينَةٌ جَمِيلَةٌ – чиройли шаҳар,      يَدٌ طَوِيلَةٌ – узун қўл.

2. Сонда, яъни аниқланмиш қайси сонда бўлса, аниқловчи ҳам ўша сонда бўлади. Масалан:

بَيْتَانِ جَدِيدَانِ – иккита янги уй,

بَابَانِ قَدِيمَانِ – иккита эски эшик,

الطُّلَابُ الْمَجْتَهِدُونَ – тиришқоқ талабалар.

3. Келишиқда, яъни аниқланмиш қайси келишиқда бўлса, аниқловчи ҳам ўша келишиқда бўлади. Масалан:  
دَرْسٌ سَهْلٌ – осон дарс, مَدِينَةٌ كَبِيرَةٌ – катта шаҳар.

Эслатма. Араб тилидаги келишиқлар масаласига кейинроқ муфассал тўхталинади. Ҳозиргача учраган мисолларнинг барчаси бош келишиқдадир.

4. Ҳолатда, яъни аниқланмиш аниқ ҳолатда бўлса, аниқловчи ҳам аниқ ҳолатда бўлади ёки аксинча. Масалан:

تَلْمِيذٌ عَاقِلٌ – (номаълум) ақлли ўқувчи,

طِفْلَةٌ صَغِيرَةٌ – (номаълум) кичкина қиз,

التَّلْمِيذُ الْعَاقِلُ – (маълум) ақлли ўқувчи,

الطِّفْلَةُ الصَّغِيرَةُ – (маълум) кичкина қиз.

Табиатан ل артиклини қабул қилмаса ҳам аниқ ҳисобланадиган сўзлар аниқланмиш бўлиб келганида, аниқловчи албатта ل артикли ёрдамида аниқ ҳолатда туриши шарт. Масалан:

مِصْرُ الْقَدِيمَةِ – Қадимий Миср,

مَكَّةُ الْمُكْرَمَةِ – табаррук Макка,

سَمَرْقَنْدُ الْجَمِيلَةِ – гўзал Самарқанд.

Кўрсатиш олмошларидан ифодаланган аниқловчилар аниқлан-мишдан олдин туради ва у ҳам тўрт жиҳатдан аниқланмиш билан мослашади. Бундай аниқланмиш ҳар доим аниқ ҳолатда келади, чунки кўрсатиш олмошлари табиатан аниқ ҳолатдадир. Масалан:

هَذَا الْكِتَابَانِ – бу икки китоб...,

هَذَا الشَّارِعُ – бу кўча...,

تلك السيارة – ўша машина....,

أولئك المعلمون – ўша ўқитувчилар... .

Аниқланмиш билан аниқловчининг ҳолатда мослашишига алоҳида эътибор бериш керак. Агар аниқланмиш аниқ ҳолатда бўлиб, аниқловчи ноаниқ ҳолатда бўлса, булар аниқловчи-аниқланмиш муносабатидан чиқиб, от кесимли гапга айланиб қолади.

Масалан:

الوردة الحمراء – қизил атиргул,

الوردة حمراء – Атиргул қизилдир.

مصر الجديدة – янги Миср,

مصر جديدة – Миср янгидир.

Шунингдек, аниқловчи кўрсатиш олмошидан иборат бўлганида, аниқланмиш аниқ ҳолатда келиши шарт, акс ҳолда кўрсатиш олмоши гапнинг эгаси, от гапнинг кесимига айланади. Масалан:

هذا التلميذ شيط – Бу ўқувчи бола ғайратлидир.

هذا تلميذ – Бу ўқувчидир.

أولئك الأطفال أذكيا – Ўша болалар зийракдирлар.

أولئك أطفال – Ўшалар болалардир.

أولئك أطفال أذكيا – Ўшалар зийрак болалардир.

Аниқловчи билан аниқланмиш ўртасидаги мослашувнинг яна бир хусусияти шуки, булар ўртасидаги сонда мослашув куйидаги омилларга боғлиқ:

1. Агар аниқланмиш от кўпликда бўлса ва у одамни (шахсни) билдирса, аниқловчи ҳам албатта кўпликда келади. Масалан:

فَلَاحٌ عَاقِلٌ – ақли дехқон → فَلَاحُونَ عَقْلَاءٌ – ақли дехқонлар,

مُدْرَسَاتٌ مُجْتَهِدَاتٌ – тиришқоқ муаллима → مَدْرَسَةٌ مُجْتَهِدَةٌ – тиришқоқ муаллималар.

2. Агар аниқланмиш от кўпликда келса ва у одамни (шахсни) билдирмайдиган сўз бўлса, аниқланмишнинг музаккар ёки муаннаслигидан қатъи назар аниқловчи бирлик сонда муаннасада келади. Масалан:

بَيْتٌ جَدِيدٌ – янги уй → بُيُوتٌ جَدِيدَةٌ – янги уйлар,

غُرْفَةٌ كَبِيرَةٌ – катта хона → غُرُفٌ كَبِيرَةٌ – катта хоналар.

3. Аниқловчи кўрсатиш олмоши билан ифодаланганида ҳам бу қоида ўз кучини сақлайди. Масалан:

هَذَا الْفَلَّاحُ – бу дехқон... → أَوْلَادُ الْفَلَاحُونَ – ўша дехқонлар,

هَذِهِ الطَّبِيبَةُ – бу врач аёл... → هَؤُلَاءِ الطَّبِيبَاتُ – бу врач аёллар.

هَذَا الْبَابُ – бу эшик... → هَذِهِ الْأَبْوَابُ – бу эшиклар,

هَذِهِ الْمَدِينَةُ – бу шаҳар... → هَذِهِ الْمُدُنُ – бу шаҳарлар.

4. Мазкур мослашув қоидаси от кесимли гапдаги эга билан кесим ўртасида бўладиган мослашувга ҳам тааллуқлидир. Масалан:

الْبَيْتُ كَبِيرٌ – Уй каттадир → الْبُيُوتُ كَبِيرَةٌ – Уйлар каттадир.

ذَلِكَ قَلَمٌ – У қаламдир → تِلْكَ أَقْلَامٌ – У қаламлардир.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

59-машқ. Қуйидаги бирикмаларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) حجر جامد. 2) الدرس الصعب. 3) التلميذ النحيف. 4) علم أحمر. 5) غرفتان نظيفتان. 6) التفاحتان الحامضتان. 7) قرية بعيدة. 8) البيوت الجديدة. 9) الماء المالح. 10) السماء الزرقاء. 11) الألواح السوداء. 12) الأشجار الخضراء. 13) السفرجل اللذيذ. 14) التلاميذ الكسالى. 15) قاعتان واسعتان. 16) التلميذات النشيطات. 17) الشيوخ الدرد. 18) الشوارع الوسخة. 19) الشبابات الجميلات. 20) المدارس الجديدة. 21) الحيطان البيضاء. 22) الطلاب الشهل. 23) معلمون صلح. 24) مصر القديمة. 25) طشقند المعاصرة.

60-ماشқ. Қуйидаги бирикмаларни арабчага ўғиринг:

1. Совуқ сув. 2. Иккита катта балик. 3. Иккита кўк дастурхон. 4. Фаол талабалар. (мз.). 5. Илиқ овқат. 6. Оғир китоблар. 7. Қисқа йўл. 8. Яқин келажак. 9. Осон дарслар. 10. Қийин маърузалар. 11. Чуқур дарёлар. 12. Чиройли ўқувчи қизлар. 13. Ақлли бувилар. 14. Иккита тор коридор. 15. Буғдойранг ёш йигитлар. 16. Сочсоқоли оқ бобо-лар. 17. Янги факультетлар. 18. Иккита ифлос майдон. 19. Иккита катта туя. 20. Иккита сарик ўрик. 21. Тиши йўқ аммалар. 22. Кичик хоналар. 23. Чуқур денгизлар. 24. Иккита юмшоқ стул. 25. Узун столлар.

61-ماشқ. Қуйидагиларнинг ҳаркатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) هذه الجامعة جديدة. 2) هذه جامعة جديدة. 3) ذاك القلمان أصفران. 4) ذاك قلمان أصفران. 5) هاتان المجلتان صغيرتان. 6) هي سيارة جديدة. 7) أولئك المهندسون جدد. 8) هذه القاعة واسعة. 9) هذا التلميذ النشيط جديد.

10) هذه المجلات القديمة جيدة. 11) هؤلاء الأجداد شيط. 12) أولئك الخالات  
جعد. 13) تلك الدبلة صفراء. 14) الشنب الأسود طويل. 15) تلك السجادة  
الحمراء قديمة. 16) أولئك النساء بئسات. 17) هؤلاء الكسالى بؤساء.

62-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Қизил дастурхон каттадир. 2. Бу кўча тордир. 3. Бу  
икки ўқувчи (мз.) фаолдир. 4. Бу толиба қизлар фаол-  
дирлар. 5. Булар фаол толиба қизлардир. 6. Ўша иккита  
катта ариқ узокдир. 7. Ўша инженер йигитлар буғдой-  
рангдирлар. 8. Бу икки одам тикувчидир. 9. Бу тарихшу-  
нослар (мз.) ақлидирлар. 10. Ўша икки аёл чевардир.  
11. Ўша ўқитувчилар (мз.) тиришқокдирлар. 12. Бу врач  
(мз.) моҳирдир. 13. Сиз иккинги оқида аёлларсиз.  
14. Мен бахтли инсонман. 15. У дангаса одам бахтсиз-  
дир. 16. Ўша иккита дангаса қиз ўқувчидир. 17. Бу икки  
шаҳар озодадир. 18. Ўша қишлоқ каттадир. 19. Бу дарё-  
лар чуқурдир. 20. Бу сув шўрдир. 21. Бу шўр сувдир.  
22. Ер қаттиқдир. 23. Бу юмшоқ нон мазалидир. 24. Ўша  
кичкина хона кутубхонадир. 25. Ўша сочи қўнғироқ қиз  
тиришқок ўқувчидир.

## § 29. НИСБИЙ СИФАТ

Нисбий сифат предметнинг белгисини бошқа пред-  
метга ёки тушунчага нисбатан билдиради. У кўпинча  
белгиси аниқланиб келаётган аниқланмишнинг ишлан-  
ган материални, келиб чиққан жойини, бирор предмет-  
га мансублигини ва шунга ўхшаш бошқа белгиларини  
билдиради.

Нисбий сифат ҳам аслий сифат каби музаккар ва муаннас шаклларга эга.

Нисбий сифатнинг музаккари асосан отдан охиридаги -ун қўшимчасини олиб ташлаб, ўрнига **ى** – -ийун қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Муаннас нисбий сифат эса, кўпчилик сифат қатори музаккар охирига -атун қўшимчасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан:

**خشب** – ёғоч → мз. **خَشَبِي** , мн. **خَشَبِيَّة** – ёғочдан ишланган, **الْبَيْتُ الخَشَبِي** – ёғочдан ишланган уй, **مِلْعَقَةٌ خَشَبِيَّة** – ёғоч қошиқ.

**ذهب** – олтин → мз. **ذَهَبِي** , мн. **ذَهَبِيَّة** – олтиндан ясалган, **إبريق ذهبي** – олтин кўза, **ساعة ذهبية** – олтин соат.

1 ёки **ى** ҳарфи билан тугаган отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида **ى** - қўшимчасидан олдинги 1 ёки **ى** ҳарфлари **و** га айланади. Масалан:

**دنيا** – дунё → **دُنْيَوِي** , **دُنْيَوِيَّة** – дунёвий,

**آسيا** – Осиё → **آسِيَوِي** , **آسِيَوِيَّة** – осиели, осиеча.

**فرنسا** - Франция – **فَرَنْسِي** , **فَرَنْسِيَّة** – француз, французча.

Бу сўзлардан баъзан нисбий сифат бошқачарок шаклда ҳам ҳосил бўлади :

**دنيا** → **دُنْيَاوِي** , **دُنْيَاوِيَّة** . **آسيا** → **آسِيَاوِي** , **آسِيَاوِيَّة** .

Айрим сўзлардан эса, олдинги 1 (алиф) тушиб қолиб, **ى** - қўшимчасини қўшиш билан ҳосил бўлади. Масалан:

**فرنسا** → **فَرَنْسِي** , **فَرَنْسِيَّة** . **أوروبا** – Европа → **أورُوبِي** , **أورُوبِيَّة** .

Та марбута билан тугаган сўзлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида, мазкур ҳарф тушиб қолади. Масалан:

خُرَافَةٌ – хурофот → خُرَافِيٌّ , خُرَافِيَّةٌ .

جُمْهُورِيَّةٌ – жумҳурият → جُمْهُورِيٌّ , جُمْهُورِيَّةٌ .

Айрим отлардан нисбий сифат ҳосил бўлганида, сўзнинг вазни ҳам бир оз ўзгаради. Масалан:

مَدِينَةٌ – шаҳар → مَدَنِيٌّ , مَدَنِيَّةٌ – шаҳарли, мадинали.

فَرِيضَةٌ – фарз → فَرَضِيٌّ , فَرَضِيَّةٌ – фарзга тегишли.

Икки ўзак ундошдан иборат айрим отлардан нисбий сифат ҳосил қилинганда, و ҳарфи орттирилади.

Масалан:

شَفَاةٌ → شَفَوِيٌّ , شَفَوِيَّةٌ – оғзаки,

سَنَةٌ → سَنَوِيٌّ , سَنَوِيَّةٌ – йиллик,

يَدٌ → يَدَوِيٌّ , يَدَوِيَّةٌ – қўлда ишланган.

Баъзи сўзлардан икки хил нисбий сифат ҳосил бўлади. Масалан:

رُوحٌ – рух → رُوحِيٌّ , رُوحِيَّةٌ – руҳий, спиртли,

رُوحٌ – рух → رُوحَانِيٌّ , رُوحَانِيَّةٌ – руҳоний.

Айрим синиқ кўпликдаги отлардан ҳам нисбий сифат ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:

دَوْلَةٌ – кўпл. دَوْلٌ → دَوْلِيٌّ , دَوْلِيَّةٌ – давлатлараро,

صَحِيفَةٌ – кўпл. صُحُفٌ → صُحُفِيٌّ , صُحُفِيَّةٌ – журналист.

Нисбий сифатлар гапда кўпинча мослашган аниқловчи бўлиб келади. Масалан:

لُغَةٌ عَرَبِيَّةٌ – араб тили, بَلَدٌ إِسْلَامِيٌّ – мусулмон ўлка,

لِسَانٌ فَارِسِيٌّ – форс тили , أَمْرٌ دُنْيَاوِيٌّ – дунёвий иш.

Географик номлардан ҳосил бўлган нисбий сифат ўша ерли ёки ўша ерда туғилган, яшаган кишини ифодалайдиган от вазифасида келиши мумкин. Масалан:

مِصْرِيّ – мисрлик киши, مِصْرِيَّة – мисрлик аёл,  
 اَفْرِيْقِيّ – африкалик, اَفْرِيْقِيَّة – африкалик аёл.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

63-машқ. Қуйидаги нисбий сифатларнинг шаклига эътибор беринг ва ёдланг:

بَادِيَّة	сахро	→	بَادِيّ	бадавий, сахровий
الْبَحْرَيْنِ	Баҳрайн	→	بَحْرَانِيّ	баҳрайнлик киши
حَضْرَمَوْت	Ҳадрамавт	→	حَضْرَمِيّ	ҳадрамавтлик киши
رَبّ	илоҳ, раб	→	رَبّانِيّ	раббоний, илоҳий
رَقَبَةٌ عَظِيمَةٌ	йўғон бўйин	→	رَقَبَانِيّ	бўйни йўғон киши
الرَّيّ	Рай	→	رَايِيّ	Рай шаҳрилик киши
شَعْرٌ كَثِيرٌ	кўп соч	→	شَعْرَانِيّ	серсоч
شُوْرَةٌ	нафрат	→	شَنْيِيّ	манфур
صَدْرٌ كَبِيرٌ	катта кўкрак	→	صَدْرَانِيّ	кўкраги катта
بَنُو عَيْبَةَ	Бану Убайда	→	عَبْدِيّ	Бану Убайдага тегишли
عَبْدُ قَيْسِ	Абдуқайс	→	عَبْسِيّ	Абдуқайсга тегишли
عَبْدُ شَمْسِ	Абдушамс	→	عَبْشَمِيّ	Абдушамсга тегишли
عَبْدُ اللَّهِ	Абдуллоҳ	→	عَبْدَلِيّ	Абдуллоҳга тегишли
الْفَرَاهِيْدُ	Алфароҳид	→	فَرَاهُوْدِيّ	Алфароҳидга қарашли
قُرَيْشٌ	Қурайш	→	قُرَيْشِيّ	қурайшлик
لَحْيَةٌ عَظِيمَةٌ	катта соқол	→	لَحْيَانِيّ	серсоқол одам,

صَنَعَاءُ سана → صَنَعَانِيَّ سانалик киши  
 امْرُؤُ الْقَيْسِ Имруулқайс → مُرْقِسِيَّ Имруулқайсга тегишли

64-машқ. Қуйидаги сўзлардан нисбий сифат ҳосил қилинг ва ўзбекчага ўғиринг:

ватан	وَطَنٌ	инглиз	إِنجِلِيزِيَّ	хўжалиги	زِرَاعَةٌ
тинчлик	سَلَامٌ	форс	فَارِسِيَّ	кутубхона	مَكْتَبَةٌ
Миср	مِصْرٌ	электр	كَهْرَبَاءٌ	мактаб	مَدْرَسَةٌ
шарк	شَرْقٌ	ой	شَهْرٌ	тил	لُغَةٌ
китоб	كِتَابٌ	кун	يَوْمٌ	кўл	يَدٌ
девор	حَائِطٌ	кооператив	تَعَاوُنٌ	ота	أَبٌ
қишлоқ	قَرْيَةٌ	Африка	إِفْرِيْقِيَا	ака	أَخٌ
араб	عَرَبٌ	тиббиёт	طَبٌّ	адабиёт	أَدَبٌ
ўзбек	أُوْرُبْكٌ	саноат	صِنَاعَةٌ		
Америка	أَمْرِيكَا	қишлоқ			

65-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қуйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الأسلحة الحربية كثيرة. 2) البلح العراقي لذيذ. 3) فيروز مطربة لبنانية.
- 4) العام الدراسي الجديد قريب. 5) هذا أمر سياسي. 6) الحرب العالمية الثانية كبيرة.
- 7) اللغة العربية ممتعة. 8) اللغة الفارسية سهلة. 9) اللغة الروسية صعبة.
- 10) هؤلاء عمال مصريون. 11) الطلاب العراقيون مجتهدون. 12) الأطباء المصريون ماهرون.
- 13) هذه جريدة إنجليزية. 14) تلك مجلة فرنساوية. 15)

ذاتك الكتابان الأوزبكيان جديدان. 16) مكة المكرمة مدينة سعودية. 17) الكتب المدرسية كثيرة. 18) العلماء الأمريكيون أقوياء.

*66-ماشқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Африкалик студент (мз.) тиришқокдир. 2. Бу китоблар арабчадир. 3. Ўша журналлар инглизчадир. 4. Арабча газета янгидир. 5. Мисрлик аёл дехқондир. 6. Мисрлик санъаткор (мн.) машҳурдир. 7. Умм Кулсум мисрлик хонандадир. 8. Инглиз ва форс тиллари осондир. 9. Қишлоқ хўжалиги ишлари кўпдир. 10. Қўл иши қийиндир. 11. Биродарларча дўстлик фойдалидир. 12. Шарқ тиллари кўпдир. 13. Музлатқич электрлидир. 14. Саҳролик аёл тиришқокдир. 15. Баҳ-райнлик ўқувчи қиз активдир. 16. Иккита ҳадрамавтлик тарихшунос (мн.) кексадир. 17. Студент қиз серсочдир. 18. Халқаро тайёрагоҳ кенгдир. 19. Бу толиба қизлар шаҳарликдилар. 20. Шаҳарлик толиба қизлар кўпдир. 21. Сиёсий партиялар оздир. 22. Илмий изланишлар қийиндир. 23. Ғарб адабиёти осондир. 24. Инглизча газеталар кунликдир.

## УЧИНЧИ МАТН

الجامعة كبيرة. هذا كتاب قديم. هذا الكتاب قديم. المصباح الكهربائي متير. الغرفتان واسعتان. هؤلاء فلاحون نشطاء. هؤلاء الفلاحون نشطاء. البحوث العلمية مفيدة. هن جعد. هذه الدروس الجديدة صعبة. الأدب الأوزبكي غني. هم سمر. الشوارع الوسخة بعيدة. هاتان المجلتان العربيتان قديمتان. القاهرة كبيرة. المتاحف الجديدة كثيرة. الخدمات الطبية ضرورية. هؤلاء العلماء صلح. أولئك مهندسون جدد. القاهرة عاصمة مصرية. مكة المكرمة مدينة مقدسة.

التعايش السلمي مسألة جادة. الأعمال اليدوية صعبة. التعاون أمر إنساني. هذه المدن الصغيرة جميلة ونظيفة. أولئك الممثلون لبنانيون. الأسلحة الحربية مضرّة. المجالات السياسية قليلة. المواد الدراسية مختلفة. جبران خليل جبران كاتب لبناني. هذا الشاب القوي عامل مصري. المدرسون العراقيون العقلاء كثيرون. هذه السيدة مدرسة أوزبكية. ذلك الشيخ السعودي ذكي وظريف. هؤلاء السادة ضيوف محترمون. أولئك المعلمات الروسيات مجتهدات.

67-ماشқ. Учинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг.

68-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

معلمات روسيات، الشيخ السعودي، كاتب لبناني، المواد الدراسية، أسلحة حربية، أمر إنساني، أعمال يدوية، مكة المكرمة، خدمات طبية، الأدب العربي، مصباح كهربائي، مسألة جادة، عاصمة مصرية، جبران خليل جبران، مجلة سياسية، ضيوف محترمون، بحث علمي، فلاحون نشطاء، دروس جديدة، المدن الصغيرة، تعايش سلمي

## ТҮРТИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

اِبْتِسَامَةٌ битта табассум

اَئِيرٌ эфир

اِخْتِرَاقٌ ёниш, куйиш

اِحْتِرَامٌ ҳурмат қилиш

اِخْرَى энг муносиб

اِحْمَقٌ аҳмоқ

اِخْوِي биродарона, дўстона

اَدَبِيЙ адабий, бадий

اَدْنَى энг яқин

اَذَى оғриқ, азият

اَسْتَاذٌ кўп. اَسَاتِدَةٌ устоз,

профессор

اَسَى ғам, қайғу

اَعْلَى مِنْ ..дан қимматроқ

اِلَى اللِّقَاءِ الْجَدِيدِ яна кўришгун-

ча (сўз. янги учрашувгача)

اِنِّي вақт

اَوْ ёки

بَازِيلاً кўк нўхат

بِجَوَارِ ёнида

بَدَلَةٌ костюм

بِدُونِ ...сиз,

بِدُونِ تَمْهِيدٍ тайёргарликсиз

بِرَى ер

بِسُرْعَةٍ тезда, зудлик билан

بِصَوْتٍ مُرْتَفِعٍ бор овоз билан

(сўз. кўтарилган овоз

билан)

بِالطَّبْعِ албатта

بِطَرِيقَةٍ اَوْ اٰخَرَى бир илож

қилиб (сўз. у ёки бу йўл билан)

بِلَوَى бахтсизлик, фалокат

بُولِيْسِيЙ полицияга тегишли

بَيْنَ الْفَيْئَةِ وَالْاٰخَرَى ГОҲ-ГОҲ,

онда-сонда

تَحْضِيْرٌ ҳозирлик

تَذَكْرَةٌ кўп. تَذَاكُرٌ чипта, патта

تَرْجَمَةٌ кўп. تَرَاجِمٌ таржима

تَمَثَالٌ кўп. تَمَاتِيْلٌ ҳайкал

تَمْهِيْدٌ тайёргарлик

ثَانِىٌّ - ثَانِىٌّ مِّنْ ثَانِيَةٍ иккинчи

ثَرَى бойлик

كُنْدِيلٌ қандил  
ثَمِينٌ қиммат  
كَنْوَتٌ كُنْ. أَجْنَحَةٌ қанот  
حَادٌّ ўтқир, кучли  
حَشَا ичак-чавоқ  
حَصَى майда тош  
حُمَى безгак  
حَيَا ёмғир  
خَبْرٌ нон  
خِزَانَةٌ шкаф, жавон  
خِجَابٌ كُنْ. خَلَايَا хужайра  
خِيُوطٌ مِنَ الشَّمْسِ қуёш нурла-  
ри (сўз. қуёшдан чиккан иплар)  
دَقِيقَةٌ كُنْ. دَقَائِقُ минут  
ذَرَّةٌ зарра  
ذِكَاةٌ хушёрлик  
رُجُوعٌ қайтиш  
رَخِيسٌ арзон  
رِضَا розилик  
رَغْبَةٌ хохиш, истак  
رُغِيْفٌ كُنْ. أَرْغِفَةٌ обинон  
رَمَادِيٌّ кулранг  
رَهِيْبٌ кўрқинчли  
رُؤْيَا туш (уйқудаги)

رِيشَةٌ перо  
سُجُونٌ كُنْ. سَجُونٌ қамоқхона  
سُكْرٌ қанд  
سِينَمَا кинотеатр  
شَاشَةٌ экран  
شُعْرَاءُ كُنْ. شَاعِرٌ шоир  
شُعْرٌ كُنْ. أَشْعَارٌ шеър  
شُهُورٌ, أَشْهُرٌ كُنْ. شَهْرٌ ой  
(календардаги)  
أَشْيَاءٌ كُنْ. شَيْءٌ нарса  
صَافِيَةٌ مَن. الصَّافِي - صَافٍ  
беғубор  
صَبَاحٌ тонг  
صَمْتٌ сукунат  
طَالِبٌ كُنْ. طَلَابٌ талаба  
طَاوِلَةٌ стол  
طُفُولَةٌ болалик  
طَيَّارٌ учувчи  
ظَلَامٌ қоронғулик  
عَالَمٌ олам  
أَعْزَاءُ كُنْ. عَزِيْزٌ азиз  
عِلْمٌ كُنْ. عُلُوْمٌ илм, фан  
عَلَى الْأَقْلِ ҳеч бўлмаганда  
عَلَى الْخُصُوصِ хусусан

غَالِي - غَالِي مَن. غَالِيَةٌ қиммат  
فِكْرٌ кўп. فِكْرٌ фикр  
فِيلْمٌ кўп. أَفْلَامٌ фильм  
فَاهِمٌ кўп. أَفْهَامٌ фахмлаш,  
фикр  
فِي الْفَيْتَةِ بَعْدَ الْآخَرَى ГОҲ-ГОҲ,  
онда-сонда  
فِي كَثِيرٍ مِنَ الظُّرُوفِ кўпинча  
(сўз. вазиятларнинг кўпида)  
فِي يَوْمٍ مِنَ الْيَوْمِ кунлардан бир  
кун  
قَاطِعٌ кескин, кескир  
قَرْيَةٌ кўп. قَرْيٌ қишлоқ  
قَضِبٌ кўп. قَضَبَانٌ таёқ  
قَضِيَّةٌ кўп. قَضَايَا муаммо  
قَلْبٌ кўп. قُلُوبٌ юрак  
قَلَمٌ кўп. أَقْلَامٌ қалам  
قَهْوَةٌ қаҳва; سَوْدَاءُ -- қанд-  
сиз қаҳва  
قَوْلٌ кўп. أَقْوَالٌ сўз, гап  
كَاتِبٌ кўп. كُتَّابٌ ёзувчи  
كُبْرَى ЭНГ катта  
كُتُبٌ кўп. كُتُبٌ китоб  
كِيلُومِترٌ километр  
رَاقِبٌ кўп. رَاقِبَانٌ ранг

أَمْوَالٌ кўп. مَالٌ мол, мол-  
мулк  
مَأْوَى паноҳ, бошпана  
مُبَارَاةٌ мусобақа  
مُبْتَوْرٌ узук-юлук  
مَبْنِيٌّ кўп. مَبَانٌ бино  
مَشْنِيٌّ маснавий  
مَجْرَى оқим, ўзан  
مَجْمُوعَةٌ тўплам  
مُحْرَكٌ мотор  
مُحِيطٌ океан  
مُدْعَى талаб қилинган нарса  
مَرِيضٌ кўп. مَرَضَى касал,  
бемор  
مَرْنِيٌّ кўриниш  
مُشْتَرِكٌ иштирокчи  
مِصرٌ Миср  
مَعَ السَّلَامَةِ хайр, кўришгунча  
(сўз. сало-матлик билан)  
مُقَدَّمَةٌ муқаддима  
مَكْتَبَةٌ кутубхона  
مُلْتَقَى учрашув жойи  
مِلْيَاءٌ ...га тўла

مِنْ جَدِيدٍ қайта, яна (сўз  
 .янгидан)  
 مُنْتَشِرٌ ёйилган, тарқалган  
 مُؤَدَّى моҳият  
 لِسَانٌ кўп. أَلْسِنَةٌ тил  
 نَاحِيَةٌ кўп. نَوَاحٍ тараф  
 نَادِرٌ камёб, кам  
 учрайдиган  
 نَافُورَةٌ фонтан

نَصِيحَةٌ кўп. نَصَائِحُ тавсия  
 هُدُوءٌ сокинлик  
 هَلَالٌ ярим ой, ҳилол  
 وَاثِقٌ ишончли  
 وَدَاعٌ хайрлашув  
 وَزِيرٌ кўп. وَزَرَاءُ вазир  
 وَلَدٌ кўп. أَوْلَادٌ бола

## § 30. КЕЛИШИКЛАР

Араб тилида исм гуруҳига кировчи сўзларда уч келишик мавжуд: бош келишик, қаратқич келишиги ва тушум келишиги. Келишиклар ўзига хос қўшимчаларга эга ва бу қўшимчалар отнинг гапдаги бажараётган вазифаси билан узвий боғлиқ:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		—		—	
1	Бош келишик	—	-ун	—	-у
2	Қаратқич келишиги	—	-ин	—	-и
3	Тушум келишиги мз.	—	-ан	—	-а
	Тушум келишиги мн.	—	-ан	—	-а

Бу турланиш уч келишикли турланиш дейилади ва шу йўсинда турланувчи сўзлар уч келишикли сўзлар дейилади. Масалан:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		МЗ	МН	МЗ	МН
1	Бош келишик	كِتَابٌ	مَجَلَّةٌ	الْكِتَابُ	الْمَجَلَّةُ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابٍ	مَجَلَّةٍ	الْكِتَابِ	الْمَجَلَّةِ
3	Тушум келишиги	كِتَابًا	مَجَلَّةً	الْكِتَابَ	الْمَجَلَّةَ

Араб тилида от ва сифатларнинг асосий қисми уч келишикли сўзлар ҳисобланади ва улар юқоридаги жадвал асосида турланади. Булар ноаниқ ҳолатда танвин кўшимчаси билан тугайдиган бирлик ва синик кўпликдаги сўзлардир. قَلْبٌ, مَدِينَةٌ, مَعْهَدٌ, كَلِيَّةٌ, دَفْتَرٌ (бирлиги), (قَلْبٌ), أَقْلَامٌ (бирлиги قَلَمٌ), أَجْنَحَةٌ (бирлиги جَنَاحٌ) каби сўзлар шулар жумласидандир.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

69-машқ. Қуйидаги сўзларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда ҳар уч келишикда турланг:

- (1) سَلَمٌ (2) بَابٌ (3) خَيْرٌ (4) ذَرَّةٌ (5) رَأْسٌ (6) رَغْبَةٌ  
 (7) زَوْجَةٌ (8) مَدِينَةٌ (9) رِيْشَةٌ (10) دَقِيقَةٌ (11) أَسْتَاذٌ (12) بَدَلَةٌ  
 (13) ذَهَبٌ (14) عُرْفَةٌ (15) سَنَةٌ (16) مُمَثِّلٌ (17) جَرِيدَةٌ (18) أَقْلَامٌ  
 (19) كُتُبٌ (20) أَرْغَفَةٌ (21) مُدُنٌ (22) أَشْهُرٌ (23) أَلْسُنٌ (24) أَنْهَارٌ  
 (25) قُلُوبٌ (26) طُلُوبٌ (27) كُتُوبٌ

70-машиқ. Қуйидаги атоқли отларни ҳар уч кели-шиқда турланг:

- 1) مُحَمَّدٌ (2) نُوحٌ (3) هِنْدٌ (4) عَبَّاسٌ (5) زَيْدٌ (6) مَسْعُودٌ (7) عُقَيْلٌ  
 8) شَعِيبٌ (9) بِلَالٌ (10) عَلِيٌّ (11) أَسَدٌ (12) حَمَّادٌ (13) زُهَيْرٌ (14) وَهْبٌ  
 15) هِشَامٌ

### § 31. ИККИЛИК ВА ТЎҒРИ КЎПЛИК ШАКЛИДАГИ СЎЗЛАРНИНГ КЕЛИШИҚДА ТУРЛАНИШИ

Иккилик сондаги сўзлар келишиқда қуйидагича турланади:

№	Келишиқлар	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		МЗ	МН	МЗ	МН
1	Бош келишиқ	كِتَابَانِ	مَجَلَّتَانِ	الْكِتَابَانِ	الْمَجَلَّتَانِ
2	Қаратқич келишиғи	كِتَابَيْنِ	مَجَلَّتَيْنِ	الْكِتَابَيْنِ	الْمَجَلَّتَيْنِ
3	Тушум келишиғи	كِتَابَيْنِ	مَجَلَّتَيْنِ	الْكِتَابَيْنِ	الْمَجَلَّتَيْنِ

Жадвалдан кўриниб турганидек, иккилик сондаги сўзнинг қаратқич ва тушум келишиқлари бир хил кўшимчага эга.

Шунингдек, аниқ ҳолатда ҳам, ноаниқ ҳолатда ҳам бир хил келишиқ кўшимчаларини оладилар.

Шу билан бирга музаккар ва муаннас сўзлар ҳам келишиқда бир хил кўшимчага эга.

Музаккар тўғри кўплиқдаги сўзлар келишиқларда қуйидагича турланади:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	فَلَا حُونَ	أَفَلَا حُونَ
2	Қаратқич келишиги	فَلَا حِينَ	أَفَلَا حِينَ
3	Тушум келишиги	فَلَا حِينَ	أَفَلَا حِينَ

Муаннас тўғри кўпликдаги сўзларнинг келишикда турланиши куйидагичадир:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	فَلَا حَاتٌ	أَفَلَا حَاتٌ
2	Қаратқич келишиги	فَلَا حَاتٍ	أَفَلَا حَاتٍ
3	Тушум келишиги	فَلَا حَاتٍ	أَفَلَا حَاتٍ

Жадваллардан кўришиб турганидек, музаккар ва муаннас тўғри кўпликдаги сўзларда қаратқич ва тушум келишиклари бир хил кўшимча оладилар ҳамда аниқ ва ноаниқ ҳолатларда келишик кўшимчалари ўзгармайди.

Илгари айтиб ўтганимиздек, кўрсатиш олмошлари келишикда турланмайди. Лекин уларнинг иккилик сондаги вариантлари қаратқич ва тушум келишигида бошқача шаклда бўлади:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда		Аниқ ҳолатда	
		МЗ	МН	МЗ	МН
1	Бош келишик	هَذَا	هَئَانِ	ذَانِكَ	تَانِكَ
2	Қаратқич келишиги	هَذَيْنِ	هَاتَيْنِ	ذَيْنِكَ	تَيْنِكَ
3	Тушум келишиги	هَذَيْنِ	هَاتَيْنِ	ذَيْنِكَ	تَيْنِكَ

Гапнинг эгаси, от кесимли гапнинг эгаси ва кесими ҳамда уларнинг мослашган аниқловчилари кўпинча бош келишикда келади.

Бирор предлог билан келган ёки мослашмаган аниқловчи бўлиб келган от ўзининг мослашган аниқловчилари билан бирга қаратқич келишигида, воситасиз тўлдирувчи бўлиб келган отлар эса тушум келишигида келади (бу масалага кейинроқ муфассал тўхталинади).

### Амалий машғулот учун топшириқлар

71-машқ. Қуйидаги сўзларнинг иккилик сонини топинг ва ҳар уч келишикда турланг:

- (1) جَامِعَةٌ (2) عُمَرُ (3) لَوْحٌ (4) مَقْعَدٌ (5) رِحْلَةٌ (6) مَذْهَبٌ (7) ثَلَاثَةٌ  
(8) سَنَةٌ (9) جَبَلٌ (10) شَوْكَةٌ (11) شَابٌّ (12) لَيْلَةٌ (13) بَلَدَةٌ (14) سَاعَةٌ  
(15) فَنَاءٌ (16) جَارٌ (17) مُوظَّفٌ (18) عَامِلٌ

72-машқ. Қуйидаги музаккар сўзларнинг кўплигини топинг ва бу кўпликни ҳар уч келишикда турланг:

- (1) مُدْرَسٌ (2) مُعَلِّمٌ (3) مُصَوِّرٌ (4) مُجْتَهِدٌ (5) مُؤَرِّخٌ (6) مَلَاخٌ  
(7) مُتَرْجِمٌ (8) خِيَّاطٌ (9) نَجَّارٌ (10) طَيَّارٌ (11) مُهَنْدِسٌ (12) مُتَعَلِّمٌ

73-машқ. Қуйидаги муаннас сўзларнинг кўплигини топинг ва бу кўпликни ҳар уч келишикда турланг:

- (1) خَالَةٌ (2) عَمَّةٌ (3) جَدَّةٌ (4) تَلْمِيذَةٌ (5) طَالِبَةٌ (6) عَامِلَةٌ (7) مُتَرْجِمَةٌ  
(8) فَلَاحَةٌ (9) مُعَلِّمَةٌ (10) مُهَنْدِسَةٌ (11) جَارَةٌ (12) مَرِيضَةٌ (13) مُطْرِبَةٌ  
(14) فَنَاءَةٌ (15) شَاعِرَةٌ

74-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Қўл иши; янги муҳандислар (мз.); Ироқ пойтахти; ҳарбий қурооллар; ўқув предметлари; сиёсий журналлар; муқаддас шаҳар; ўзбек адабиёти; тиббий хизмат; мисрлик ишчи; ливанлик ёзувчи; инсоний иш; янги музейлар; фаол деҳқонлар; электр лампа.

## § 32. ИККИ КЕЛИШИКЛИ ОТЛАР

Араб тилида қаратқич ва тушум келишиги бир хил кўшимчага эга бўлган қатор сўзлар мавжуд. Булар икки келишикли сўзлар дейилади. Икки келишикли сўзларга асосан қуйидагилар мансубдир:

1. **ال** артиклини олмайдиган, лекин аниқ ҳолатда деб ҳисобланувчи танвин кўшимчасини олмайдиган сўзлар.

Масалан: **مِصْرُ** – Миср, **إِسْمَاعِيلُ** – Исмоил,  
**فَاطِمَةُ** – Фотима, **يُوسُفُ** – Юсуф.

2. **ال** артиклини олиши мумкин бўлган, танвин билан тугамай-диган бирлик сондаги отлар ёки сифатлар ноаниқ ҳолатда келганида:

**صَحْرَاءُ** – саҳро, **جُوعَانُ** – очикқан,  
**أَبْيَضُ** – оқ, **أَكْبَرُ** – энг катта.

3. Ноаниқ ҳолатда ҳам танвин кўшимчаси билан тугамай-диган ва ноаниқ ҳолатда келган синик кўпликдаги от ва сифатлар. Масалан:

**جَرَائِدُ** (бирл. **جَرِيدَةٌ**) – газеталар,  
**قَوَاعِدُ** (бирл. **قَاعِدَةٌ**) – қоидалар,

أَمْرَاءُ (бирл. أَمِيرٌ) – амирлар.

Бу сўзлар куйидаги тарзда турланади:

№	Келишиклар	Мисоллар	Мисоллар
1	Бош келишик	فَاطِمَةٌ	أَيْضُ
2	Қаратқич келишиги	فَاطِمَةٌ	أَيْضَ
3	Тушум келишиги	فَاطِمَةً	أَيْضًا

Шуни унутмаслик керакки, ноаниқ ҳолатда танвин кўшимчасини олмайдиган, лекин ال артиклини олиши мумкин бўлган сўзлар (2- ва 3-пунктлар) ال артикли билан келганида уч келишикли сўзларга айланиб кетади.

Масалан:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	جَرَانِدٌ، أَكْبَرُ	الْجَرَانِدُ، الْأَكْبَرُ
2	Қаратқич келишиги	جَرَانِدٌ، أَكْبَرِ	الْجَرَانِدِ، الْأَكْبَرِ
3	Тушум келишиги.	جَرَانِدٍ، أَكْبَرٍ	الْجَرَانِدِ، الْأَكْبَرِ

Икки келишикли сўзлар мослашмаган аниқловчининг аниқланмиши бўлиб келганида ҳам (изофанинг музоф қисми бўлганида ҳам) уч келишикли сўзга айланиб кетади. Бу ҳақда кейинроқ тўхталинади.

## Амалий машғулот учун топшириқлар

75-машқ. Қуйидаги сўзларни ҳар уч келишикда турланг (ال - артиклини олиши мумкин бўлган сўзларни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда олинг):

- 1) دَمَشْقُ (2) ظَمَانُ (3) لُبْنَانُ (4) سَوْدَاءُ (5) أَحْمَرُ (6) صَفْرَاءُ  
 7) عَطَشَانُ (8) حَمْرَاءُ (9) زَرْقَاءُ (10) أَخْضَرُ (11) يَوْسُفُ (12) يُوْسُ  
 13) إِسْمَاعِيلُ (14) إِسْرَائِيلُ (15) طَشْقَنْدُ (16) نَمَنَغَانُ (17) سُلَيْمَانُ  
 18) سَلْمَانُ (19) أَحْمَدُ (20) يَزِيدُ (21) زَيْنَبُ (22) عَائِشَةُ (23) أَيُّوبُ  
 24) عُثْمَانُ (25) عُمَرُ (26) هَارُونُ (27) بَأْسَاءُ (28) ضَرَاءُ

76-машқ. Қуйидаги сўзларнинг кўплигига эътибор беринг ва у кўпликни аниқ ва ноаниқ ҳолатларда ҳар уч келишикда турланг:

яқин	قَرِيبٌ	→	أَقْرَبَاءُ	ажойиб	عَجِيبٌ	→	عَجَائِبُ
турар жой	مَسْكَنٌ	→	مَسَاكِنُ	ўриндик	مَقْعَدٌ	→	مَقَاعِدُ
меҳмонхона	فُنْدُقٌ	→	فُنَادِقُ	олим	عَالِمٌ	→	عُلَمَاءُ
яшаш жойи	مَنْزِلٌ	→	مَنَازِلُ	азиз	عَزِيزٌ	→	أَعْزَاءُ
касбдош	زَمِيلٌ	→	زُمَلَاءُ	озгин	نَحِيفٌ	→	نَحَافٌ
коридор	دِهْلِيزٌ	→	دِهَالِيزُ	кекса	عَجْوَزٌ	→	عَجَائِزُ
вазир	وَزِيرٌ	→	وُزَرَاءُ	заиф	ضَعِيفٌ	→	ضِعَافٌ، ضِعَفَاءُ
мазҳаб	مَذْهَبٌ	→	مَذَاهِبُ	ошхона	مَطْعَمٌ	→	مَطَاعِمُ
ҳужжат	وَثِيقَةٌ	→	وَتَائِقُ	врач	طَبِيبٌ	→	أَطْبَاءُ
университет	جَامِعَةٌ	→	جَامِعَاتُ	карта	خَرِيْطَةٌ	→	خَرَائِطُ

кухня	مَطْبَخٌ	→	مَطَابِخٌ
мулойим	لَطِيفٌ	→	لَطَافٌ
ходиса	ظَاهِرَةٌ	→	ظَوَاهِرٌ
завод	مَصْنَعٌ	→	مَصَانِعٌ
хушбичим	ظَرِيفٌ	→	ظُرْفَاءٌ
дўст	صَدِيقٌ	→	أَصْدِقَاءٌ
ракета	صَارُوخٌ	→	صَوَارِيخٌ
лифт	مَصْعَدٌ	→	مَصَاعِدٌ
чакмок	صَاعِقَةٌ	→	صَوَاعِقُ
манзара	مَنْظَرٌ	→	مَنَاظِرٌ
рост	صَحِيحٌ	→	أَصْحَاءٌ
кўриниш	مَظْهَرٌ	→	مَظَاهِرٌ
бошлик	رَيْسٌ	→	رُؤَسَاءٌ
шерик	شَرِيكٌ	→	شُرَكَاءٌ

хазина	خَزِينَةٌ	→	خَزَائِنٌ
авлиё	وَلِيٌّ	→	أَوْلِيَاءٌ
марварид	لَوْلُوٌ	→	لَالِيٌ
дераза	نَافِذَةٌ	→	نَوَافِذٌ
мактаб	مَدْرَسَةٌ	→	مَدَارِسٌ
кўйлак	فُسْتَانٌ	→	فَسَاتِينٌ
шалвор	سِرْوَالٌ	→	سَرَائِلٌ
пичок	سَكِينٌ	→	سَكَائِينٌ
чаён	عَقْرَبٌ	→	عَقَارِبٌ
карвон	قَافِلَةٌ	→	قَوَافِلٌ
халифа	خَلِيفَةٌ	→	خُلَفَاءٌ
шайтон	شَيْطَانٌ	→	شَيْاطِينٌ
султон	سُلْطَانٌ	→	سَلَاطِينٌ
исбот	بُرْهَانٌ	→	بَرَهِينٌ

### § 33. КЕЛИШИКДА ТУРЛАНМАЙДИГАН ОТЛАР

Охири «-ан» ёки «-ā» билан тугайдиган сўзлар шу кўшимча алиф билан ёзилса ҳам, алиф мақсура билан ёзилса ҳам, ҳар уч келишикда бир хил кўшимча қабул қилади. Булар келишикда турланмайдиган сўзлар дейилади. Масалан:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	فَتِي، عَصَا	الْفَتِي، الْعَصَا
2	Қаратқич келишиги	فَتِي، عَصَا	الْفَتِي، الْعَصَا
3	Тушум келишиги	فَتِي، عَصَا	الْفَتِي، الْعَصَا

Алиф максура билан тугайдиган сифатлар, масалан: *جَوْعَى* (мз. *جَوْعَانُ*), синиқ кўпликдаги отлар, масалан: *مَرَضَى* (бирл. *مَرِيضٌ*), *مَوْتَى* (бирл. *مَيِّتٌ*) ҳам келишикда турланмайдиган сўзлар тоифасига киради.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

✓-машқ. *Келишикда турланмайдиган қуйидаги сўзларни янги сўзлар ичидан топинг ва ёдингизда сақлаб қолинг:*

Моҳият,  
паноҳ,  
бино,  
энг муносиб,  
ёмғир,  
энг яқин,  
муаммолар,  
оғриқ, азоб,  
кўк нўхат,  
бойлик,

ичак-чавок,  
ғалаб  
қилинадиган  
нарса,  
туш,  
хужайралар,  
ғам, қайғу,  
ер,  
маснавий,  
майда тош,

шифоҳона,  
кўриниш,  
қандил,  
вакт,  
бахтсизлик,  
оқим,  
безгак,  
учрашув жойи,  
розилик,  
энг катта.

## § 34. ПРЕДЛОГЛАР

Ёрдамчи сўз туркумининг каттагина қисмини предлоглар деб аталувчи сўзлар ташкил этади. Араб тилида келишиклар сони жуда оз бўлганлиги сабабли, предмет, воқеа-ходисанинг вақтга, ўринга муносабати, чегараланиш ва бошқа турли муносабатлар асосан предлоглар ёрдамида ифодаланади.

Предлоглар учун умумий хусусият шуки, қайси сўзга боғланиб келган бўлса, ўша сўздан олдин келади ва ўша сўзни қараткич келишигида келишга мажбур қилади.

Масалан:

...да → فِي الْمَدْرَسَةِ – мактабда,

...га → إِلَى الْكَلْبَةِ – факультетга,

...дан → مِنَ الرَّجُلَيْنِ – иккита эркакдан.

Предлоглар тузилишига кўра уч гуруҳга бўлинади:

1. Асл предлоглар. Мустақил сўз шаклини йўқотган ва фақат предлог сифатидагина ишлатиладиган сўзлар асл предлоглардир. Асл предлогларга қуйидагилар киради:

1. فِي – ...да, ичида (бу ва бундан кейин предлогларнинг асосий маъносигина берилади. Бошқа маъноларини билиш учун мавжуд луғатларга мурожаат қилиш керак). فِي الْمَعْهَدِ – институтда. فِي предлоги ...да маъносида одамларга нисбатан ишлатилмайди.

2. إِلَى – ...га, ...гача. إِلَى الْمَسَاءِ – окшомгача.

3. مِنْ – ...дан. مِنَ الصُّبْحِ – тонгдан.

4. عَلَى – ...да, устида, устига. عَلَى الطَّائِلَةِ – стол устида.

5. عَنْ – ҳақида. عَنِ الدَّرْسِ – дарс ҳақида.
6. ب – билан, воситасида. بِالْقَلَمِ – қалам воситасида.
7. لَدَى – ...да, қошида, ҳузурида. لَدَى الأَسْتَاذِ – домла ҳузурида.

8. مَعَ – билан бирга. مَعَ الصَّدِيقِ – дўст билан бирга.
9. ل – ...нинг, ...да бор. لِلطَّالِبِ – студентда бор.
10. كَ – ...дек, каби. كَالشَّمْسِ – қуёш каби.
11. حَتَّى – ...гача. حَتَّى الصَّبَاحِ – тонггача.
12. مُنْذُ، مُنْذُ – ...дан буён. مُنْذُ سَنَتَيْنِ – икки йилдан буён.

II. От-предлоглар. Бу гуруҳга ўзининг отлик хусусиятини йўқотмаган, от сифатида ишлатилиши мумкин бўлган, лекин шу билан бирга предлог вазифасида ҳам келиши мумкин бўлган сўзлар киради. Булар предлог вазифасида ишлатилганида кўпинча тушум келишигида келади:

1. دَاخِلَ – ичида, ичига. دَاخِلَ المَدْرَسَةِ – мактаб ичида.
2. خَارِجَ – ташқарида, ташқарига. خَارِجَ البَيْتِ – уй ташқарисида.
3. عَبْرَ – орқали. عَبْرَ الهَوَاءِ – ҳаво орқали.
4. خِلَالَ – давомида. خِلَالَ العُطْلَةِ – каникул давомида.
5. بَيْنَ – орасида. بَيْنَ التَّلْمِيزَيْنِ – икки ўқувчи орасида.
6. قُرْبَ – яқинида. قُرْبَ التَّافِذَةِ – дераза яқинида.
7. أَمَامَ – олдида. أَمَامَ الوَالِدَيْنِ – ота-она олдида.
8. إِزَاءَ – қаршисида. إِزَاءَ التَّافُورَةِ – фонтан қаршисида.
9. وِرَاءَ – орқасида, орқасига. وِرَاءَ الجِدَارِ – девор орқасида.

10. فَوْقَ – устида, устига. فَوْقَ الْمَاءِ – сув устида.
11. تَحْتَ – остида, остига. تَحْتَ الشَّجَرَةِ - дарахт остида.
12. خَلْفَ – орқасида, орқасига. خَلْفَ فَاطِمَةَ – Фотиманинг орқасида.
13. عِنْدَ – ...да, ҳузурида. عِنْدَ الْمُدِيرِ – бошлиқ ҳузурида.
14. حَوْلَ – атрофида, ҳақида. حَوْلَ الْمَسْئَلَةِ – масала ҳақида.
15. حَوْلَى – қарийб, тахминан. حَوْلَى مِترٍ – тахминан бир метр.
16. قَبْلَ – ...дан олдин. قَبْلَ الظُّهْرِ – пешиндан олдин.
17. بَعْدَ – ...дан кейин. بَعْدَ الدَّرْسِ – дарсдан кейин.
18. أثنَاءَ – давомида, асносида. أثنَاءَ الزِّيَارَةِ – зиёрат асносида.
19. ضِدَّ – ...га қарши. ضِدَّ الْعُدْوَانِ – агрессияга қарши.
20. تُجَاهَ – қаршисида. تُجَاهَ النَّافُورَةِ – фонтан қаршисида.
21. تَلَوْ – ...нинг орқасидан, изидан. تَلَوْ الْآبَاءِ – оталар изидан.
22. إبانَ – давомида, вақтида. إبانَ الْحَرْبِ – уруш вақтида.

Бу сўзлар баъзан мустақил сўз сифатида бошқа предлогларни қабул қилиши мумкин:

إِلَى الْأَمَامِ – олдинга, олға.

III. Мураккаб предлоглар. Булар икки-уч сўздан иборат бўлиб, юқоридаги предлогларга нисбатан мураккаброқ муносабатларни ифодалайди:

1. لِأَجْلِ – ...ни деб, йўлида.

2. فِي سَبِيلِ – ...ни деб, йўлида.

3. خَلَا فَا ل – ...га қарамай.
4. خَوْفًا مِّنْ – ...дан қўрқиб.
5. فَضْلًا عَن – ...дан ташқари.
6. عَلَى مَقْرَبَةٍ مِّنْ – ёнида, яқинида.
7. بِالْقُرْبِ مِّنْ – ёнида, яқинида.
8. بِجَانِبِ – ёнида, яқинида.
9. بِالرَّغْمِ مِّنْ – ...га қарамасдан.
10. بِصَرْفِ النَّظَرِ عَن – ...дан ташқари.
11. بِالنَّظَرِ إِلَى – сабабли.
12. نَظْرًا إِلَى – сабабли.
13. عَوْضًا عَن – ...нинг бадалига.
14. عَوْضًا ل – ...нинг бадалига.
15. نَتِيجَةً ل – натижасида.
16. بِوَسِطَةِ – воситасида.
17. بِجَوَارِ – ёнида.
18. فِي غَضُونِ – ...нинг давомида, мобайнида.

Юқоридагилардан ل ، ب ، ك – предлоглари ва шу предлоглар билан тугаган мураккаб предлоглар ўзидан кейинги сўзга қўшиб ёзилади. Масалан:

بِالرَّيْشَةِ – перо билан, كَالسَّيْفِ – қиличдек.

ل – предлоги ال артикли билан келган сўзларга қўшилганида, артиклдаги васлани хамза (i) ёзувда тушиб қолади. Масалан:

لِلْحُكْمِ + ل = لِلْحُكْمِ – ҳукм учун.

ل ҳарфи билан бошланадиган сўзларга ل предлоги кўшилганида эса, ل ҳарфи битта ёзилади ва у икки хил ўқилиши мумкин. Масалан:

لَلْبَيْنِ = ل + اللَّيْنُ ; لِلْبَيْنِ = ل + لَبْنٌ .

Қолган предлогларнинг барчаси ўзидан кейинги сўздан ажратиб ёзилади.

Предлоглар асосан исм гуруҳидаги сўзларнинг олдида келади ва улар билан муносабатга киришади, лекин улар айрим феълларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. У ёки бу феъл ўзидан кейин турган предлог билан боғлиқ ҳолда турли маъноларни билдириши мумкин.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

#### ТҶРТИНЧИ МАТН ✓

وراء الشجرة، بين النافذتين، خارج المدينة، قرب الجامعة، عبر الأثير،  
داخل السيارة، بالسكر، للدرس، على المائدة، بالقلم، إلى الرئيس، لدى  
الوزير، عن الترجمة، في الكلية، من الله، كالبدر، حتى الصباح، منذ الطفولة،  
عبر المحيط، خلال شهرين، أمام الأستاذ، إزاء النافورة، فوق الخزانة، تحت  
الأرض، عند المساء، حوالي كيلومتر، حول العالم، إزاء التمثال الكبير، خارج  
القرية البعيدة، مع القهوة السوداء، حول القضايا المهمة، خلف المكتبة الجديدة،  
خلال السنوات الأخيرة، كاهلال، حتى الساعات المتأخرة، بجوار البيت  
الأبيض، عند الرئيس السابق، فوق المبنى الجديد، وراء الشجرتين الكبيرتين، أمام  
الباب الأزرق، بين الطالبتين الجديدتين، تحت السماء الزرقاء، بالأقلام السوداء،

من القرينتين القريبتين، في مصر، إلى سمرقند الجميلة، من المدارس القديمة، لدى الجامعة الجديدة، على الطاولة الحمراء، للتلاميذ المجتهدين، من الأشعار القديمة، في الوداع الأخير، إلى الرجوع الثاني، في الظلام، مجموعة من الكتب العلمية والأدبية، في ذلك السجن الرهيب، من وراء القضبان، بين التلميذات، في تلك المدرسة الصغيرة، بصمت وهدوء ثقيلين، بابتسامة واثقة صافية، بدون مقدمات أو تمهيدات أو تحضيرات وبكلمات مبتورة قاطعة جادة، أنا من هؤلاء لا من أولئك، ناحية مليئة بالأشجار، فلم بوليسى على الشاشة الصغيرة، تحت الأجنحة، أمام المحرك، أثناء الاحتراق، تلو هذه الأقوال المنتشرة، في تلك السينما، لأجل هذه التذكرة، عن المعطف الرخيص، لأجل البدلة الرمادية، بعد النصيحة الأخوية، من الفهم الحاد، من السيارات الغالية، لدى الأولاد الصغار، الاحترام شيء ضروري، اللون الرمادي نادر، للمشاركين الأعضاء، قبل المباراة، العلم أغلى من المال، من تلك الفكرة الحمقاء، العقل والفهم والذكاء أشياء مفيدة.

*78-машқ. Қуйида берилган предлогли турғун бирик-маларни янги сўзлар ичидан топинг, уларнинг маъносига эътибор беринг ва ёдланг:*

Яна кўришгунча,  
кўпинча,  
бир илож қилиб,  
тезда,  
гоҳ-гоҳ,  
хусусан,  
бор овоз билан,

кунлардан бир кун,  
хайр, кўришгунча,  
куёш нурлари,  
албатта,  
ҳеч бўлмаганда,  
қайта.

79-машқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

بابتسامة واثقة، فلم بوليسي، بكلمات مبتورة، الكتب العلمية، خارج القرية، أشياء مفيدة، أولاد صغار، نصيحة أخوية، بالطبع، في يوم من الأيام، مع السلامة، بين الفينة والأخرى، خيوط من الشمس، إلى اللقاء الجديد، بطريقة أو أخرى، بصوت مرتفع، البيت الأبيض، سنوات أخيرة، تمثال كبير، أشعار قديمة، قهوة سوداء، سمرقند الجميلة، قضايا مهمة، مدارس قديمة، بصمت ثقيل، شيء ضروري.

80-машқ. Қуйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

1. Икки узок қишлоқдан.
2. Чиройли шаҳарларга.
3. Икки кенг кўча орасида.
4. Ўқитувчилар (мз.) қаршисида.
5. Оқ катта бино олдида.
6. Сўнгги икки ой давомида.
7. Бу қийин савол орқасида.
8. Фарзандлар билан бирга.
9. Ўша эски китоб ичида.
10. Ўша янги бошлиқлар ҳузурида.
11. Янги зангор қалам билан.
12. Бу муҳим масала ҳақида.
13. Оқ деворлар устида.
14. Катта денгиз остида.
15. Ўша қора машина орқасида.
16. Ўрганиш борасида.
17. Қадимги мухтарам олимлар ҳузурида.
18. Бу тор хона ичида.
19. Ўша иккита янги мактаб ташқарисида.
20. Икки соатдан кейин.
21. Кичкина дарё яқинида.
22. Ўша икки заводда.
23. Шу икки фабрикадан.
24. Яшил дарахтлар атрофида.
25. Тошкентдан Қоҳирага.
26. Хитойдан Ироққача.

## БЕШИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

أَحَدٌ *мн.* бир, битта  
 آخِرٌ *кўп.* охирги  
 آدَبٌ *кўп.* адабиёт  
 إِدْرِيسُ *ат. от* Идрис  
 إِذَاعَةٌ радиоэшиттириш  
 اسْتِشْرَاقٌ шарқшунослик  
 اسْتِقْبَالٌ қабул қилиш  
 أَصْلٌ насл, келиб чиқиш, зот  
 أَكْبَرٌ энг катта  
 أُمٌّ ёки  
 أُمٌّ *кўп.* она  
 اِمْتِحَانٌ имтиҳон  
 الْآنَ ҳозир  
 أَنَا بِخَيْرٍ мен яхшиман  
 إِنْسَانٌ *кўп.* инсон  
 أَهْمِيَّةٌ аҳамият  
 أَوَّلٌ *мн.* биринчи  
 بَاكِرٌ эрта, барвақт; ~ صَبَاحٌ -  
 эрта тонг  
 بَحْرٌ *кўп.* денгиз  
 بَعْضٌ баъзи

بَلَدٌ *кўп.* ўлка  
 بُيُوتٌ *кўп.* уй  
 تَارِيخٌ тарих  
 تَمَارِينُ *кўп.* машқ  
 ثَانَوِيٌّ ўрта (*мактаб*)  
 جَامِعَةُ عَيْنِ الشَّمْسِ Айнушшамс  
 университети (*Қоҳирада*)  
 جَامِعَةُ اللُّغَاتِ الْعَالَمِيَّةِ Жаҳон  
 тиллари университети  
 جَدًّا жуда  
 جُدْرٌ، جُدْرَانٌ *кўп.* девор  
 جُمْهُورِيَّةٌ республика  
 جُمْهُورِيَّةُ مِصْرَ الْعَرَبِيَّةِ Миср Араб  
 Республикаси  
 حَدِيثٌ янги, замонавий  
 حَدَائِقُ *кўп.* боғ, парк  
 حَزِينٌ ғамгин  
 الْحَمْدُ لِلَّهِ Оллоҳга шукр  
 أَحْوَالٌ *кўп.* ҳол, ҳол-аҳвол  
 خَاصٌّ ...га алоқадор  
 خَيْرٌ *кўп.* яхши  
 دَاخِلِيٌّ ички

دُولِي халқаро  
 رِيَاضِي спортга тегишли  
 زَانِر كۆپ. زُوَارَ зиёратчи  
 زَرَع экин, кишлок хўжалиги  
 زَمِيل كۆپ. زُمَلَاء хамкасб  
 زَهْرَة كۆپ. زُهُورَ гул  
 سُبُورَة доска  
 فِي - فِي - سَبَل كۆپ. йўл; -  
 ..ни деб, йўлида  
 سَلَم тинчлик  
 شَاق машакқатли  
 شَجَر كۆپ. أَشْجَارَ дарахт  
 شَرَف шараф  
 شَرَق шарқ  
 شَفِيق ат. от Шафик  
 شُكْرًا раҳмат! أَلْفُ! минг  
 раҳмат!  
 شَكْل كۆپ. أَشْكَالَ шакл  
 صَارُوخ كۆپ. صَوَارِيخُ ракета  
 صَحِيفَة كۆپ. صُحُفَ газета  
 صَدِيق كۆپ. أَصْدِقَاءُ дўст, ўртоқ  
 صَوْت كۆپ. أَصْوَاتَ овоз  
 صَوْتُ الْعَرَبِ «Араблар овози»  
 (Қоҳира радиоси канали)

صُورَة كۆپ. صُورَ расм, сурат  
 طِب табобат, тиббиёт  
 عالِي - عالِيَة. عالِيَة. عالِي ми. баланд  
 عَدَد сон, санок  
 عَدَد كۆپ. عَدَد كَبِيرٌ مِنْ...  
 عِدَّة бир неча  
 عَرَبِي الْأَصْلُ хақиқий араб,  
 келиб чиқиши араб  
 عَرِيض كенг  
 عَمَل كۆپ. أَعْمَالُ иш  
 عَمِيد декан  
 عَيْن كۆپ. عَيْنُ кўз  
 فَتِي كۆپ. فَتِيَانُ йигит  
 فَسْتَان كۆپ. فَسَاتِينُ кўйлак  
 فِي الْأَيَّامِ الْقَلِيلَةِ الْمُقْبِلَةِ якин  
 кунларда  
 قَامَة қомат, гавда  
 قَدَم كۆپ. أَقْدَامُ оёқ, оёқнинг  
 ости  
 قِرَاءَة ўқиш  
 قُرْآن Қуръон  
 قِسْم كۆپ. أَقْسَامُ қисм, бўлим  
 قَلِيلًا бир оз миқдорда  
 قَمَر كۆп. أَقْمَارٌ ой (осмондаги)

كريم	кимматбаҳо, муқаддас	مقبل	келгуси, келаси
كَلِيَّةُ الْاَدَابِ الْاَوْزُبَكِيَّةُ	ўзбек филологияси факультети	ناطق	гапирувчи
لا	йўқ («ҳа»нинг акси)	نص	кўп. نصوص матн, текст
متعدد	бир неча	نعم	ҳа
متفتح	очилган (гул)	واد	кўп. اودية водий
محاكمة	муҳокама, мунозара	واقعة	жойлашган
محب	ихлосманд, мухлис	وجه	кўп. وجوه юз, бет
مسطرة	кўп. مساطر чизғич	وردة	атиргул
مشكلة	кўп. مشاكل муаммо	وطني	миллий
مشمشة	бир дона ўрик	يوم	кўп. أيام кун
معهد	кўп. معاهد институт	اليوم	бугун
مفتوح	очик		

## § 35. МОСЛАШМАГАН АНИҚЛОВЧИ (ИЗОФА)

Араб тилида мослашган аниқловчи кўпинча ўзбек тилидаги сифатловчи аниқловчиларга ўхшаб кетса, ўзбек тилидаги қаратқичли аниқловчиларга («шаҳарнинг дарвозаси», «факультет студенти» каби) кўпроқ мос келадиган ибора мослашмаган аниқловчидир. Мослашмаган аниқловчи билан аниқланмишдан ташкил топган бирикма араб тилида إضافة – 'идāфатун – изофа дейилиб, уни ташкил этувчи аниқланмиш مضاف - мудā-фун – музоф, мослашмаган аниқловчи эса مضاف إليه -

мудāфун ʼилайҳи – музоф илайҳи деб юритилади. Бундан кейин ушбу дарсликда ҳам шу терминлар қўлланилади.

Изофада музоф илайҳи мослашган аниқловчи каби аниқлан-мишдан кейин келади, лекин улар ўртасида тўрт жихат бўйича мослашиш мавжуд эмас. Аксинча, изофада музоф билан музоф илайҳининг ўзаро муносабатга киришувининг бошқача характери мавжуд, яъни музоф ال артиклисиз ва танвин қўшимчасисиз келади, музоф илайҳи эса ҳар доим қаратқич келишигида келади. Масалан:

كِتَابُ طَالِبٍ – (номаълум) студентнинг китоби.

بَابُ بَيْتٍ – (номаълум) уйнинг эшиги.

Музоф ال артиклини қабул қилмайди. Унинг аниқноаниқлиги музоф илайҳининг ҳолатига боғлиқ. Агар музоф илайҳи аниқ ҳолатда бўлса, музоф ҳам аниқ ҳолатда ҳисобланади. Масалан:

كِتَابُ الطَّالِبِ – (маълум) студентнинг (маълум) китоби.

بَابُ الْبَيْتِ – (маълум) уйнинг (маълум) эшиги.

Гапдаги вазифасига қараб, изофа ҳар уч келишикда келиши мумкин. Бунда фақат изофанинг музоф қисми келишикда турланади, музоф илайҳининг келишиги ўзгармайди. Масалан:

№	Келишиклар	Ноаниқ ҳолатда	Аниқ ҳолатда
1	Бош келишик	كِتَابُ طَالِبٍ	كِتَابُ الطَّالِبِ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابِ طَالِبٍ	كِتَابِ الطَّالِبِ
3	Тушум келишиги	كِتَابٍ طَالِبٍ	كِتَابٍ الطَّالِبِ

Араб тилида қуйидаги бешта сўз бирлик сонда келиб, изофанинг музофи вазифасини бажарганида, унинг келишиги ҳаракатлар билан эмас, ҳарфлар ёрдамида шаклланади:

أَبٌ – ота, حَمٌّ – қайната, أَخٌ – ини,  
هِنَّ – нарса, ذُو – соҳиб(и), эга(си).

№	Келишиклар	Аниқ ҳолатда	Ноаниқ ҳолатда
1	Бош келишик	أَبُو الطَّالِبِ	أَبُو طَالِبٍ
2	Қаратқич келишиги	أَبِي الطَّالِبِ	أَبِي طَالِبٍ
3	Тушум келишиги	أَبَا الطَّالِبِ	أَبَا طَالِبٍ

Эслатма. Бу сўзлар иккилик ёки кўплик сонда бўлганида, улар умумий қоида асосида турланади.

Бу сўзлар ичидан ذُو сўзи ўзидан кейинги музоф илай-хи билан қўшилиб, «қандай, қанақа?» саволларига жавоб бўладиган мураккаб аниқловчини ташкил этади ва бинобарин ўзидан олдинги сўзнинг мослашган аниқловчиси вазифасини бажаради. Аниқланмиш билан бу бирикманинг мослашуви мазкур ذُو сўзи ёрдамида амалга ошади. Демак, ذُو сўзи сонда, жинсда ва келишикда турлича шаклга киради. Унинг турланиши қуйидагича бўлади:

Сон	Жинс	Бош келишик	Қараткич келишиги	Тушум келишиги
бирлик	МЗ.	ذُو	ذِي	ذَا
	МН.	ذَاتُ	ذَاتِ	ذَاتَ
иккилик	МЗ.	ذَوَا	ذَوَيْ	ذَوَيْ
	МН.	ذَوَاتَا	ذَوَاتِي	ذَوَاتِي
кўплик	МЗ.	ذَوُو	ذَوِي	ذَوِي
	МН.	ذَوَاتُ	ذَوَاتِ	ذَوَاتِ

Масалан:

التَّلْمِيذُ ذُو الْأَدَبِ – одобли ўқувчи,

التَّلْمِيذَانِ ذَوَا الْأَدَبِ – иккита одобли ўқувчи,

التَّلَامِيذُ ذَوُو الْأَدَبِ – одобли ўқувчилар,

مِنَ التَّلْمِيذِ ذِي الْأَدَبِ – одобли ўқувчидан,

مِنَ التَّلْمِيذَيْنِ ذَوِي الْأَدَبِ – иккита одобли ўқувчидан,

مِنَ التَّلَامِيذِ ذَوِي الْأَدَبِ – одобли ўқувчилардан.

الطَّالِبَةُ ذَاتُ الْأَدَبِ – одобли талаба қиз,

الطَّالِبَتَانِ ذَوَاتَا الْأَدَبِ – иккита одобли талаба қиз,

الطَّالِبَاتُ ذَوَاتُ الْأَدَبِ – одобли талаба қизлар,

إِلَى الطَّالِبَةِ ذَاتِ الْأَدَبِ – одобли талаба қизга,

إِلَى الطَّالِبَتَيْنِ ذَوَاتِي الْأَدَبِ – иккита одобли талаба қизга,

إِلَى الطَّالِبَاتِ ذَوَاتِ الْأَدَبِ – одобли талаба қизларга.

Агар музоф иккиликдаги ёки музаккар тўғри кўп-ликдаги отдан иборат бўлса, сўз охиридаги ن ёки ن қўшимчалари тушиб қолади.

№	Келишиклар	Иккилик мз.	Иккилик мн.	Тўғри кўплик мз.
1	Бош келишик	كِتَابُ الطَّالِبِ	مَجَلَّتَا الطَّالِبِ	فَلَاحُو الْقَرْيَةِ
2	Қаратқич келишиги	كِتَابِي الطَّالِبِ	مَجَلَّتِي الطَّالِبِ	فَلَاحِي الْقَرْيَةِ
3	Тушум келишиги	كِتَابِي الطَّالِبِ	مَجَلَّتِي الطَّالِبِ	فَلَاحِي الْقَرْيَةِ

Агар музоф муаннас тўғри кўплик ёки синик кўпликдаги оддан иборат бўлса, келишикларда умумий қоида бўйича турланади:

طَلَبَاتُ الْكُلِّيَّةِ – факультет талаба қизлари.

أَقْلَامُ التَّلْمِيذِ – ўқувчининг ручкалари.

Баъзан изофа уч ва ундан ортик сўздан иборат бўлиши мумкин. Бунда ўртадаги сўзлар ўзидан олдинги сўзга нисбатан музоф илайҳи, ўзидан кейинги сўз учун эса музоф вазифасини бажаради ва шунинг учун ўзида ҳам музофлик, ҳам музоф илайҳилик хусусиятларини мужассамлаштирган бўлади яъни ال артиклини қабул қилмаган ва қаратқич келишигида бўлади. Масалан:

كِتَابُ مُدْرَسِ الْمَدْرَسَةِ – мактаб ўқитувчиси китоби,

بَيْتُ أَسْتَاذِ مَعْهَدِ الطَّبِّ – тиббиёт институти профессорининг уйи.

Бундай иборалар изофа занжири деб юритилади.

Гоҳо изофада музофнинг ёки музоф илайҳининг ўзига яраша мослашган аниқловчиси ҳам бор бўлиши мумкин. Агар музофнинг мослашган аниқловчиси мавжуд бўлса, у музоф илайҳидан кейин келади:

لِبَاسُ الْفَلَّاحِ الْجَدِيدِ – деҳқоннинг янги кийими,

غُرْفَةُ الطَّالِبِ الْوَّاسِعَةِ – талабанинг кенг хонаси.

Музофнинг мослашган аниқловчиси ўзидан олдин келадиган аниқловчи бўлганида ҳам у музоф илайҳидан кейин келади. Масалан:

لِبَاسُ الْفَلَّاحِ هَذَا – деҳқоннинг бу кийими,

غُرْفَةُ الطَّالِبِ تِلْكَ – талабанинг ўша хонаси:

Агар мослашган аниқловчи музоф илайҳига тегишли бўлса, у умумий қоида бўйича ифодаланади. Масалан:

لِبَاسُ هَذَا الْفَلَّاحِ – Бу деҳқоннинг кийими...

غُرْفَةُ ذَلِكَ الطَّالِبِ – Ўша талабанинг хонаси... .

Агар изофада ҳам музоф, ҳам музоф илайҳи мослашган аниқловчига эга бўлса, аввал изофа, сўнг музоф илайҳининг, ундан сўнг музофнинг мослашган аниқловчилари келади. Масалан:

دَفْتَرُ الطَّالِبِ الْمُجْتَهِدِ الْجَدِيدِ – Тиришқоқ талабанинг янги дафтари.

مِحْفَظَةُ التَّلْمِيذَاتِ الْعَاقِلَاتِ هَذِهِ – Ақлли ўқувчи қизларнинг бу портфели.

Изофа билан келган мослашган аниқловчилар, хусусан музоф билан музоф илайҳининг жинси бир хил бўлса ёки изофа занжири бўлганида кўп чалкашликларга сабаб бўлади. Шунинг учун бундай изофа бирикмаси ل فِي، بИ каби предлоглар ёрдамида изофа бўлмаган бирикмаларга айлантириб юборилади. Масалан:

Изофа – رِئَاسَةُ مَجْلِسِ الْجُمْهُورِيَّةِ الْجَدِيدَةِ الْأَعْلَى – янги республиканинг Олий мажлиси раёсати.

Изофа эмас – رِئَاسَةُ الْمَجْلِسِ الْأَعْلَى لِلْجُمْهُورِيَّةِ الْجَدِيدَةِ – янги республиканинг Олий мажлиси раёсати.

Изофа – كِتَابُ الدِّينِ الْإِسْلَامِيِّ الْمُقَدَّسُ – Ислом динининг муқаддас китоби.

Изофа эмас – الْكِتَابُ الْمُقَدَّسُ لِلدِّينِ الْإِسْلَامِيِّ – Ислом динининг муқаддас китоби.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*81-машқ. Қуйидаги сўзлардан изофа ҳосил қилинг ва маъносини тушунтиринг:*

1. Мактаб, ҳовли. 2. Факультет, бино. 3. Фотима, пальто. 4. Аҳмад, китоб. 5. Китоб, саҳифа. 6. Университет, ўқитувчилар. 7. Дехқон (мз.), уй. 8. Уй, эшик. 9. Ёзувчи, китоб. 10. Мактаб, кутубхона. 11. Ўқувчилар, столлар. 12. Фабрика, ишчилар. 13. Толиба қиз, ўртоқ. 14. Декан, хона. 15. Араб тили, дарс. 16. Самарқанд, музлаткич. 17. Тошкент, денгиз. 18. Наманган, олма. 19. Салим, бобо. 20. Завод, ишчи. 21. Фабрика, ишчи (мн.). 22. Ўқувчи, ота. 23. Салима, ини. 24. Ўзбекистон, санъаткор (мз.). 25. Фотима, қайнота.

*82-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:*

Ёш болалар; қимматбаҳо автомобиллар; кулранг костюм; тарқалиб кетган гап; онда-сонда; бир илож қилиб; албатта; бор овоз билан; зудлик билан; яна кўришгунча; қуёш нурлари; кўпинча; қандсиз қаҳва; кўришгунча; қайта; янги мактаб; эски бино; кўрқинчли қамокхона; сўнгги видолашув; мовий осмон; катта хайкал; қора қалам; бадий китоблар; иккинчи қайтиш; гўзал Наманган; янги шеърлар; охириги йиллар.

83-машқ. Қуйидаги изофаларнинг ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) طالب الجامعة.
- 2) تلميذة المدرسة.
- 3) بدلة الشاب.
- 4) فستان الشابة.
- 5) طلاب القسم العربي.
- 6) فلاحات القرية المجتهدات.
- 7) غرفة أستاذ الكلية.
- 8) مبنى جامعة غنغان.
- 9) يد الفلاح الذهبية.
- 10) طالبات السنة الأولى.
- 11) كلية اللغات الشرقية.
- 12) غرفة الدرس.
- 13) باب الغرفة الكبير.
- 14) نافذة الغرفة الصغيرة.
- 15) نافذتا البيت المفتوحتان.
- 16) طالبات الكلية الجديدة الشيطات.
- 17) معلمو المدرسة الجديدة.
- 18) مترجمو اللغة العربية.
- 19) ملاحو البحر الأحمر المجتهدون.
- 20) أخو محمود الأكبر.
- 21) سيارة الموظف القديمة.
- 22) جامعة غنغان الجديدة.
- 23) كلية العلوم الشرقية.
- 24) من طالبى الكلية.
- 25) إلى مؤرخى الجامعة المشهورين.

84-машқ. Қуйидаги бирикмаларни арабчага ўғиринг:

1. Қишлоқ оқшоми.
2. Тоғ ҳавоси.
3. Ўрмон дарахтлари.
4. Ўқитувчининг қизил қалами.
5. Денгизчининг костюми.
6. Университетнинг янги ўқитувчиси (мз.).
7. Янги университетнинг ўқитувчиси (мз.).
8. Ўқувчининг (мз.) иккита кўли.
9. Ўқитувчининг (мн.) иккита китоби.
10. Студентнинг (мн.) янги столи.
11. Институтнинг тиришқоқ талабалари.
12. Шаҳарнинг боғида.
13. Шаҳарнинг гўзал боғидан.
14. Гўзал шаҳарнинг боғига.
15. Ишчиларнинг фарзандлари.
16. Фаол ишчиларнинг тиришқоқ фарзандлари.
17. Ўша кўчанинг номи.
18. Бу шаҳарнинг эски номи.
19. Завод директори.
20. Фабриканинг ишчи аёллари ҳақида.
21. Ўқитувчилар хонаси.
22. Ўқитувчиларнинг янги хонаси.
23. Университет ўқитувчиларининг хонаси.
24. Иккита тарих ўқитувчиси билан бирга.
25. Янги факультетнинг кутубхонасига.
26. Факультетнинг янги кутубхонаси рўпара-сида.

## § 36. ИЗОФАНИНГ ВАЗИФАСИ

Юқорида кўрганимиздек, изофа бир предметнинг иккинчи предметга (шахсга) тегишли ёки мансуб эканлигини билдиради ва у ўзбек тилида қараткич келишиги билдирган маънога мосдир. Масалан:

غُرْفَةُ الطَّالِبِ - талабанинг хонаси,

بَابُ الْمَعْهَدِ - институт эшиги,

حَدِيقَةُ الْمَدِينَةِ - шаҳар парки.

Бундан ташқари изофа яна қуйидаги грамматик маъноларни ифодалаши мумкин:

1. Предметнинг ишланган материални билдиради. Бунда предмет музоф, предмет ишланган материал музоф илайҳи ўрнида келади:

بَيْتُ خَشَبٍ - ёғоч уй,

سَاعَةٌ ذَهَبٍ - олтин соат,

رِيشَةٌ فُؤَادٍ - пўлат перо.

2. «Нил дарёси», «Ўзбекистон жумҳурияти» каби изоҳловчи-изоҳланмиш муносабатини ифодалайди. Бунда изоҳловчи музоф, изоҳланмиш музоф илайҳи ўрнида келади. Масалан:

نَهْرُ دَجَلَةَ - Дажла дарёси,

مَدِينَةُ طَرَابُلُسَ - Триполи шаҳри.

صَحِيفَةُ الْأَهْرَامِ - «Ал-аҳром» газетаси,

مَجَلَّةُ الرِّيَاضَةِ - «Ар-рийода» журнали.

3. Бутуннинг қисмини ифодалайди. Бунда جمع - барча, عِدَّةٌ - бир неча, شَيْءٌ - барча, بَعْضٌ - айрим, كُلٌّ -

хамма, ҳар бир каби еўзлар музоф, бутунни ифодаловчи сўз эса кўпликда музоф илайҳи бўлиб келади. Масалан:

بَعْضُ الْكُتُبِ – баъзи китоблар,

شَيْءُ الْمَيَادِينِ – барча соҳалар,

عِدَّةُ أَقْسَامٍ – бир неча қисмлар,

كُلُّ الطُّلَّابِ – барча талабалар.

Эслатма. Агар музоф илайҳи кўпликда ва аниқ ҳолатда бўлса, **كُلُّ** сўзи «барча», «ҳамма», музоф илайҳи бирликда ва ноаниқ ҳолатда бўлса, «ҳар бир» сўзи маъносини билдиради. Масалан:

كُلُّ النَّاسِ – барча одамлар,

كُلُّ إِنْسَانٍ – ҳар бир инсон.

4. Агар музоф ўтимли феълдан шаклланган сифатдош ёки ҳаракат номидан иборат бўлса, музоф илайҳи шу сифатдош ёки ҳаракат номининг воситасиз тўлдирувчисини билдиради. Масалан:

شُرْبُ الْمَاءِ – сув(ни) ичиш,

تَطْوِيرُ الْعِلَاقَةِ – алоқани ривожлантириш,

مُفَسِّرُ الْقُرْآنِ – Қуръонни тафсир қилувчи.

5. Баъзан музоф илайҳи иш-ҳаракатнинг ёки отнинг пайтини билдириши мумкин. Масалан:

عُطْلَةُ الشِّتَاءِ – кишки каникул,

رِحْلَةُ الشِّتَاءِ وَالصَّيْفِ – кишки ва ёзги саёҳат,

إِذَاعَةُ الْمَسَاءِ – оқшомги эшиттириш.

6. Гоҳо музоф ўрнида сифат ёки сифат вазифасидаги бошқа сўз келиши мумкин. Бундай изофадаги музоф

илайҳи ўша сифат билдирган белгининг доирасини чегаралаб келади. Масалан:

طَوِيلُ الْقَامَةِ – қомати узун (узун қоматли),

حَسَنُ الْوَجْهِ – юзи чиройли (гўзал юзли),

حَسَنُ الْخُلُقِ – хулқи чиройли (чиройли хулқли).

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, юқоридаги изофаларнинг ўзи бутунлигича қандай, қанақа саволларига жавоб бўлади ва бошқа бирор отнинг аниқловчиси бўлиб келади. Шунинг учун бу изофанинг музофи ўзидан олдин аниқланмиш бўлиб келган от билан жинсда, сонда, келишиқда мослашади.

Изофадан олдинги от музаккар бўлса, қуйидагича турланади:

№	Келишиқлар	Бирлик	Иккилик	Кўплик
1	Бош кел.	رَجُلٌ طَوِيلٌ الْقَامَةِ	رَجُلَانِ طَوِيلَا الْقَامَةِ	رِجَالٌ طَوَالٌ الْقَامَةِ
2	Қаратқич кел.	رَجُلٍ طَوِيلٍ الْقَامَةِ	رَجُلَيْنِ طَوِيلَيِ الْقَامَةِ	رِجَالٍ طَوَالٍ الْقَامَةِ
3	Тушум кел.	رَجُلًا طَوِيلًا الْقَامَةِ	رَجُلَيْنِ طَوِيلَيِ الْقَامَةِ	رِجَالًا طَوَالًا الْقَامَةِ

Изофадан олдинги от муаннас бўлса, қуйидагича турланади:

№	Келишиқлар	Бирлик	Иккилик	Кўплик
1	Бош кел.	شَابَةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةِ	شَابَتَانِ طَوِيلَتَا الْقَامَةِ	شَابَاتٌ طَوِيلَاتُ الْقَامَةِ
2	Қаратқич кел.	شَابَةٍ طَوِيلَةٍ الْقَامَةِ	شَابَتَيْنِ طَوِيلَتَيِ الْقَامَةِ	شَابَاتٍ طَوِيلَاتٍ الْقَامَةِ
3	Тушум кел.	شَابَةً طَوِيلَةً الْقَامَةِ	شَابَتَيْنِ طَوِيلَتَيِ الْقَامَةِ	شَابَاتٍ طَوِيلَاتٍ الْقَامَةِ

Бу маънодаги изофанинг бошқаларидан фарқи шуки, ўзидан олдинги от аниқ ҳолатда бўлса, изофанинг музофи ҳам ал артиклини қабул қилиши керак. Масалан:

الرَّجُلُ الطَّوِيلُ الْقَامَةُ → رَجُلٌ طَوِيلٌ الْقَامَةُ

الشَّابَّةُ الطَّوِيلَةُ الْقَامَةُ → شَابَّةٌ طَوِيلَةٌ الْقَامَةُ

### Амалий машғулот учун топшириқлар

85-машқ. Қуйидаги ибораларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) كل الطالبات. 2) جميع المدن. 3) مجلة الثقافة الوطنية. 4) في صحيفة الجمهورية. 5) من إذاعة صوت العرب. 6) قراءة القرآن الكريم. 7) من عدة أيام. 8) الصديق الحسن الخلق. 9) إلى مدينة دمشق. 10) في بعض الكليات. 11) تلميذة قصيرة القامة. 12) شابة سوداء العينين. 13) شابان حسنا الوجه. 14) جمهورية أوزبكستان. 15) من كل امرأة. 16) دبلة ذهب. 17) إذاعة الصباح. 18) رجل عربي الأصل. 19) في نهر النيل. 20) من جميع الطلاب والطالبات. 21) جريدة المساء اللبنانية. 22) مجلة السعادة الأوزبكية.

86-машқ. Музоф қисмини бирлик, иккилик ва кўплик вариантларида олган ҳолда қуйидаги ибораларни арабчага ўғиринг:

1. Университетнинг тиришқоқ студенти (мз.). 2. Бўйи узун деҳқон аёл. 3. Шаҳарнинг иккита чиройли паркидан. 4. Биринчи курснинг янги талабасига (мз.). 5. Араб

тили ўқитувчисидан (мн.). 6. Бу араб дехконининг инисида. 7. Ҳавоси яхши қишлоқ. 8. Кўп қаватли уйда. 9. Серсув шаҳардан. 10. Гўзал юзли киз.

*87-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Ҳар бир инсонда ақл бор. 2. Факультет профессорининг хонаси ўша бинодадир. 3. Ўқитувчининг янги квартираси шаҳар ташқарисидадир. 4. Тарих ўқитувчисининг янги қора машинаси бор. 5. Ўша эски заводнинг инженери тиришқоқ йигитдир. 6. Дехконнинг (мз.) янги костюми жундандир. 7. Айрим қадимий китобларда фойдали гаплар бор. 8. Қоҳира шаҳри Миср пойтахтидир. 9. Бўйи узун инженерда (мз.) иккита янги журнал бор. 10. Қора кўз толибалар аудиторияда кўпдирлар. 11. Иккита хулқи яхши таржимон (мз.) Наманган шаҳридан. 12. Нил дарёсининг суви чучукдир. 13. Тошкент денгизида бир неча кемалар бор. 14. Наманган университетининг талабалари барча шаҳар ва қишлоқлардан. 15. Марказий Осиё ўлкалари чиройли ва серсувдир. 16. Баланд фонтан қаршисида катта уй бор. 17. Меҳмонларни кутиб олиш муҳим ишдир. 18. Икки мамлакат ўртасидаги алоқани ривожлантириш икки томон учун фойдалидир. 19. Толиба қиз холасининг ўғли денгизчидир. 20. Барча араб ва инглиз тили ўқитувчилари бошлиқ хонасидадирлар. 21. Ўзбекистон жумҳурияси мустақил республикадир.

*88-машқ. Қуйидаги гап ва ибораларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:*

1) صاروخ ذوأجنحة. 2) المحرك ذوالاحتراق الداخلي منتشر جداً في العالم.  
3) وادي فرغانة واد ذوزرع. 4) مدرسو كليتنا ذوالعقل والأخلاق الحسنة.

5) تذكرة هذه السينما ذات أشكال متعددة. 6) الشابة ذات الشعر الرمادي من طشقند. 7) هذه النصيحة من الرجال ذوى الفهم والعقل. 8) تلك الهدايا الثمينة للأمهات ذوات الأولاد الصغار. 9) هاتان الضيفتان ذواتا الشرف والاحترام من جامعة القاهرة. 10) عليشير نوائي شاعر ذواللسانين. 11) في البلد كثير من الشعراء ذوى اللسانين الأوزبكي والتاجكي. 12) في ذلك الكتاب الجديد عدد كبير من الصور ذات الألوان. 13) أحد الأقارب مشترك في المباراة الرياضية ذات الأهمية الكبيرة. 14) ذووالعقل عقلاء. 15) هؤلاء الناس ذووالأموال. 16) تانك المدرستان ذواتا خلق حسن. 17) هذه الفكرة الجميلة من التلميذات ذوات الذكاء.

### § 37. ҚЎШИЛИБ ЁЗИЛУВЧИ – БИРИКМА ОЛМОШЛАР

Кишилик олмошларининг иккинчи тури бирикма олмошлар дейилади ва улар у ёки бу сўздан кейин шу сўзга қўшиб ёзилади. Бирикма олмошлар қайси сўзга қўшилиб келганига боғлиқ ҳолда ўзбек тилидаги бош келишикдан бошқа бешта келишикдаги кишилик олмошларидан бирини билдиради (масалан: менда, сендан, унинг, уларга, бизни ва ҳ.з.).

Бирикма олмошлар отга, предлогларга, феълга ва юкламаларга қўшилиб келиши мумкин.

Бирикма олмошлар қуйидаги шаклга эга:

Шахс	Жинс	Бирлик		Иккилик		Кўплик	
		аж.олм.	қўш.олм.	аж.олм.	қўш.олм.	аж.олм.	қўш.олм.
III	МЗ	هُوَ	هُ —	هُمَا	هُمَا —	هُم	هُم —
	МН	هِيَ	هَا —	هُمَا	هُمَا —	هُنَّ	هُنَّ —
 قَبِيلَةٌ қабила  
 قِيمَةٌ қиймат  
 I كَشَفَ (u) кашф этмок,  
 ихтиро этмок  
 كَيْسٌ кўп. أَكْيَاسٌ коп, халта  
 I لَجَأَ (a) ўтмок (إِلَى)  
 لَجَأَ إِلَى الْاِسْتِبْدَالِ алмашти-  
 ришга ўтмок  
 مَا нима бўлса, ўша

مَا قَرَأْتُ нимани ўқиган  
 бўлсам, ўша; мен ўқиган  
 нарса  
 I مَاتَ (y) ўлмок  
 مَحْدُودٌ маълум, чекланган  
 I مَضَى (u) ўтмок, ўтиб  
 кетмок  
 فِي ~ فِي مُقَابَلِ эваз; унинг  
 эвазига  
 I مَلَكَ (u) эга бўлмок  
 مُنْتَجَاتٌ маҳсулотлар  
 نُقُودٌ кўп. نُقْدٌ пул  
 نَقَلَ ташиш, элтиш  
 وَأَخِيرًا ва ниҳоят  
 I وَتَقَّ (u) ишонмок  
 I وَدَّ (a) хоҳламок, истамок  
 وَزَنَ тортиш (тарозида);  
 оғирлик, вазн  
 وَزَنَ مِنَ الذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ маълум  
 оғирликдаги олтин ва  
 кумуш

## § 63. I БОБ ФЕЪЛИНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ

Буйрук майлидаги феъл II ва III шахсда буйрук, илтимос маъноларини билдиради (ўқи, ўқинг, ўқисин,

ўқисинлар каби), I шахсда эса хоҳиш, истак маъноларини ифодалайди (ўқий, ўқийлик каби).

Буйруқ майли араб тилида **الْأمر** деб юритилади ва у шарт майли асосида ясалади.

II шахс учун буйруқ майли шарт майли олдидаги **ن** кўшимчасини олиб ташлаш йўли билан ҳосил қилинади. Бунда сўз бошидаги ёнма-ён турган ва бир бўғин ичидаги иккита ундош товуш улар олдида васлани ҳамзани кўйиш билан икки бўғинга ажратилади. Масалан:

أَفْتَحُ → فَتَحُ → تَفْتَحُ → يَفْتَحُ → فَتَحَ .  
أَدْخُلُ → دَخُلْ → تَدْخُلُ → يَدْخُلُ → دَخَلَ .  
أَجْلِسُ → جَلِسْ → تَجْلِسُ → يَجْلِسُ → جَلَسَ .

Буйруқ майлидаги феъл гапнинг бошида келганида ёки алоҳида олинган сўз бўлса, васлани ҳамзанинг ҳаракати феълнинг иккинчи ўзак ундоши ҳаракатига боғлиқ. Агар иккинчи ўзак ундошнинг ҳаракати — бўлса, васлани ҳамза — ўқилади. Масалан:

أَدْخُلُ → أَدْخُلْ — кир, أَكْتُبُ → أَكْتُبْ — ёз.

Агар феълдаги иккинчи ўзак ундошнинг ҳаракати — ёки — бўлса, васлани ҳамза — ҳаракатини олади. Масалан: أَفْتَحُ → افْتَحْ — оч, أَجْلِسُ → اجْلِسْ — ўтир.

Агар буйруқ майлидаги феъл гапнинг ўртасида бўлса ва ундан олдиндаги сўз унли товуш билан тугаган бўлса, васлани ҳамза талаффуз қондасига биноан ёзилади, лекин ўқилмайди. Масалан:

قُلْتُ أَجْلِسْ — Қулту-жлис — Ўтир дедим,

قَالَ أَدْخُلْ – Қала-дхул – Кир деди.

II шахс буйруқ майли сон ва жинсда қуйидагича тусланади:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَدْخُلْ	أَدْخُلَا	أَدْخُلُوا
МН	أَدْخُلِي	أَدْخُلَا	أَدْخُلْنَ

Буйруқ майлининг I ва III шахслари феълларнинг барча бобларида шу шахсдаги феълнинг шарт майли олдига ل юкламасини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: لِيَدْخُلْ – кирсин, لِنَدْخُلْ – кирайлик.

Агар ل юкламасидан олдин وَ ёки فَ - ёрдамчи сўзлари мавжуд бўлса, ل юкламасидаги «касра» ҳаракати сукунга ўзгаради. Масалан: وَيَكْتُبْ – ёзсин, فَلْيَسْأَلْ – сўрасин.

Демак, буйруқ майли шахс-сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	لِيَفْعَلْ	لِيَفْعَلَا	لِيَفْعَلُوا
	МН	لَتَفْعَلْ	لَتَفْعَلَا	لِيَفْعَلْنَ
II	МЗ	أَفْعَلْ	أَفْعَلَا	أَفْعَلُوا
	МН	أَفْعَلِي	أَفْعَلَا	أَفْعَلْنَ
I	МЗ МН	لَأَفْعَلْ		لَتَفْعَلْ

Ҳамма шахслар учун буйруқ майлининг инкор шакли шарт майли олдига *لَا* юкламасини кўшиш билан ҳосил қилинади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	لَا يَفْعَلُ	لَا يَفْعَلَا	لَا يَفْعَلُوا
	МН	لَا تَفْعَلُ	لَا تَفْعَلَا	لَا يَفْعَلْنَ
II	МЗ	لَا تَفْعَلُ	لَا تَفْعَلَا	لَا تَفْعَلُوا
	МН	لَا تَفْعَلِي	لَا تَفْعَلَا	لَا تَفْعَلْنَ
I	МЗ МН	لَا أَفْعَلُ		لَا نَفْعَلُ

Масалан:

لَا يَكْتُبُوا – улар (мз) ёзмасинлар,

لَا تَجْلِسِي – сен (мн) ўтирма,

لَا نَذْهَبُ – кетмайлик.

Баъзан, III шахсга нисбатан буйруқ майли ўрнига ўтган замон феъли ҳам ишлатилиши мумкин. Масалан:

عَاشَ السَّلَامُ – Яшасин тинчлик.

طَابَتْ لَيْلَتُكُمْ – Тунингиз хайрли бўлсин.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

184-машқ. Қуйидаги феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилинг ва уларни ҳар уч шахсда тусланг:

خَرَجَ (y) - чиқмоқ; عَلِمَ (a) - билмоқ; شَرِبَ (a) - ичмоқ;  
دَخَلَ (y) - кирмоқ; نَزَلَ (u) - тушмоқ; فَتَحَ (a) - очмоқ; ذَهَبَ (a)

- бормок; جَلَسَ (u) - ўтирмак; حَسُنَ (y) - яхши бўлмак; عَرَفَ (u) - танимок; قَرُبَ (y) - яқинлашмок; كَتَبَ (y) - ёзмак; فَهِمَ (a) - тушунмок; سَمِعَ (a) - эшитмок; نَظَرَ (y) - қарамок; حَزَمَ (u) - боғламак; سَمَحَ (a) - рухсат бермок; قَطَعَ (a) - кесмок; رَكِبَ (a) - минмок; غَضِبَ (a) - газабланмок; ضَرَبَ (u) - урмак.

185-машқ. Буйруқ майлидаги ушбу феълларнинг инкор шаклини топинг ва ўзбекчага ўгиринг:

Масалан: انظُرْ → لا تَنْظُرْ - қараманг (мз.)

- 1) انْهَضْ 2) لِيَسْلُوا 3) لِنَلْعَبَ 4) اذْرُسُوا 5) لِيَقْصُدَنَّ 6) اسْمَعَا  
 7) ارْجِعِي 8) لِنَتَلَّبْ 9) لِنَلْبَسَا 10) لِأَضْرِبَ 11) لِيَدْخُلْنَ 12) افْتَحِي  
 13) اجْلِسْ 14) اغْرِفْنَ 15) اكْتُبُوا 16) لِأَذْهَبَ 17) احْسِنُوا 18) لِيَقْرُبَنَّ  
 19) لِنَفْهَمَ 20) اعْلَمُوا 21) اخْرُجَا 22) لِيَشْرَبَا 23) لِنَنْزِلَ

186-машқ. Ўтган замон шакли қуйидаги феълларнинг шахс-сонини ўзгартирмаган ҳолда буйруқ майлини ҳосил қилинг:

Масалан: لِيَخْرُجُوا → خَرَجُوا

- 1) رَجَعْتُ 2) طَلَبْنَا 3) دَرَسْتُ 4) لَبَسْنَا 5) غَسَلْتُمَا  
 6) عَرَفْنَا 7) كَتَبَا 8) سَمِعَ 9) نَهَضْنَا 10) لَعَبْتُ  
 11) فَهِمْنَا 12) عَلِمُوا 13) دَخَلَا 14) فَتَحْنَا 15) جَلَسْتُمْ  
 16) شَرَبْنَا 17) نَزَلْنَا 18) ذَهَبْنَا 19) حَسَبْتُمْ 20) قَرَبْتُ

*187-машқ. Қуйидаги феълларни олмошлар иштирокисиз арабчага ўғиринг:*

Очинг ва киринг (мн.); у иккиси чиқсин ва кетсин (мз); ўқийлик ва тушунайлик; улар (мн.) уйғонсинлар ва йўл олсинлар; ғазабланманглар, балки рухсат беринглар (мн.); талаб қилайлик, лекин урмайлик; ёзинг ва тушунинг (мз.); у иккиси ўйнасин, лекин ичмасин (мз.); чиқайлик ва кетайлик; ўтирсинлар ва эшитсинлар (мз.); қаранглар, лекин ғазабланманглар (мн.); тушсин ва кирсин (мн.); урмасинлар, балки кетсинлар (мз.); у иккиси чиқмасин, балки ўтирсин (мз.).

*188-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Дўстим, ёнимга ўтиринг. 2. Синглим, бу мактубни диққат билан ўқинг. 3. Толиба қизлар, аудиториянинг деразаларини очманглар. 4. Болалар, пешиндан кейин ҳовлида ўйнанглар. 5. Талабалар, ҳар куни араб мамлакатлари радиоэшиттиришларини тингланглар. 6. Араб бўлими толибалари, китобингизни очинглар ва ундаги матнни ўқинглар. 7. Деразадан мана бу ажойиб манзарага қаранглар (мз.). 8. Эрталаб ҳар куни сутли ва қандли қахва ёки кўк чой ичайлик, лекин совуқ сув ичмайлик. 9. Бу қийин масалани ўрган ва яхшилаб тушун (мн.). 10. Бу хонага кирманглар, балки уйлариңизга кетинглар (мн.).

## **§ 64. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ**

Нотўғри феълларнинг ҳам I ва III шахсдаги буйруқ майли биз юқорида кўргандек, шарт майли олдига ↓ юкламасини кўйиш билан ҳосил қилиниши сабабли

куйида фақат II шахсга тегишли бўлган майлгагина тўхталинади.

1. Иккинчи ўзак ундоши — бўлган иккиланган феъллардан буйруқ майли тўрт вариантда ясалади.

Масалан: دَلَّ (y) – феъли

1-вариант

2-вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَدَّلَ	أَدَلَّا	أَدَّلُوا	دَلُّ	دَلَّا	دَلُّوا
МН	أَدَّلِي	أَدَلَّا	أَدَّلْنَن	دَلِّي	دَلَّا	أَدَّلْنَن

3-вариант

4-вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	دَلَّ	دَلَّا	دَلُّوا	دَلُّ	دَلَّا	دَلُّوا
МН	دَلِّي	دَلَّا	أَدَّلْنَن	دَلِّي	دَلَّا	أَدَّلْنَن

Иккинчи ўзак ундоши — ёки — бўлган феъллардан буйруқ майли уч вариантда ҳосил бўлади.

Масалан: فَرَّ (и) – феъли

1 - вариант

2 – вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَفَرَّ	أَفَرَّا	أَفَرُّوا	فَرَّ	فَرَّا	فَرُّوا
МН	أَفَرِّي	أَفَرَّا	أَفَرْرَن	فَرِّي	فَرَّا	أَفَرْرَن

## 3 – вариант

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	فَرَّ	فَرَا	فَرُوا
МН	فَرَّي	فَرَا	أَفَرَرْنَ

## II. Ҳамзали феъллар қуйидагича тусланади:

Биринчи ўзак ундоши ҳамзадан иборат бўлган феъллардан қуйидагича ҳосил бўлади: Масалан: أَذِنَ (а) – рухсат бермоқ феъли: يَأْذَنُ → تَأْذَنُ → إِنْذَنُ → اِيذَنُ .

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	<u>أَنْذَنُ</u>	أَنْذَنَا	أَنْذَنُوا
МН	أَنْذَنِي	أَنْذَنَا	أَنْذَنَ

أَوْمَلُ → أَوْمَلُ → تَأْمَلُ → يَأْمَلُ (у) – умид қилмоқ феъли:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَوْمَلُ	أَوْمَلَا	أَوْمَلُوا
МН	أَوْمَلِي	أَوْمَلَا	أَوْمَلْنَ

Бундай феъллардан фақат учта феълнинг буйруқ майли ҳамзасиз ҳосил бўлади: أَخَذَ (у) – олмоқ → خَذَ , أَكَلَ (у) – емоқ → كُلَّ , أَمَرَ (у) – буюрмоқ → مَرَّ .

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	خَذَ	خَذَا	خَذُوا
МН	خَذِي	خَذَا	خَذْنَ

Иккинчи ёки учинчи ўзак ундошлари ҳамзадан иборат бўлган феълларнинг буйруқ майли, ҳамзанинг имлосини эътиборга олмаганда, солим феъллардан фарқ қилмайди.

III. Заиф феълларнинг буйруқ майли:

1. Солимсифат феълларнинг буйруқ майли ҳозирги-келаси замонда биринчи ўзак ундошнинг тушиш-тушмаслигига қараб, икки хил ҳосил бўлади:

а) биринчи ўзак ундош тушиб қолса, буйруқ майлида ҳам тушиб қолади. Масалан: وَتَّقَ (и) – ишонмоқ феъли:

تَقُّ → تَتَّقُ → تَتَّقُوا → يَتَّقُوا .

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	تَقُّ	تَتَّقَا	تَتَّقُوا
МН	تَتَّقِي	تَتَّقَا	تَتَّقِنَ

б) биринчи ўзак ундош тушмаса, буйруқ майли солим феълларнинг буйруқ майлидан фарқ қилмайди. Масалан: وَجَعَ (а) – оғрикни сезмоқ феъли.

أَوْجَعُ → تَوْجَعُ → تَوْجَعُوا → يَوْجَعُ .

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَوْجَعُ	أَوْجَعَا	أَوْجَعُوا
МН	أَوْجَعِي	أَوْجَعَا	أَوْجَعْنَ

2. Ажваф феълларнинг буйруқ майли ҳам шарт майли асосида қуйидагича ҳосил бўлади:

قَالَ (y) - типидаги феъллар-  
нинг тусланиши:

سَارَ (и)- типидаги феъллар-  
нинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	قَالَ	قَوْلًا	قُولُوا	سَرَ	سِرًا	سِرُوا
МН	قَوْلِي	قَوْلًا	قُلْنِ	سِرِي	سِرًا	سِرْنِ

خَافَ (a) – типидаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	خَفَ	خَافَا	خَافُوا
МН	خَافِي	خَافَا	خَفْنِ

3. Ноқис феълларнинг буйруқ майли феъл типла-  
рига боғлиқ ҳолда қуйидагича бўлади:

بَكَى (и) типидаги

بَدَا (y) типидпги

феълларнинг тусланиши: феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	بَكَى	بَكَيَا	بَكَوْا	بَدَأَ	بَدَآوَا	بَدَآوْا
МН	بَكَيى	بَكَيَا	بَكَيْنِ	بَدَأْنِ	بَدَآوَا	بَدَآيْنِ

أَلْفَى (a) типидпги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَلْفَى	أَلْفَيَا	أَلْفَوْا
МН	أَلْفَى	أَلْفَيَا	أَلْفَيْنِ

## Амалий машғулот учун топшириқлар

189-машқ. Қуйидаги феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилинг ва уларни ҳар уч шахсда тусланг:

طَابَ (u) - яхши бўлмоқ; رَأَسَ (a) - бошқармоқ; مَاتَ (y) - ўлмоқ; دَارَ (y) - айланмоқ; أَمَرَ (y) - буюрмоқ; لَقِيَ (a) - учратмоқ; وَجَدَ (u) - топмоқ; قَرَأَ (a) - ўқимоқ; مَدَّ (y) - чўзмоқ; وَثِقَ (u) - ишонмоқ; مَرَّ (y) - ўтмоқ; وَصَلَ (u) - етиб келмоқ; بَدَأَ (a) - бошламоқ; بَقِيَ (a) - қолмоқ; بَكَى (u) - йиғламоқ; وَهَبَ (a) - бермоқ; سَأَلَ (a) - сўрамоқ; عَاشَ (u) - яшамоқ; وَوَلَدَ (u) - туғмоқ; رَمَى (u) - отмоқ; بَنَى (u) - қурмоқ; قَالَ (y) - демок; خَافَ (a) - қўрқмоқ; وَضَعَ (a) - қўймоқ; أَكَلَ (y) - овқатланмоқ.

190-машқ. Қуйидаги буйруқ майли феълларининг ўз-гину ва шахс-сонини аниқланг:

Масалан, لِيَكُونُوا → (كون), III шахс, кўплик, мз.

1 قَوْمِي	2 خُذِي	3 الْقَيْنَ	4 ارْمِي	5 ادثُوا	6 لِنَطِبْ
7 عَشْ	8 صِلَا	9 لِيَتَّقُوا	10 خَافِي	11 لِيَسِرْنَ	12 فِرَّ
13 كُنْ	14 هَبْ	15 لِنَبِنَ	16 ادثُوا	17 دُورَا	18 لَتَكُونَا
19 لِيَمُتْ	20 لِدَنَّ	21 اوْجَعْ	22 ابْكِ	23 لِيَقْلَنَّ	24 لِنَقْضِ
25 اَنْدَنَّ	26 مُرُوا	27 اَبْدُوا	28 ابْنِي	29 اَقْرَبِي	30 ضَعِي
	31 عِدُوا	32 ثَبَا			

*191-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариант-ни топинг ва улар иштирокида гап тузинг:*

Маданият уйи; юртимизнинг яшил тоғлари; Шарқ-шунослик институти; кун бўйи; бир пиёла қандсиз қах-ва; араб тилининг қийинлиги; пешиндан кейин; дўстларимиздан бири; Сувайш канали; уч соатда; эрта тонгда; катта раҳмат; Тошкентдаги санъат музейи; факультет биноси; қайтишимиз хақидаги хабар; севимли Ўзбекистон; Бухорога саёхат; тушликдан олдин; мамнуният билан; кўпинча; замонавий қулайликлар; дарахтлар билан тўла тоғлар; икки ҳафта давомида; кишки таътил; енгил автомобиль; темир йўл; айна пайтда.

*192-машқ. Қуйидаги феълларни олмошлар иштирокисиз арабчага ўгиринг:*

Енглар ва ичинглар (мз.); олинг ва ўқинг (мн.); кетсин, яқинлаш-масин (мз.); у иккиси курсин ва яшасин (мз.); ўлмайлик, балки яшайлик; умид қилайин; очинг ва ёзинг (мз.); кетманг, қолинг (мн.); ваъда бермасинлар (мн.); демагин (мз.): «биз хоҳладик»; олсинлар ва ўйнасинлар (мз.); сиз иккинги қасос олинг (мз.); сиз рухсат беринг (мз.), кетайлик; кўркманг ва йигламанг (мн.); ёзсин ва ўқисин (мн.); буюринглар (мз.), биз бошлайлик.

*193-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўгиринг:*

1. Ўғлим, уйқудан уйғонинг ва уй вазифаларингизни бажаринг. 2. Синглингиз хонага кирсин ва нон билан сариёғни есин. 3. Яшасин тинч биргалиқда яшаш! 4. Тунингиз хайрли бўлсин, дўстларим. 5. Қалам ва дафтарларингизни портфелга солинг (мн.). 6. Фотимага айтинг-

лар (мз.), у кўп йиғламасин. 7. Каримага айтайлик, талабалар қишки таътилни уйларида ўтказишсин. 8. Устозим, кўлингизни менга чўзинг, ушлайин. 9. Болаларим, ота-боболаримизнинг қабрларини тез-тез зиёрат қилинглр, хурсанд бўласизлар. 10. Баланд тоғлар томон борайлик ва у ерда икки кун дам олайлик. 11. Меъморлар Самарқандга турли ўлкалардан келганлар. 12. Турли хил китобларни кўп ўқинглр (мз.), кўп нарсани биласизлар. 13. Амир Темур мақбарасига борайлик ва уни зиёрат қилайлик. 14. Меҳмонлар аввал Регистон майдонига боришсин, сўнг Улуғбек мадрасасига киришсин. 15. Агар сиз (мн.) Бухорога борсангиз, албатта Минораи калонни зиёрат қилинг.

## § 65. ИККИ ТОМОНЛАМА НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ БУЙРУҚ МАЙЛИ

1. Биринчи ва иккинчи ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар:

وَال (и) - типдаги  
феълларнинг тусланиши:

يَس (а) - типдаги  
феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	إِل	إِلَا	إِلْوَا	آيَأْسُ	آيَأَسَا	آيَأَسُوا
МН	إِلِي	إِلَا	إِلْن	آيَأَسِي	آيَأَسَا	آيَأَسْن

آب (у) - типдаги  
феълларнинг тусланиши:

إِد (и) - типдаги  
феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَب	أَوْبَا	أَوْبُوا	إِد	إِيدَا	إِيدُوا
МН	أَوْبِي	أَوْبَا	أَوْبْن	إِيدِي	إِيدَا	إِيدْن

2. Биринчи ва учинчи ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар:

أنى (и) – типдаги феълларнинг тусланиши:

وطني (а)- типдаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	إِت	إِتِيَا	إِيتُوا	طَأ	طَأ	طُؤُوا
МН	إِيتِي	إِيتِيَا	إِيتِيْنَ	طِنِي	طَأ	طَأْنَ

وفي (и) – типдаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	فِ (فِه)	فِيَا	فُؤَا
МН	فِي	فِيَا	فِيْنَ

Эслатма: Феълнинг буйруқ майли биргина ҳарфдан иборат бўлса, феъл охирига « ҳарфи қўшилиши мумкин.

Масалан: فِه ёки فِ .

3. Иккинчи ва учинчи ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар:

سَاء (y) - типдаги феълларнинг тусланиши:

جاء (и)- типдаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	سُو	سُوؤَا	سُوؤُوا	جِي	جِيْنَا	جِيْنَا
МН	سُوْنِي	سُوؤَا	سُوؤَنْ	جِيْنِي	جِيْنَا	جِيْنَنْ

رأى (a) - типидаги феълларнинг тусланиши:

سوى (a)- типидаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	رَ (رَة)	رَيَا	رَوَا	أَسُو	أَسُوِيَا	أَسُوُوَا
МН	رَى	رَيَا	رَيْنَ	أَسُوِي	أَسُوِيَا	أَسُوِيْنَ

شوى (и) – типидаги феълларнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	أَشُو	أَشُوِيَا	أَشُوُوَا
МН	أَشُوِي	أَشُوِيَا	أَشُوِيْنَ

Ҳар уч ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар:

أزى (и) - феълнинг тусланиши:

رأى (и)- феълнинг тусланиши:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
МЗ	إِيُو	إِيُوِيَا	إِيُوُوَا	إِ (إِة)	إِيَا	أُوَا
МН	إِيُوِي	إِيُوِيَا	إِيُوِيْنَ	إِي	إِيَا	إِيْنَ

### Амалий машғулот учун топшириқлар

194-машқ. Қуйидаги феълларнинг буйруқ майлини ҳосил қилинг:

يَسَّ (a) - умидсизланмоқ; أتى (и) - келмоқ; جاء (и) - келмоқ; وَفَى (и) - вафо қилмоқ; وَطَى (a) - топтамоқ; وَآل (и) - паноҳ сўрамоқ; رأى (a) - кўрмоқ; سَاءَ (y) - ёмон бўлмоқ.

195-машқ. Қуйидаги феълларни олмошлар иштирокисиз арабчага ўғиринг:

Келсин ва ковурсин (мн.); қолинглар ва ухланглар (мз.); умидсизликка тушмайлик; кетинг ва паноҳ сўранг (мз.); ваъда берсинлар ва вафо қилсинлар (мн.); кўркманг, балки умид қилинг (мн.).

196-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Муаллималар, мана бу ўқувчига қаранглар.
2. Дўстларингизга (мз.) айтинг, бу ерга келишсин ва гўшт билан картошкадан ейишсин.
3. Актёрларга рухсат берайлик, уйларига боришсин ва дамларини олишсин.
4. Синглим, йиғламанг, умидсизликка тушманг.
5. Қадимий шеърлардан ўқийлик.
6. Ўша ахмокона фикрдан кайтинг (мн.).

## § 66. I БОБ ФЕЪЛИНИНГ ИСТАК МАЙЛИ

Феълларнинг истак майли ҳозирги-келаси замон шаклидан ҳосил бўлади ва у шахс-сонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَفْعَلُ	يَفْعَلَا	يَفْعُلُوا
	МН	تَفْعَلُ	تَفْعَلَا	يَفْعَلْنَ
II	МЗ	تَفْعُلُ	تَفْعُلَا	تَفْعُلُوا
	МН	تَفْعُلِي	تَفْعُلَا	تَفْعُلْنَ
I	МЗ МН	أَفْعَلُ		تَفْعُلُ

Истак майли мажхул нисбатдаги феъллардан ҳам ҳосил бўлиши мумкин ва у ҳам умумий қоида асосида тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يُفْعَلُ	يُفْعَلَا	يُفْعَلُوا
	МН	تُفْعَلُ	تُفْعَلَا	يُفْعَلْنَ
II	МЗ	تُفْعَلُ	تُفْعَلَا	تُفْعَلُوا
	МН	تُفْعَلِي	تُفْعَلَا	تُفْعَلْنَ
I	МЗ МН	أُفْعِلُ		تُفْعَلُ

Истак майли қуйидаги вазифаларда ишлатилади:

1. Иш-ҳаракатни бажаришдан кўзланган мақсадни ифодалаш учун феълдан олдин **كَي** ёки **ل** юкламаси ишлатилади. **ل** юкламаси истак майлидаги феълга қўшиб ёзилади. Масалан:

**كَي أَفْهَمَ** – Тушунишим учун, тушунишим мақсадида.

**لَيَزُورُوا** – Улар (мз) зиёрат қилишлари учун, улар (мз) зиёрат қилсинлар деб.

Бу иборалар олдидан ўтган ёки ҳозирги-келаси замондаги феъл ҳам келиши мумкин. Масалан:

**أَسْمَعُ كَي أَفْهَمَ** – Тушунишим учун қулоқ соляпман.

**ذَهَبَ الطُّلَّابُ لَيَزُورُوا** – Талабалар зиёрат қилиш учун кетишди.

Баъзан ҳар икки юклама кўшилиб келиши мумкин ва у ҳам юқорида айтилган маънони ифодалаш учун ишлатилади. Масалан:

أَسْمَعُ لَكَ أَفْهَمَ – Тушунишим учун кулоқ соляпман.

Агар истак майлидаги феъл инкор маънода бўлса, мазкур юкламалардан кейин  $\bar{\text{ل}}$  юкламаси кўшилади:

لَكَيْلَا = كَيْلَا + لَ ; كَيْلَا = كَيْلَا + لَا . Масалан:

لَا تَظْلِمُ لَكَيْلَا تُظْلِمَ – Зулм кўрмайин десанг, зулм қилма.

لَا تَظْلِمُ كَيْلَا تُظْلِمَ – Зулм кўрмайин десанг, зулм қилма.

2. Истак, мақсад, ният, зарурият, имконият, қарор, розилик, ман этиш, буйруқ, илтимос, хурсандлик, кўркув, таажжуб ва шунга ўхшаш турли ҳиссиётларни ифодаловчи феъллардан кейин ўша феълларнинг иккинчи компоненти сифатидаги феъл истак майлида келади ва истак майлидаги феълдан олдин  $\bar{\text{أ}}$  ёки, агар истак майли инкор маънода бўлса,  $\bar{\text{ل}}$  +  $\bar{\text{أ}}$  =  $\bar{\text{أَل}}$  юкламаси ишлатилади. Масалан:

أَسْمَحُ لِي أَنْ أَقْرَأَ – Ўқишимга рухсат беринг.

قَصَدْتُ أَنْ أَدْخُلَ غُرْفَةَ الْعَمِيدِ – Декан хонасига киришга жазм қилдим.

Истак майли мазкур маънода ишлатилганида, ундан олдин кўлланиладиган феъллар ичида энг кўп ишлатиладигани  $\bar{\text{أَرَادَ}}$  – хохламоқ ва  $\bar{\text{أَسْتَطَاعَ}}$  – кўлидан келмоқ феълларидир. Бу феъллар ўзак эътибори билан заиф феъллар туркумига мансуб бўлиб, I боб феъли эмас. Бу туркум феълларга кейинчалик муфассал тўхталинади. Лекин амалиётда ишлатиш осон бўлсин

учун шу икки феълнинг шахс-сонда тусланишини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

### 1. أَرَادَ – феълининг тусланиши:

Ўтган замон

Ҳозирги-келаси замон

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	أَرَادَ	أَرَادَا	أَرَادُوا	يُرِيدُ	يُرِيدَانِ	يُرِيدُونَ
	MH	أَرَادَتْ	أَرَادَتَا	أَرَادْنَ	يُرِيدُ	يُرِيدَانِ	يُرِيدْنَ
II	M3	أَرَدْتَ	أَرَدْتَمَا	أَرَدْتُمْ	تُرِيدُ	تُرِيدَانِ	تُرِيدُونَ
	MH	أَرَدْتِ	أَرَدْتُمَا	أَرَدْتُنَّ	تُرِيدِينَ	تُرِيدَانِ	تُرِيدْنَ
I	M3 MH	أَرَدْتُ		أَرَدْنَا	أُرِيدُ		نُرِيدُ

Масалан:

أَرَادُوا أَنْ يَسْمَعُوا – Эшитмоқчи бўлдилар (мз).

نُرِيدُ أَنْ نَرْجِعَ إِلَى بَيْتِنَا – Уйимизга қайтмоқчимиз.

### 2. اسْتَطَاعَ – феълининг тусланиши:

Ўтган замон

Ҳозирги-келаси замон

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	اسْتَطَاعَ	اسْتَطَاعَا	اسْتَطَاعُوا	يَسْتَطِيعُ	يَسْتَطِيعَانِ	يَسْتَطِيعُونَ
	MH	اسْتَطَاعَتْ	اسْتَطَاعَتَا	اسْتَطَاعْنَ	يَسْتَطِيعُ	يَسْتَطِيعَانِ	يَسْتَطِيعْنَ
II	M3	اسْتَطَعْتَ	اسْتَطَعْتَمَا	اسْتَطَعْتُمْ	تَسْتَطِيعُ	تَسْتَطِيعَانِ	تَسْتَطِيعُونَ
	MH	اسْتَطَعْتِ	اسْتَطَعْتُمَا	اسْتَطَعْتُنَّ	تَسْتَطِيعِينَ	تَسْتَطِيعَانِ	تَسْتَطِيعْنَ
I	M3 MH	اسْتَطَعْتُ		اسْتَطَعْنَا	اسْتَطِيعُ		نَسْتَطِيعُ

Масалан: *يَسْتَطِيعُ أَحْمَدُ أَنْ يَقْفِرَ* – Аҳмад сакрай олади.

*نَسْتَطِيعُ أَنْ نَكْتُبَ بِالْعَرَبِيَّةِ* – Биз арабча ёза оламиз.

3. Заруриятни, имкониятни билдирувчи айрим феъллардан кейин *أَنْ* юкламаси билан бирга ишлатилади.

Бу феълларнинг хусусияти шуки, улар шахс-сонда тусланмасдан бир хил қолипда ишлатилади ва иш-ҳаракатнинг кимга тегишли эканлиги шу феълдан кейинги предлогга ёки шу феълнинг ўзига қўшилиб келган олмошлар орқали ифодаланади. Булар қуйидаги феъллардир: *يَجِبُ عَلَيَّ* – керак, *يَنْبَغِي لِي* – керак, лозим, *يُمْكِنُ* – мумкин, *يَجُوزُ لِي* – жойиз, *يَسَعُ* – имкон бор. Масалан:

*يَجِبُ عَلَيْهِ أَنْ يَسْكُتَ* – У (мз) жим туриши керак.

*يَجِبُ عَلَيْهَا أَنْ تَسْكُتَ* – У (мн) жим туриши керак.

*يَجِبُ عَلَيْهِمَا أَنْ يَسْكُتَا* – У иккиси (мз) жим туриши керак.

*يَجِبُ عَلَيْهِمَا أَنْ تَسْكُتَا* – У иккиси (мн) жим туриши керак.

*يَجِبُ عَلَيْهِمْ أَنْ يَسْكُتُوا* – Улар (мз) жим туришлари керак.

*يَجِبُ عَلَيْهِنَّ أَنْ يَسْكُنَّ* – Улар (мн) жим туришлари керак.

*يَنْبَغِي لَكَ أَنْ تَرْجِعَ* – Сен (мз) қайтишинг керак.

*يَنْبَغِي لَكَ أَنْ تَرْجِعِي* – Сен (мн) қайтишинг керак.

*يَنْبَغِي لَكُمْ أَنْ تَرْجِعَا* – Сиз иккинги (мз, мн) қайтишингиз керак.

*يَنْبَغِي لَكُمْ أَنْ تَرْجِعُوا* – Сизлар (мз) қайтишингиз керак.

*يَنْبَغِي لَكُمْ أَنْ تَرْجِعْنَ* – Сизлар (мн) қайтишларингиз керак.

*يُمْكِنُنِي أَنْ أَسْمَعَ* – Эшитишим мумкин.

يُمْكِنُنَا أَنْ نَسْمَعَ – Эшитишимиз мумкин.

يَجُوزُ لَهُ أَنْ يَسْمَعَ – У (мз) эшитиши жоиз.

يَجُوزُ لَنَا أَنْ نَذْهَبَ – Биз боришимиз жоиз.

يَسَعُنِي أَنْ أَحْفَظَ – Ёдлаш имконим бор.

لَا يَسَعُنَا أَنْ نَقْرَأَ – Ўқиш имконимиз йўқ.

Гоҳо заруриятни ифодаловчи бу феъллар тушиб қолиб, улардан кейинги предлогларнинг ўзи шу феъл билдирган маъноларда ишлатилиши мумкин. Масалан:

عَلَيْنَا أَنْ نَذْهَبَ – Биз кетишимиз керак,

لَكُمْ أَنْ تَفْهَمُوا – Сизлар (мз) тушунишингиз керак.

4. Баъзан истак майлидаги феъл قَبْلَ , بَعْدَ , دُونَ каби предлоглардан кейин ҳам ишлатилиши мумкин. Бунда ҳам феъл олдидан أَنْ юкламаси ёзилади. Масалан:

أَغْسِلُ يَدَكَ قَبْلَ أَنْ تَأْكُلَ – Овқатланишингдан олдин қўлингни юв (мз).

خَرَجْنَا مِنَ السَّيْنَمَا دُونَ أَنْ نَفْهَمَ شَيْئًا – Биз ҳеч нарса тушунмаганимиз ҳолда кинодан чиқдик.

5. Истак майли حَتَّى юкламасидан кейин ишлатилади ва у «-гача» маъносини билдиради. Масалан:

سَهَرْتُ حَتَّى يَرْجِعَ ابْنِي مِنْ سَفَرِهِ – Ўғлим сафаридан қайтгунича бедор бўлдим.

6. لَنْ юкламасидан кейин истак майли ишлатилади ва келаси замонда мутлақо амалга ошмайдиган иш-харакатни ифодалайди. Масалан:

لَنْ أَذْهَبَ مَعَكَ – Мен ҳеч қачон сен билан бормайман.

7. Зарурият, эҳтимоллик, имконият, шубҳасизлик маъноларини билдирувчи қуйидаги бирикмалардан кейин ҳам **أَنَّ** юкламаси воситасида феъл истак майлида келади:

- ... **مِنَ الْمُمْكِنِ أَنْ** ... мумкин,
- ... **مِنَ الْجَائِزِ أَنْ** ... жойиз,
- ... **مِنَ الْمُحْتَمَلِ أَنْ** ... эҳтимол,
- ... **لَا بُدَّ أَنْ** ... зарур,
- ... **لَا بُدَّ مِنْ أَنْ** ... зарур,
- ... **مِنَ الْوَاجِبِ أَنْ** ... зарур,
- ... **مِنَ الضَّرُورِيِّ أَنْ** ... зарур,
- ... **الْمَطْلُوبِ أَنْ** ... сўралади,
- ... **مِنَ الْحَقِّ أَنْ** ... ҳақиқатдир,
- ... **مِنَ الْحَقِيقَةِ أَنْ** ... ҳақиқатдир,
- ... **لَا شَكَّ أَنْ** ... шубҳасиздир,
- ... **لَا رَيْبَ أَنْ** ... шубҳасиздир,
- ... **مَا مِنْ شَكِّ فِي أَنْ** ... га шубҳа йўқ,
- ... **مِنَ الْمَعْرُوفِ أَنْ** ... маълумдир,
- ... **مِنَ الْوَاضِحِ أَنْ** ... аниқдир,
- ... **مِنَ الْأَكِيدِ أَنْ** ... аниқдир,
- ... **فِي إِمْكَانِنَا أَنْ** ... имконимиз бор,
- ... **بِإِمْكَانِنَا أَنْ** ... имконимиз бор.

Истак майлининг вазифалари феълнинг барча боблари учун умумийдир.

## Амалий машғулот үчүн топшириклар

197-машқ. Қуйидаги феълларни истак майлида тусланг:

خَرَجَ (y) - чиқмоқ; تَرَكَ (y) - ташламоқ; جَمَعَ (a) - жамламоқ; دَفَعَ (a) - тўламоқ; كَشَفَ (u) - ихтиро қилмоқ; مَلَكَ (u) - эгалик қилмоқ; سَكَتَ (y) - жим турмоқ; سَهَرَ (a) - бедор бўлмоқ; نَظَرَ (y) - карамоқ; حَزَمَ (u) - тугмоқ; سَمَحَ (a) - рухсат бермоқ; قَطَعَ (a) - кесмоқ; رَكِبَ (a) - минмоқ; كَتَبَ (y) - ёзмоқ.

198-машқ. Истак майлидаги ушбу феълларнинг шахс-сонини аниқланг:

Масалан: يَكْتُبُوا → III шахс, кўплик, мз.

1) تَعَلَّمَا 2) يَفْهَمَ 3) تَقَرَّبُوا 4) تَحْسُنَ 5) أَذْهَبَ 6) تَشْرَبِي 7) تَرْجِعِي  
8) يَلْعَبَا 9) نَسَمَعَ 10) أَعْرِفَ 11) نَجَلِسَ 12) يَفْتَحُوا 13) تَضْرِبَ  
14) تَدْرُسُوا 15) يَلْبَسُوا 16) تَغْسِلَا 17) يَطْلُبَ 18) نَقَطَعَ 19) تَقْضُدُنَ  
20) يَرْكَبِينَ 21) نَنْظَفَ 22) تَغْضَبُوا

199-машқ. Қавс ичидаги феълларни керакли майлда ва шахс-сонда ишлатинг:

1) يجب علينا أن (عرف) تاريخ وطننا. 2) أما الكثيرون فلا يرغبون أن (رجع) إلى بيوتهم. 3) هل تستطيع سيارتك الجديدة أن (قطع) الطريق بين طشقند وغمغان في ثلاث ساعات؟ 4) بأية وسيلة يمكنني أن (ذهب) إلى سمرقند؟ 5) من أراد أن (خرج) من غرفة الدرس فليخرج. 6) هل تسمحين لي أن (ترك) حقيتي هنا؟ 7) لا يجوز للأولاد أن

(ضرب) بعضهم بعضاً. 8) يجب عليك أن (تمض) من نومك صباحاً باكراً. 9) فتحت لي أختي الباب لكي (دخل) غرفتها. 10) هل وصلت يا فاطمة إلى طشقند لـ (دخل) معهد الاستشراق؟ 11) يطلبون منكم أن (سهر) الليلة. 12) لا ينبغي لهم أن (ركب) السيارة بل يجب عليهم أن (رجع) إلي بيوتهم. 13) فتحت المدرسة باب غرفة الدرس لكي (دخل) ها الطلاب. 14) حضر هؤلاء الطلاب المحاضرة لـ (عرف) الأخبار الجديدة عن البلدان العربية. 15) دخلت أُمِّي غرفة الأكل لكي (شرب) فنجاناً من الشاي الأخضر. 16) من أراد أن (عرف) الأخبار فليقرأ الصحف وليسمع الإذاعة. 17) من أراد أن (سأل) المدرس سؤالاً فليسأله بعد انتهاء الدرس.

200-машқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Эртага иш куни. Биз уйқудан барвақт уйғонишимиз керак. 2. Карима, араб тилидаги газетани ўқий оласизми? 3. Биз араб мамлакатлари радиоэшиттиришларини тингламоқчимиз. 4. Сиз (мн.) менинг сўзларимни тушуна оласизми? 5. Самир хонадан чиқди ва сув ичиш учун ошхона (кухня) томон кетди. 6. Мен бу ерда Зайнаб қайтгунича ўтиришим керак. 7. Биз вақтида поездга ўтириш учун темир йўл вокзалига барвақт келдик. 8. Талабалар бу машҳур ёзувчини яхши ўрганиш учун унинг асарларини диққат билан ўқиб чиқдилар. 9. Устоз аудиторияга кирди ва талабаларга деди: «Сизлар имтиҳонни яхши топширишларинг ва араб тилини билишларинг учун арабча китобларни кўп ўқишларинг керак». 10. Хадича боласи касаллиги сабабли кеча Ироқдаги сиёсий аҳвол ҳақидаги маърузада ҳозир бўла олмади. 11. Бугун мен хонамда ёлғиз бўлишни хоҳлаган эдим. 12. Биз жуда кўп грамматик қоидаларни ўрганишимиз ва билишимиз керак. 13. – Киришим мумкинми? – Ҳа,

киришингиз ва жойингизга ўтиришингиз мумкин.  
14. Эртага дўстим ота-онасига хат ёзиши ва улардан пул сўраши керак. 15. Бугун ҳаво жуда совук, шунинг учун биз костюм ва пальтомизни кийишимиз керак. 16. Киришимизга рухсат беринг (мн.).

## ЎНИНЧИ МАТН

### تاريخ النقود

كلنا نعرف النقود. أما الكثيرون منا فلا يعرفون كيف وصلت إلينا النقود وما تاريخها. ولهذا قصة طريفة. تبدأ حوادث هذه القصة منذ آلاف السنين. كان الإنسان قد علم الزراعة ووجد عنده ما يقيض من إنتاجاته الزراعية فلجأ إلى استبدال احتياجاته بما يزيد عن حاجته. فكانت القبيلة إذا ودت أن تملك بقرة قاضت عليها من كيس من الحبوب والتجارة بهذا الشكل كانت عسيرة لصعوبة نقل الحبوب أو تقسيمها.

وبعد حين من الزمان كشف الإنسان الذهب والفضة وبدأ استخدامها في التجارة بدلا من الحبوب فكان إذا ود شراء شيء يدفع في مقابله وزنا من الذهب أو الفضة. ومضت سنوات طويلة وعني الناس بضرورة وزن الذهب والفضة عند كل بيع وشراء وأخيرا كشفوا النقود وقاموا بسك الذهب والفضة في قطع محدودة القيمة وعندئذ تركوا الوزن وبدؤوا استخدام هذه القطع في بيع وشراء الأشياء الضرورية.

(O.Б. Фролованинг «Мы говорим по-арабски» китобидан айрим ўзгарттишлар билан.)

201-машқ. Ўнинчи матнни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўгиринг.

202-машқ. Қўйидаги саволларга ўнинчи матн асосида ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) متى تبدأ حوادث قصة النقود؟ 2) ماذا فعل الإنسان بما يزيد عن حاجته؟
- 3) أي دور لعبت المنتجات الزراعية للإنسان؟ 4) ممّ قاض الإنسان إذا رغب شراء

- شيء؟ (5) هل التجارة منذ آلاف السنين كانت سهلة أم صعبة وما السبب؟ (6) ماذا كشف الإنسان بعد حين من الزمان؟ (7) ماذا بدأ الإنسان يدفع بدلا من الحبوب؟ (8) بم عني الإنسان عند كل بيع وشراء؟ (9) ماذا فعل الإنسان بالذهب والفضة؟ (10) في أي شكل قام الإنسان بسك الذهب والفضة؟ (11) هل تعرف تأريخ النقود؟

203-ماشқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:

بعد حين من الزمان، تجارة بهذا الشكل، وزن من الذهب والفضة، وأخيرا، تاريخ النقود، قصة طويلة، منذ آلاف السنين، علم الزراعة، إنتاج زراعي، كيس من الحبوب، صعوبة نقل الحبوب، الذهب والفضة، سنوات طويلة، عند كل بيع وشراء، سك الذهب، قطعة محدودة القيمة، أشياء ضرورية، غرفة الدرس، هؤلاء الطلاب، الأخيار الجديدة، الصحف الجديدة، انتهاء الدرس، منتجات زراعية، البلدان العربية، نصوص من هذا الكتاب، نوافذ غرفة الدرس، ضريح الأمير تيمور، مدرسة أولوغبيك، البطاطس مع اللحم، الأشعار القديمة؛

## ЎН БИРИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

الإِسْكَندَرِيَّةُ	Искандария шаҳри	I ظَلَمَ (u) ظَلَمَ	зулм қилмоқ
بِأَعْلَى صَوْتِهِ	бор овози билан	I ظَنَّ (y) ظَنَّ	ўйламоқ, гумон қилмоқ
I بَانَ (u) بَيَّانَ	равшан бўлмоқ	I عَادَ (y) عَادَ	кайтмоқ
I بَحَثَ (a) بَحَثَ	қидирмоқ (عَنْ)	I عَجِبَ (a) عَجِبَ	ажабланмоқ
بَلَاءٌ	бало, офат	عَلِيٌّ	ат. от Али
يَيْنَمَا هُوَ يَمْشِي	у кетаётган пайтда	غَابَةٌ	ўрмон
I خَبَأَ (a) خَبَأَ	яширмоқ	غُرَبَاءُ	ғалати
...خَوْفًا مِنْ	...дан кўркиб	غَضَبٌ	ғазаб
ذَاتَ يَوْمٍ	бир куни	فِي الْحَالِ	дарров, ўша заҳоти
I رَدَّ (y) رَدَّ	кайтarmoқ	فِيمَا هُوَ يَلْعَبُ	у ўйнаётган пайтда
I سَبَّ (y) سَبَّ	сўкмоқ, таҳқирламоқ	أَقْطَانَ	пахта
سَوَى ...	дан бошқа	كَلِمَةً	сўзма-сўз
I شَتَمَ (u) شَتَمَ	сўкмоқ	لَا عَجَبَ مِنْ ذَلِكَ	бунинг ажабланарли жойи йўқ
شَتَائِمُ	сўкиш, сўқиниш	لَأَنَّهُ	чунки у (мз.)
I شَكَأَ (y) شَكَأَ	шикоят қилмоқ	لَمَّا لَمْ يَجِدْهُ	уни топмагач
أَصْدَاءُ	акс садо	مُخْتَبِئًا	яширинган
I صَرَخَ (y) صَرَخَ	кичқирмоқ, бақирмоқ	مَرْجٌ	кўкаламзор, ўтлокзор
I طَرَقَ (y) طَرَقَ	тақиллатмоқ	مُسْتَقْبَلٌ	келажак
طَيْرٌ	қуш		

مَقْبُولٌ маъкул, мақбул

مَوْجُودٌ мавжуд

كُؤن. أَوْسَاطٌ ўрта

يَا أَبَتَاهُ отажон!

يَا بُنَيَّ Э ўғилчам!

## § 67. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ИСТАК МАЙЛИ

I. Иккиланган феълларнинг истак майли қуйидагича тусланади:

• مَسَّ (a) - типдаги феълларнинг тусланиши:

مَدَّ (y) - типдаги феълларнинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	يَمَسُّ	يَمَسَّا	يَمَسُّوا	يَمُدُّ	يَمُدَّا	يَمُدُّوا
	MH	تَمَسُّ	تَمَسَّا	يَمَسِّنَ	تَمُدُّ	تَمُدَّا	يَمُدُّنَ
II	M3	تَمَسُّ	تَمَسَّا	تَمَسُّوا	تَمُدُّ	تَمُدَّا	تَمُدُّوا
	MH	تَمَسَّى	تَمَسَّا	تَمَسِّنَ	تَمُدَّى	تَمُدَّا	تَمُدُّنَ
I	M3 MH	أَمَسَّ		نَمَسَّ	أَمَدَّ		نَمَدَّ

فَرَّ (и) - типдаги феълларнинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	M3	يَفِرُّ	يَفِرَّا	يَفِرُّوا
	MH	تَفِرُّ	تَفِرَّا	يَفِرُّنَ
II	M3	تَفِرُّ	تَفِرَّا	تَفِرُّوا
	MH	تَفِرَّى	تَفِرَّا	تَفِرُّنَ
I	M3 MH	أَفِرَّ		نَفِرَّ

II. Ҳамзали феълларнинг истак майли солим феъл – ларнинг истак майлидан деярли фарқ қилмайди. Масалан: يَأْكُلُ – يَأْكُلُ ; يَسْأَلُ – يَسْأَلُ ; يَقْرَأُ – يَقْرَأُ .

III. Заиф феълларнинг истак майли қуйидагича бўлади:

1. Солимсифат феълларда учинчи ўзак ундош ҳарфи иллатдан иборат бўлмаганлиги учун солим феълларнинг истак майлидан фарқ қилмайди. Масалан: يَضَعُ – يُوَجِّلُ – يَضَعُ – يَضَعُ ; يَسِرُ – يَسِرُ ; يَجِدُ – يَجِدُ ; يَضَعُ – يَضَعُ .

2. Ажваф феълларда ҳам учинчи ўзак ундош ҳарфи иллатдан иборат бўлмаганлиги учун фақат ҳозирги-келаси замонда содир бўлган ўзгаришларгина мавжуд бўлади. Масалан: يَقُولُ – يَقُولُ ; يَسِرُ – يَسِرُ ; يَخَافُ – يَخَافُ .

3. Ноқис феълларнинг учинчи ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлганлиги учун, истак майлида маълум ўзгаришлар содир бўлади:

بَكِي (и) - типдаги феъллар-  
нинг тусланиши:

دَنَا (у) - типдаги феъллар-  
нинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَبْكِي	يَبْكِيَا	يَبْكُوا	يَدْنُو	يَدْنُوا	يَدْنُوا
	МН	يَبْكِي	يَبْكِيَا	يَبْكِين	تَدْنُو	تَدْنُوا	يَدْنِين
II	МЗ	تَبْكِي	تَبْكِيَا	تَبْكُوا	تَدْنُو	تَدْنُوا	تَدْنُوا
	МН	تَبْكِي	تَبْكِيَا	تَبْكِين	تَدْنِي	تَدْنُوا	تَدْنِين
I	МЗ МН	أَبْكِي		تَبْكِي	أَدْنُو		تَدْنُو

لَقِيَ (а) - типидаги феълларнинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَلْقَى	يَلْقَيَا	يَلْقَوُا
	МН	تَلْقَى	تَلْقَيَا	يَلْقَيْنَ
II	МЗ	تَلْقَى	تَلْقَيَا	تَلْقَوُا
	МН	تَلْقَى	تَلْقَيَا	تَلْقَيْنَ
I	МЗ	أَلْقَى		نَلْقَى
	МН			

## § 68. ИККИ ТОМОНЛАМА НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ ИСТАҚ МАЙЛИ

1. Биринчи ва иккинчи ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феълларда учинчи ўзак ундош ҳарфи иллатдан иборат бўлмаганлиги сабабли, уларнинг ҳозирги-келаси замондаги ўзгаришларгина содир бўлади. Масалан: يَنْبِئُ - يَنْبِئُ ; يَنْبِئُ - يَنْبِئُ ; يَنْبِئُ - يَنْبِئُ ; يَنْبِئُ - يَنْبِئُ .

2. Иккинчи ва учинчи ўзак ундошлари ҳарфи иллатдан иборат бўлган феълларда, агар учинчи ўзак ундош ҳамзадан иборат бўлмаса, қисман ўзгариш бўлади:

يَأْتِي (и) - типидаги феълларнинг тусланиши:      يَأْتِي (и)-типидаги феълларнинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَأْتِي	يَأْتِيَا	يَأْتُوا	يَأْتِي	يَأْتِيَا	يَأْتُوا
	МН	تَأْتِي	تَأْتِيَا	يَأْتِينَ	تَأْتِي	تَأْتِيَا	يَأْتِينَ
II	МЗ	تَأْتِي	تَأْتِيَا	تَأْتُوا	تَأْتِي	تَأْتِيَا	تَأْتُوا
	МН	تَأْتِي	تَأْتِيَا	تَأْتِينَ	تَأْتِي	تَأْتِيَا	تَأْتِينَ
I	МЗ	آتِي		نَأْتِي	أَفِي		نَفِي
	МН						

Агар учинчи ўзак ундош ҳамзадан иборат бўлса, унда ҳозирги-келаси замондаги ўзгаришларгина содир бўлади. Масалан: **يَطَأُ – يَطَأُ**.

3. Иккинчи ва учинчи ўзак ундошлари ҳарфи иллатдан иборат бўлган феълларда ҳам деярли катта ўзгариш содир бўлмайди. Масалан:

**يَرِيَا – يَرِيَانُ ; يَجِيءُ – يَجِيءُ ; يَسُوءُ – يَسُوءُ**.

Ҳар уч ўзак ундоши ҳарфи иллатдан иборат бўлган феъллар қуйидагича тусланади:

Оу (y) - феълнинг тусланиши:      (и) - феълнинг тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَأْوِي	يَأْوِيَانِ	يَأْوُوا	يَأْوِي	يَأْوِيَانِ	يَأْوُوا
	МН	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوِينِ	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوِينِ
II	МЗ	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوُوا	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوُوا
	МН	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوِينِ	تَأْوِي	تَأْوِيَانِ	تَأْوِينِ
I	МЗ МН	أَوِي		نَأْوِي	أَنِي		نَأْوِي

### Амалий машғулот учун топшириқлар

204-машқ. Қуйидаги феълларни истак майлида тусланг:

рми (u) - отмоқ; دار (y) - айланмоқ; دنا (y) – яқинлашмоқ; ذرى (u) - билмоқ; دب (u) - эмакламоқ; خبا (a) – яширмоқ; جاء (u) - келмоқ; بان (u) - маълум бўлмоқ; بدأ (a) - бошламоқ; قصى (u) - ўтказмоқ; أمر (y) - буюрмоқ; بقي (a) - қолмоқ; أتى (u) - келмоқ; وعد (u) - ваъда бермоқ; وجد (u) -

топмоқ; (a) وَهَبَ - бермоқ; (y) أَكَلَ - овкатланмоқ; (y) مَدَّ - чўзмоқ; (u) سَارَ - юрмоқ; (u) زَادَ - кўпаймоқ; (a) وَدَّ - хоҳламоқ.

205-машқ. Истак майлида турган қуйидаги феълларнинг ўзагини ва шахс-сонини аниқланг:

- |    |           |    |           |    |          |    |          |    |            |    |           |
|----|-----------|----|-----------|----|----------|----|----------|----|------------|----|-----------|
| 1  | يَتَّقُ   | 2  | يُودِدُنْ | 3  | أَزِيدَ  | 4  | يَخَافَا | 5  | يَأْذَنُوا | 6  | تُرَأْسِي |
| 7  | تَزَالَا  | 8  | يَطُوبَا  | 9  | نَعِيشَ  | 10 | تَذُلْنَ | 11 | تَيْأَسُوا | 12 | تُرْمِي   |
| 13 | يَكُنْ    | 14 | نَمُوتَ   | 15 | يَصِلْنَ | 16 | يُولَدَ  | 17 | تَمُرُّنَ  | 18 | أَبْكِي   |
| 19 | يَلْقِيَا | 20 | نَاتِي    | 21 | تَفِي    | 22 | يُرَوَا  | 23 | يَقُومَا   | 24 | تَبْقِي   |

206-машқ. Истак майлида турган қуйидаги феъллар иштирокида гап тузинг:

Масалан, لَا يَجُوزُ لَكَ أَنْ تَبْقِيَ فِي الْبَيْتِ وَحِيدَةً → تَبْقِي

- |    |            |    |           |    |            |    |           |    |            |
|----|------------|----|-----------|----|------------|----|-----------|----|------------|
| 1  | تَضَعْنَ   | 2  | تَقْرَنِي | 3  | تَسْأَلُ   | 4  | تَأْكُلُ  | 5  | يَفْرُرْنَ |
| 6  | تَمُدُّوَا | 7  | تَقْلُنَ  | 8  | تَثَبَ     | 9  | نَعَدَ    | 10 | تُولَدَ    |
| 11 | أَجِدَ     | 12 | يَهْبُوا  | 13 | يَأْتِي    | 14 | تَلْقَى   | 15 | تَدَثُوا   |
| 16 | يَبْكِي    | 17 | يَسِيرَا  | 18 | نَخَافَ    | 19 | تَأْخُذِي | 20 | نَقْضِي    |
| 21 | يَدُقْ     | 22 | تَقُومِي  | 23 | تَرَوْنَ   | 24 | تَجِينُوا | 25 | نُصَلْ     |
| 26 | تَمُوتُوا  | 27 | تَكُنْ    | 28 | تُدَوِّرِي | 29 | تَبْنِي   | 30 | تَبْدَأُ   |

207-машқ. Қуйидаги гапларда қавс ичида берилган феълларни керакли шахс-сонда истак майлида келтиринг:

- 1) متى تريدان أن (وَصَلَ) إلى محطة السكك الحديدية؟ (2) يجب علينا أن (قَضَى) إجازة نصف السنة في مكان من الأماكن الجميلة. (3) يجوز لنا أن (عَمِلَ) خيرا للجميع قبل أن (مَاتَ). (4) هل تريدون أن (قَامَ) برحلة إلى ضاحية من ضواحي المدينة؟ (5) لا

تستطيع سيارتي أن (قَطَعَ) هذا الطريق بسرعة. 6) أريد أن (بَنَى) بيتا جديدا لي ولأسرتي.  
 7) لا ينبغي لنا أن (خَافَ) من الصعوبات في الحياة. 8) يمكننا أن (جَلَسَ) حول المائدة  
 و(أَكَلَ) مما عليها. 9) أريد أن (رَأَى)ك سعيدة في هذه الحياة. 10) ليس هذا الطريق  
 ممهدا ومرصوفا فنحن لا نستطيع أن (مَرَّ) به سريعا. 11) لا يوجد بحر كبير في وطننا  
 ولذا لا نستطيع أن (رَكِبَ) البواخر الكبيرة فيه. 12) قبل أن (تَرَكَ) بلادنا الحبيبة يجب  
 علينا أن (زَارَ) أقاربنا وأصدقاءنا. 13) جئنا إلى ميناء الإسكندرية لكي (رَكِبَ) سفيتنا.  
 14) قبل أن (كَشَفَ) الإنسان النقود كان في استخدامه الذهب والفضة. 15) اجلسي  
 أمامي لكي (رَأَى)ك من قريب .

208-маишқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Кўп денгизчилар катта кемаларда ишлашни хоҳлай-  
 дилар. 2. Биз ифлос кўчалардан ўтмаслигимиз керак. 3. Тарих  
 музейини кўришимиздан илгари ўз тарихимизни ўрганишимиз  
 зарур. 4. Ўша ливанлик актёрлар кеча институтимизга кела  
 олмадилар. 5. Ўша бақувват йигитни мен эртага учратишим  
 мумкин. 6. Жуброн Халил Жубронни тушунишимиз учун  
 унинг ҳаётини ўрганишимиз керак. 7. Анави хорижлик  
 хонимни мен вокзалда қолдириб кетмаслигим керак. 8. Бу  
 ироқлик муҳтарам жаноблар эътибордан четда қолмаслик-  
 ларини истайман. 9. Илмий китобларни ўқишлари учун араб ва  
 форс тил-ларини билишлари зарур. 10. Университетга кири-  
 шингдан (мз.) олдин мана бу биродарона маслаҳатга қулоқ  
 сол. 11. Кўнғир рангли костюмимни киймоқчи эмасман.  
 12. Мусобақа бошланишидан олдин ҳар икки мураббий бир-  
 бирини кўриши керак. 13. – Мен билан шахмат ўйнашни  
 истайсизми (мз.) ? – Ҳа, лекин шахматни мен яхши ўйнай  
 олмайман. 14. Ўша талабалик йиллари қалбимизни ҳеч қачон  
 тарк этмайди. 15. Қизчам эртага янги либосларини киймоқчи  
 ва дугонасининг уйига бормоқчи.

209-машқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари; ажойиб ривоят; қийин савдо; ўша пайтда; бир қоп ғалла; мен ўқиган нарса; унинг эвазига; маълум оғирликдаги олтин ва кумуш; араб бўлими толибалари; ажойиб манзара; сутли ва қандли қаҳва; совуқ сув; қийин масала; машхур меъморлар; турли хил китоблар; Регистон майдони; Улуғбек расадхонаси; тинч биргаликда яшаш; Амир Темур макбараси; олтин ёки кумуш тўлаш ўрнига; ва ниҳоят; олди-сотди; зарур нарсалар; кисса воқеалари.

## § 69. КУЧАЙТИРУВ МАЙЛИ

Кучайтирув майли иш-ҳаракатнинг келгусида албатта амалга ошишини билдиради. У феълнинг истак майли шаклидан қуйидаги икки усул билан ҳосил бўлади:

1. Феъл охирига ташдидли *ن* ҳарфини қўшиш билан. Бунда феъл қуйидаги тарзда тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَفْعَلَنَّ	يَفْعَلَانَّ	يَفْعَلُنَّ
	МН	تَفْعَلَنْنَ	تَفْعَلَانَّ	يَفْعَلُنَانَّ
II	МЗ	تَفْعَلَنْنَ	تَفْعَلَانَّ	تَفْعَلُنَّ
	МН	تَفْعَلَنْنَ	تَفْعَلَانَّ	تَفْعَلُنَانَّ
I	МЗ	أَفْعَلَنَّ		تَفْعَلُنَّ
	МН			

Нотўғри феъллардан иккиланган, ҳамзали, солим сифат, ажваф феълларнинг кучайтирув майли шу феълларнинг истак майли шаклига қиёсан ҳосил қилинади ва унда товуш ўзгаришлари жуда кам бўлади. Ноқис феъллардан эса, кучайтирув майли қуйидагича шаклланади:

بكى (и) – йигламоқ феъли:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَبْكِي	يَبْكِيَان	يَبْكُوْنَ
	МН	يَبْكِيْنَ	يَبْكِيَان	يَبْكِيَان
II	МЗ	تَبْكِي	تَبْكِيَان	تَبْكُوْنَ
	МН	تَبْكِيْنَ	تَبْكِيَان	تَبْكِيَان
I	МЗ МН	أَبْكِي		نَبْكِي

دعا (у) – чорламоқ феъли:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَدْعُوْ	يَدْعُوَان	يَدْعُوْنَ
	МН	تَدْعُوْ	تَدْعُوَان	يَدْعُوْنَا
II	МЗ	تَدْعُوْ	تَدْعُوَان	تَدْعُوْنَ
	МН	تَدْعُوْ	تَدْعُوَان	تَدْعُوْنَا
I	МЗ МН	أَدْعُوْ		نَدْعُوْ

نَفَى (а) – учратмок феъли:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَلْقَيْنَ	يَلْقَيَانِ	يَلْقَوْنَ
	МН	تَلْقَيْنَ	تَلْقَيَانِ	يَلْقَيْنَانِ
II	МЗ	تَلْقَيْنَ	تَلْقَيَانِ	تَلْقَوْنَ
	МН	تَلْقَيْنَ	تَلْقَيَانِ	تَلْقَيْنَانِ
I	МЗ	أَلْقَيْنَ		تَلْقَيْنَ
	МН			

2. Истак майлидаги феъл охирига сукунли ن харфини кўшиш билан. Бундай феъл қуйидаги тарзда тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يَفْعَلْنَ		يَفْعَلْنَ
	МН	تَفْعَلْنَ		
II	МЗ	تَفْعَلْنَ		تَفْعَلْنَ
	МН	تَفْعَلْنَ		
I	МЗ	أَفْعَلْنَ		نَفْعَلْنَ
	МН			

Эслатма. Сукунли ن харфи билан кучайтирув майли II ва III шахсларнинг иккилик сонларидан ва II, III шахс кўплик муаннас вариантларидан ҳосил қилинмайди.

Мисоллар:

يَحْفَظْنَ الطُّلَابُ هَذَا النَّصَّ – Талабалар бу текстни албатта

يَحْفَظُنِ الطُّلَابُ هَذَا التَّهْرَ – ёдлайдилар.

Кўпинча кучайтирув майли феъл олдига кўйиладиган ل юкламаси билан ишлатилади ва бу юклама кўшимча маъно ифодаламайди. Масалан:

لَنَذْهَبَنَّ – Биз албатта кетамиз.

لَيَكْتُبَنَّ – Улар (мз) албатта ёзадилар.

Кучайтирув майлининг бу шакли Куръоннинг айрим оятларида от каби танвин фатҳа ёрдамида ёзилган. Масалан: كَلَّا لَئِن لَّمْ يَنْتَهِ لَنَسْفَعًا بِالنَّاصِيَةِ – 96 - сура, 15 - оят – Йўқ, агар у тўхтамаса, пешона сочидан тутишимиз муқаррар.

Кучайтирув майли бўлишли ва инкор маънодаги буйруқ майли билан ҳам ишлатилади. Бунда буйруқ майли суқун билан тугаган бўлса (Масалан: لَا تَفْتَحْ, اَكْتُبْ), бу суқун фатҳага ўзгаради. Масалан:

أَجْلَسَنَّ – Сен албатта ўтир,

لَا تَسْمَعَنَّ هَذَا الْكَلَامَ – Бу гапга ҳеч қачон қулоқ солманглар (мз).

### Амалий машғулот учун топшириқлар

210-машқ. Қуйидаги гапларнинг ҳаракатини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг:

- 1) الجو بارد جدا يا أحمد، لا تفتحن النوافذ. 2) أريد أن أقول لكم شيئا مهما فاسمعن.
- 3) لأدعون الناس إلى الحق في المستقبل. 4) لا تظلمن غيرك لكيلا تُظلم.
- 5) لأضربنك إذا سمعت عنك شيئا غير مقبول. 6) اجلسن يا محمد هنا لكي تسمع كلامي.
- 7) لنكتبن مقالة عنك في جريدة جامعتنا. 8) لتأتين إليك غدا خالاتك وعماتك

ليرين سيارتك الجديدة. 9) اقرون أيها الطلبة كثيرا من المجلات السياسية. 10) لتحسن الخدمات الطبية في جمهوريتنا في المستقبل القريب. 11) لترون أيها الضيوف الأعزاء مدنا الصغيرة تلك نظيفة وجميلة. 12) لتسألن أيها الطلبة عما قرأتم من الكتب.

*211-ماشқ. Феълларни кучайтирув майлига солиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:*

1. Биз келаси хафтада албатта ўқитувчимизни зиёрат қилгани борамиз. 2. Овқат ейишдан олдин албатта кўларингизни ювинг. 3. Сизлар албатта Қоҳирага борасизлар ва у ердаги тарихий жойларни кўрасизлар (мн.). 4. Ҳурматли олимлар, илмий мақола ва китобларни кўп ёзинглар. 5. Университетимиз янги кутубхонаси эшиги олдида мен келгунимча албатта тўхтанг (мз.). 6. Сўнгги йилларда жуда кўплаб чақалоқлар туғилди, келажакда албатта улар яна кўпаяди. 7. Сизлар (мн.) кичкина экранда (телевизорда) албатта саудиялик меҳмонларни кўрасизлар. 8. Биз албатта ота-онамиз қанотлари остида бўламиз. 9. Она албатта ўзининг кичик фарзандлари орасида бўлади. 10. Эй фарзандларим, албатта тушунинглар: илм мол-дунёдан қимматлироқдир. 11. Мана бу араб йигит Миср Араб Республикасидан келган ва дарслар тугаганидан кейин албатта юртига кетади. 12. Араб тили жуда қийин тилдир. Бу қийин тилни мен албатта ўрганаман. 13. Ўзбек адабиёти ўзбек филологияси талабалари томонидан албатта ўрганилади. 14. Мана бу ироқлик хонимни факультетимиз ўқитувчилари эртага деканнинг хонасида албатта учратадилар. 15. Ўша мисрлик актёрлар ўз таътилларини албатта шаҳар чеккаларидан бирида ўтказадилар.

## § 70. ҲАРАКАТ НОМИ

Ҳаракат номи араб тилида масдар (مَصْدَرٌ - масдарун) дейилади ва феълдаги маънони шахс ва сондан, замондан ва жинсдан холи ҳолда ифодалайди. У ўзбек тилидаги «ўқиш», «ёзиш», «йигирув», «тўқув» каби шаклларга мос келади.

Ҳаракат номи ҳам араб тилида маълум вазнга эга:

فَعُولٌ - чиқиш - خُرُوجٌ → خَرَجَ .

فَعَلٌ - уриш - ضَرْبٌ → ضَرَبَ .

فَعَلٌ - қидириш, талаб қилиш - طَلَبٌ → طَلَبَ .

Ҳар бир боб феълининг ўзига хос масдар вазнлари мавжуд. Булар ичида энг мураккаби I боб феълидир. Чунки I бобдаги ҳар бир феълдан масдар ўзига хос вазнда ясалади. Масалан:

فَعَلٌ - نَصَرَ - نَصْرٌ - голиб келиш,

فَعَلٌ - عَلِمَ - عِلْمٌ - билиш,

فَعَلٌ - صَغَرَ - صَغَرٌ - кичик бўлиш, кичиклик,

فَعَلٌ - ضَحِكَ - ضَحْكٌ - кулиш,

فَعَالٌ - خَلَصَ - خِلَاصٌ - халос бўлиш,

فُعَالٌ - سَأَلَ - سُؤَالٌ - сўраш,

فَعْلَةٌ - مَزَقَ - مَزَقَةٌ - йиртиш,

فَعْلَةٌ - خَبَرَ - خَبْرَةٌ - хабардор бўлиш,

فَعْلَةٌ - غَلَبَ - غَلَبَةٌ - ғалаба қилиш,

فُعْلَى - ذَكَرَى - ذِكْرَى - хотирлаш,

فُعْلَى - سَكَنَى - سَكْنٌ - истиқомат қилиш,

قَبُولٌ - فَعُولٌ - قَبِلَ - қабул қилиш,  
 رَحِيلٌ - فَعِيلٌ - رَحَلَ - жүнаш,  
 جُلُوسٌ - فَعُولٌ - جَلَسَ - ўтириш,  
 سُهُولَةٌ - فَعُولَةٌ - سَهَلَ - енгил бўлиш, енгиллик,  
 كَرَاهِيَةٌ - فَعَالِيَةٌ - كَرِهَ - ёмон кўриш,  
 نُقْصَانٌ - فُعْلَانٌ - نَقَصَ - камчилик, камчил бўлиш,  
 مَرْجِعٌ - مَفْعَلٌ - رَجَعَ - қайтиш,  
 مَغْفِرَةٌ - مَفْعَلَةٌ - غَفَرَ - кечириш ва х.з.

Ҳатто айрим феъллардан масдар икки хил вазнда ҳосил бўлади. Масалан:

مَغْفِرَةٌ - مَفْعَلَةٌ - غَفَرَ - кечириш,  
 غُفْرَانٌ - فُعْلَانٌ - кечириш,  
 مَعْرِفَةٌ - مَفْعَلَةٌ - عَرَفَ - билиш,  
 عَرْفَانٌ - فُعْلَانٌ - билиш.

Мисоллардан кўриниб турибдики, феълларнинг масдари ҳар хил вазнга эга ва уларнинг барчасини ёдда сақлаб қолиш қийин. Ишни енгиллатиш мақсадида замонавий луғатларда ҳар бир I боб феълидан кейин ўша феълнинг масдари ёзиб қўйилган бўлиб, шу луғат орқалигина масдарнинг вазнини билиб олиш мумкин.

Масдарлар феълдан ясалгани билан грамматик хусусиятларига кўра отга кўпроқ ўхшаб кетади. У танвин кўшимчасини қабул қилади, иккилик сони от каби кўшимчага эга ва отлар каби келишикларда турланади. Масалан: Бош к. رَحِيلَانِ ، رَحِيلٌ .

Қар. к. رَحِيلَيْنِ ، رَحِيلٌ .

Туш. к. رَحِيلَيْنِ ، رَحِيلاً .

Шу билан бирга масдарларнинг феъллик хусусияти хам йўқ эмас. Масдар ҳосил бўлган феъл қайси предлогни талаб қилса, масдар хам тўлдирувчи ёки холни ўша предлог ёрдамида бошқаради. Масалан:

خَرَجْتُ إِلَى الشَّارِعِ – Мен кўчага чикдим.

الْخُرُوجُ إِلَى الشَّارِعِ – кўчага чиқиш.

سَأَلْتُ عَنْ الْوَجِبِ – Вазифани сўрадим.

السُّؤَالُ عَنْ الْوَجِبِ – вазифани сўраш.

Агар феъл ўзидан кейинги отни тушум келишиги ёрдамида бошқарса, шу феълнинг масдари ўша от билан изофа ҳосил қилади. Масалан:

زَرَعَ الْقَطْنَ – У (мз) пахта экди → زَرْعُ الْقَطْنِ – пахта экиш.

رَكِبْنَا الطَّائِرَةَ – Самолётга ўтирдик → رُكُوبُ الطَّائِرَةِ – самолётга ўтириш.

Барча тилларда бўлгани каби араб тилида хам кўпчилик сўзлар, шу жумладан масдарлар хам отлашади. Бу хол *субстантивация* деб юритилади. Масалан:

عَلِمَ – عَلِمَ – билиш → илм,

سَأَلَ – سُؤَالَ – сўраш → савол,

طَلَبَ – طَلَبَ – талаб қилиш → талаб.

Булар отга айланганидан кейин отлар қандай хусусиятга эга бўлса, улар хам шундай хусусиятларни қабул қиладилар – кўплик шаклига эга бўладилар:

عِلْمٌ → عُلُومٌ – илмлар,

سُؤَالٌ → أَسْئَلَةٌ – саволлар,

طَلَبٌ → طَلَبَاتٌ – талаблар.

Энг муҳими шундаки, улар масдар каби «нима килиш» саволига эмас, «нима» саволига жавоб бўлиб келади.

Масдарларнинг айтиб ўтилган грамматик хусусиятлари фақат I боб учун эмас, балки барча боблар учун умумийдир.

## § 71. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ МАСДАРИ

Юқорида айтилганидек, ҳар бир феъл ўзининг масдар ҳосил қилувчи вазнига эга. Бу нарса нотўғри феълларга ҳам тааллуқлидир. Лекин нотўғри феъллардан ҳосил бўлган масдарлар қуйидаги морфологик хусусиятларга эга:

1. Айрим солимсифат феълларнинг масдарида биринчи ўзак ундош тушиб қолади. Масалан:

صَلَّةٌ (a) → وَصَلَ (a) ; تَقَّةٌ (и) → وَتَّقَ (и) ; هِبَةٌ (a) → وَهَبَ (a) .

2. Ноқис феъллардан масдар فَعَالٌ , فَعَالٌ ёки فَعَالٌ вазнларида ҳосил бўлса, ҳарфи иллат ҳамза товушига ўзгаради. Масалан:

لِقَاءٌ (a) → لَقِيَ (a) ; وَفَاءٌ (и) → وَفَى (и) ; قَضَاءٌ (и) → قَضَى (и) ;

دُعَاءٌ (y) → دَعَا (y) ; بُكَاءٌ (и) → بَكَى (и) ; رَجَاءٌ (y) → رَجَا (y) .

Масдар юқоридаги вазнлардан бошқа вазнда ҳосил бўлса, бундай товуш ўзгариши ҳосил бўлмайди. Масалан:

رَبُّوْ (y) → رَبَا (y) ; جَنِّيْ (и) → جَنَى (и) ; دُنُوْ (y) → دَنَا (y) .

## Амалий машғулот учун топшириқлар

212-машқ. Қуйидаги феълларнинг масдарини ёд олинг ва уларнинг вазнини аниқланг:

<p>شَرِبَ (a) ичмоқ → شُرْبٌ</p> <p>ذَهَبَ (a) кетмоқ → ذُهُوبٌ, ذَهَابٌ</p> <p>قَرُبَ (y) яқинлашмоқ → قُرْبٌ</p> <p>عَلِمَ (a) билмоқ → عِلْمٌ</p> <p>فَتَحَ (a) очмоқ → فَتْحٌ</p> <p>كَتَبَ (y) ёзмоқ → كِتَابَةٌ</p> <p>كَرِهَ (y) хунук бўлмоқ → كِرَاهَةٌ</p> <p>سَهَّلَ (y) осон бўлмоқ → سُهُولَةٌ</p> <p>رَحَلَ (a) жўнамоқ → رَحِيلٌ</p> <p>قَبِلَ (a) қабул қилмоқ → قَبُولٌ</p> <p>دَرَسَ (y) ўрганмоқ → دِرَاسَةٌ</p> <p>نَهَضَ (a) ўриндан турмоқ, уйғонмоқ → نُهُوضٌ</p>	<p>نَزَلَ (u) тушмоқ → نَزُولٌ</p> <p>حَسُنَ (y) яхши бўлмоқ → حُسْنٌ</p> <p>فَهِمَ (a) тушунмоқ → فَهْمٌ</p> <p>دَخَلَ (y) кирмоқ → دُخُولٌ</p> <p>جَلَسَ (u) ўтирмоқ → جُلُوسٌ</p> <p>عَرَفَ (u) танимоқ → عَرِفَانٌ, مَعْرِفَةٌ</p> <p>سَمِعَ (a) эшитмоқ → سَمَاعٌ, سَمْعٌ</p> <p>عَفَرَ (u) кечирмоқ → عَفْرَانٌ, عَفْرٌ</p> <p>نَقَصَ (y) етмай қолмоқ → نَقْصٌ, نُقْصَانٌ</p> <p>سَكَنَ (y) истиқомат қилмоқ → سَكْنٌ</p> <p>ظَلَمَ (u) зулм қилмоқ → ظَلْمٌ</p>
--	---

213-машқ. Қуйидаги нотўғри феълларнинг масдарларини ёд олинг ва уларнинг вазнларини аниқлашга уриниб кўринг:

<p>زَادَ (u) зиёда бўлмоқ → زِيَادَةٌ (زيد)</p> <p>مَشَى (u) юрмоқ → مَشْيٌ (مشي)</p> <p>قَاضَى (u) алиштирмоқ → قَيْضٌ (قيض)</p>	<p>مَضَى (u) ўтиб кетмоқ → مَضِيٌّ, مَضُوءٌ (مضي)</p> <p>وَدَّ (a) хоҳламоқ → وَدٌّ (ودد)</p> <p>عَوَدَ (y) қайтмоқ → عَوْدَةٌ, عَوْدٌ (عود)</p>
---	--

ظَنَّ (y) ўйламоқ → ظَنُّ (ظنن)	بَدَأَ، بَدْأَةً (a) бошламоқ → بَدَأَ (بدأ)
وَتَوَقَّ، تَوَقُّ (u) ишонмоқ → وَتَقَّ (وثق)	بَوْرَمَ، زِيَارَةً (y) бормоқ, зиёрат қилмоқ → زِيَارَةً
عَيْشٌ، عَيْشَةٌ (u) яшамоқ → عَاشَ (عيش)	بُكَاءً (u) йиғламоқ → بَكَى (بكى)
طَابَ (u) яхши бўлмоқ → طَابَ (طيب)	ذَقَّ (y) жирингламоқ → ذَقَّ (دقق)
مَوْتٌ (y) ўлмоқ → مَاتَ (موت)	وَجَعٌ (a) оғриқни сезмоқ → وَجَعٌ
قَلَّ (u) озаймоқ → قَلَّ (قلل)	دَرَايَةً (u) билмоқ → دَرَى (درى)
شَكَوْ، شَكْوَى (y) шикоят қилмоқ → شَكَا (شكو)	مَجِيءً (u) келмоқ → جَاءَ (جيا)
دَوْرٌ، دَوْرَانٌ (y) айланмоқ → دَارَ (دور)	بَيَانٌ (u) аниқ бўлмоқ → بَانَ (بين)
قِيَامٌ (y) турмоқ → قَامَ (قوم)	بُنْيَانٌ (u) қурмоқ → بَنَى (بني)
أَكَلَ (y) емоқ → أَكَلَ (أكل)	بَقَاءً (a) қолмоқ → بَقِيَ (بقي)
	رَأَى، رُؤْيَةً (a) кўрмоқ → رَأَى (رأى)
	قَرَأَ (a) ўқимоқ → قَرَأَ (قرأ)

214-маишқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг ва ундаги мас- дарларнинг гапдаги вазифасини аниқланг:

- 1) قبل دخولي جامعة ثمنغان عملت عدة سنوات في مصنع تكرير القطن. (2) دراسة اللغة العربية أمر غير سهل. (3) قراءة الجرائد والمجلات الجديدة المختلفة مفيدة جدا. (4) فمضت من نومي باكرا للقيام بواجباتي المنزلية. (5) تركنا غرفة الجلوس ودخلنا غرفة الأكل فجلسنا حول المائدة. (6) طلبت عودة ابني سريعا إلى منزلنا. (7) قبل ذهابنا إلى سمرقند جمعنا ملابسنا ووضعناها في الحقيبة. (8) البقاء في الغابة منفردا أمر صعب جدا. (9) القيام بالتمارين الرياضية أمر مفيد جدا لصحة الإنسان. (10) بقينا في دار صديقنا لشرب فنجان أوفنجانين من الشاي الأخضر. (11) مجيء جميع الطلبة إلى الدروس شيء مهم

جدًا لفهم المواد الدراسية. 12) سهرتُ الليلة الماضية لسماع إذاعة صوت العرب.  
13) قبل ركوب القطار يجب عليكم شراء التذكرة من الشباك. 14) يذهب والدي في  
صيف كل سنة إلى الجبل لقضاء إجازته السنوية. 15) ينبغي لجميعنا أن نعرف وقت بدء  
الدروس في الكلية. 16) زيارة الأقارب والأصدقاء واجب كل منا.

## ЎН БИРИНЧИ МАТН

### علي والصدى

ذهب علي ذات يوم إلى جبل من الجبال الخضراء وبينما هو يمشي في الطريق وصل إلى  
مرج قريب من غابة كثيرة الأشجار. وفيما هو يلعب في المرج فر من أمامه طير فصرخ علي  
من الخوف فرجع إليه الصدى في الحال. أما علي فعجب من ذلك كثيرا لأنه ما كان يعرف  
قبل ذلك ما هو الصدى وظن هذا الصراخ صراخ ولد موجود في الغابة. فقال: من أنت يا  
هذا؟ فجاء الصدى: من أنت يا هذا؟ فصرخ علي بأعلى صوته: أنت أحق فجاء الصدى:  
أنت أحق. وعند ذلك زاد غضب علي وبدأ يسب ويشتم وكان الصدى يرد إليه شتائه  
كلمة فكلمة. وعند ذلك أخذ علي يبحث عن ذلك الولد ولما لم يجده عاد إلى بيته وشكا  
أمره إلى أبيه فقال له: يا أبتاه، كان ولد مختبئا وفعل أشياء غريبة فأخذت أسبه فرد عليّ  
بنفس السب فبحثت عنه فلم أجد أحدا. فقال أبوه: يا بني، لم تسمع سوى صدى  
كلامك. أنت بدأت الشتم فرجع إليك صده من وسط الغابة ولا عجب من ذلك. يقال  
من طرق الباب سمع الجواب وبلاء الإنسان من اللسان.

( билан ўзгартишлар айрим 2-қисмидан китобининг مبدأ القراءة )

215-машқ. Ўн биринчи матнни дафтарингизга кўчи-  
ринг, ҳаракатларини қўйинг, нотаниш сўзларини ўрга-  
нинг ва ўзбекчага ўғиринг.

216-машқ. Ўн биринчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) إلى أين ذهب علي؟ 2) ماذا يوجد قرب الغابة؟ 3) هل الغابة قليلة الأشجار؟
- 4) متى فر من أمام علي طير؟ 5) مما عجب علي؟ 6) هل كان علي يعرف ما هو الصدى؟ 7) ماذا قال علي؟ 8) لماذا صرخ علي بأعلى صوته؟ 9) لماذا بدأ علي يثتم؟ 10) عن أي شيء بحث علي؟ 11) ماذا قال علي لأبيه؟ 13) كيف رد له الجواب أبوه؟

217-машқ. Матн охирида берилган қуйидаги маталларни ёдланг ва ўзбекча эквивалентини топинг:

- 1) من طرق الباب سمع الجواب 2) بلاء الإنسان من اللسان

218-машқ. Матн ичидаги масдарларни топинг, уларнинг гапдаги вазифасини изоҳланг ва вазнларини топинг.

219-машқ. Керакли ўринларда масдарлардан фойдаланиб, қуйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Университетда ўқиш катта бахтдир. 2. Илмий китобларни ўқиш учун кутубхонага борамиз. 3. Бу кичик шаҳарда яшаш қулайдир. 4. Арабча газета ва журналларнинг озлиги талабалар учун зарарлидир. 5. Фонтан қаршисида ўтиришдан чарчадим. 6. Узоқ кишлоқлардан бирида яшашни хоҳлайман. 7. Қадимий шеърларни тушунишимиз керак. 8. Илмий ва бадиий китоблардан олиш учун университет кутубхонасига бориш керак. 9. Дарахтлар билан тўла ўрмонда сайр қилмоқчимиз. 10. Азиз иштирокчилар университет ректори қабулида

бўл-дилар. 11. Илм мол-дунёдан кимматлироқдир.  
12. Уйқудан тургандан кейин юз-кўлимни юваман.  
13. Хонага киришингиздан олдин эшикни тақиллатинг  
(мн.). 14. Наманганга қайтганимдан кейин араб тили  
ўқитувчиси бўлиб ишладим. 15. Араб мамлакатлари  
радиоэшиттиришларини тинглаш араб бўлими талаба-  
лари учун жуда фойдалидир.

*220-машиқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар  
иштирокида гап тузинг:*

يا بُني، في الحال، مدينة الإسكندرية، لا عجب من ذلك، فيما هو يلعب، أماكن  
جميلة، ميناء الإسكندرية، بلادنا الحبيبة، حول المائدة، ضواحي المدينة، جريدة الجامعة،  
في المستقبل القريب، أيها الضيوف الأعزاء، بأعلى صوته، بينما هو يمشي، ذات يوم،  
من وسط الغابة، أشياء غريبة، كلمة فكلمة، عدة سنوات، قراءة الجرائد والمجلات،  
غرفة الجلوس، الليلة الماضية، شراء التذكرة، الإجازة السنوية، عند ذلك، يا أبتاه،  
صدى الكلام، غابة كثيرة الأشجار، زيارة الأقارب والأصدقاء؛

## ЎН ИККИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

أَخْتٌ кўп. أَخَوَاتٌ опа, сингил	أَحْجَامٌ кўп. حَجْمٌ хажм
أَرْزٌ гуруч	حَلْوَى ширинлик
إِشَارَةٌ ишора	خَضِرٌ кўкат
أَنْشُودَةٌ кўп. أَنَاشِيدٌ ашула	I دَوَامٌ (y) دَوَامٌ давом этмок, چўзилмок
أَهْلٌ кўп. أَهَالٌ аҳоли, эл	دُجَاجٌ товук
بَاجِلٌ Ямандаги қишлоқ номи	I دَعَا (y) دَعْوَةٌ таклиф қилмок, чорламок
بَدْوٌ бадавийлар	I دَلٌ (y) далолат бермок
بَعْدَمَا شَرِبْنَا ичиб	I ذَكَرٌ (y) ذِكْرٌ эсламок, хотирламок
бўлганимиздан сўнг	I رَاحٌ (y) бошламок
I بَلَعٌ (a) بَلَعٌ ютмок, ютиб	رَسْمِيٌّ расмий
юбөрмок	رَقْصٌ ўйин, рақс
بُنٌ қаҳва дони	I رَقْصٌ (y) رَقْصٌ рақс тушмок, ўйнамок
تُرْكِيٌّ кўп. تُرْكٌ турк	I زَرَعٌ (a) زَرْعٌ экмок
تَنَاوُلٌ тановул қилиш	سَافِرٌ юзи очик, ниқобсиз
تِهَامَةٌ Тихома ( <i>жой номи</i> )	سَاكِنٌ кўп. سُكَّانٌ яшовчи
ثِقَّةٌ ишонч	سَبَبٌ кўп. أَسْبَابٌ сабаб
جَانِبٌ кўп. جَوَانِبٌ ён, биқин	سِمَاطٌ кўп. أَسْمِطَةٌ дастурхон
جَمَاهِيرٌ кўп. جَمَاهِيرٌ оломон, тўда	
جَوْعَانٌ очикқан, оч	
حَارٌّ аччиқ ( <i>таом ҳақида</i> )	
حِجَابٌ парда, тўсик	

عَشْرَةَ кўн. قَوَاعِدُ коида  
 иккидан ошмайди  
 شَأْنُ кўн. شُؤْنٌ алоқа, иш  
 شِعَاعٌ кўн. أَشْعَاءُ нур  
 شَعِيرٌ арпа  
 I شَهِدَ (a) شُهُودٌ (ниманингдир)  
 гувоҳи бўлмоқ  
 صَاحِبٌ кўн. أَصْحَابٌ соҳиб, эга  
 صُنْدُوقٌ кўн. صِنَادِيقٌ кути, коробка  
 I صَنَعَ (a) صُنْعٌ (ниманидир)  
 ясамоқ, яратмоқ, ҳосил қилмоқ  
 I ضَحِكَ (a) ضَحْكٌ кулмоқ  
 ضَرْبُ الطُّبُولِ ногораларнинг  
 гумбурлаши  
 طَرَفٌ кўн. أَطْرَافٌ тараф, томон  
 عَرُوسٌ келин  
 عَرِيْسٌ куёв  
 عُرُوبٌ куннинг ботиши  
 I غَفَرَ (u) مَغْفِرَةٌ кечирмоқ  
 I غَلَى (u) غَلِيٌّ қайнамоқ  
 فَقِيرٌ кўн. فُقَرَاءٌ камбағал  
 فُلْفُلٌ кўн. فَلَافِلٌ қалампир  
 فِيْمَا يَلِي كуйида  
 I قَارَى (u) قَرَاءٌ (ниманидир)  
 ўқувчи, ўқиётган

قَوَاعِدُ кўн. قَوَاعِدُ коида  
 قُبْعَةٌ шляпа  
 I قَبِلَ (a) قَبُولٌ қабул қилмоқ  
 I قَتَلَ (y) قَتْلٌ ўлдирмоқ  
 I قَدِمَ (a) قُدُومٌ келмоқ  
 قُرْفُصَاءٌ чўккалаб  
 قَشْرٌ бугдой пояси, сомон  
 قَشْرٌ қаҳва дони пўстлоғидан  
 тайёрланган ичимлик  
 قَمَحٌ бугдой  
 قَمِيصٌ кўн. قَمِيصَاتٌ эркаклар  
 кўйлаги, сорочка  
 كُمٌ кўн. أَكْمَامٌ кўйлак енги  
 لَعِبٌ кўн. أَلْعَابٌ ўйин  
 لُقْمَةٌ кўн. لُقَمٌ лукма, бўлак  
 مُخْرِقٌ ёндирувчи,  
 ёндирадиган  
 مُدَّةٌ муддат  
 مُدِيرٌ мудир, бошлик  
 مَرَضٌ кўн. أَمْرَاضٌ касаллик  
 مَرَاكِزٌ кўн. مَرَاكِزٌ марказ  
 مَرَّةٌ кўн. مَرَارٌ марта  
 I مَشَى (u) مَشْيٌ юрмоқ, пиёда  
 юрмоқ

مَعْنَوِيَّ	рамзий	وَجَعُ	огрик
مَلْعَبٍ	кўп. مَلْعَبُ ўйингоҳ, стадион	وَصَفَّ	васф, таъриф
مَوَاقِبَ	кўп. مَوَاقِبُ саф-саф бўлиб юриш	I وَصَفَّ (u)	таърифламоқ, тавсифламоқ
مَوَاقِبَ مِنَ النَّاسِ	саф-саф одамлар	I وَوَلِيَّ (u)	куйида келмоқ, (ниманингдир) кейинида бўлмоқ
I نَشَدًا (y)	куйламоқ, ашула айтмоқ	الْيَمَنُ	Яман
هَجْرًا	кўп. هَجْرًا тезюрар туя		

## § 72. МАСДАРИ МУТЛАҚ

Феълнинг масдари гап таркибида баъзан шу феълдан англашилган маънони кучайтириш учун ишлатилиши мумкин. Бу вазифадаги масдар масдари мутлақ дейилади ва у гапнинг охирида ноаниқ ҳолда тушум келишигида келади. Масалан:

ضَرَبُوا اللَّصَّ ضَرْبًا – Ўғрини қаттиқ урдилар.

Масдари мутлақ ўзидан кейин мослашган аниқловчиси билан келиши мумкин. Бу аниқловчи, табиийки, масдар билан тўла мослашган бўлади.

Масалан:

ضَحِكَ الطَّالِبُ ضَحْكًا شَدِيدًا – Талаба қаттиқ кулди.

Баъзан масдар ўзининг мослашмаган аниқловчиси билан келиши мумкин. Масалан:

طَرَدَنِي طَرْدًا أَلْغَرِيبِ – У мени бегонани хайдагандек хайдади.

Баъзан эса масдари мутлақдан олдин **كُلُّ** , **أَشَدُّ** сўзлари тушум келишигида келиб, масдари мутлақ уларга нисбатан музоф илайҳи бўлиб келиши мумкин. Бу изофа ҳам феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг даражасини ошириш учун хизмат қилади:

**حَبَّتِ الْأُمُّ أَوْلَادَهَا كُلَّ الْحَبِّ** – Она фарзандларини қаттиқ севарди.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*221-машқ. Қуйидаги гаплар ичидан масдари мутлақни топинг, унинг шаклланишини изоҳланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:*

- 1) قرأ أحمد الدرس قراءة جيدة. 2) يا طلبة، هل تعرفون النص كل المعرفة؟ 3) في تلك السنوات عشنا عيشة سعيدة. 4) وضحكنا ضحك طفلين معا. 5) فهم فريد الموضوع فهم طالب علم حقيقي. 6) سمعت جدي هذه الحكاية فبكت بكاء شديدا جدا. 7) أكل أخي الصغير غداءه أكل الجوعان. 8) يجب علينا أن نعرف هذه القواعد حق المعرفة. 9) يا فاطمة، نحن نثق بك ثقة الوالدين. 10) شكوا المريض من مرضه شكوا طويلا. 11) زار رئيس جمهورية مصر العربية أوزبكستان زيارة رسمية. 12) يا كريمة، لماذا تجلسين هنا جلوس القرفصاء؟

*222-машқ. Қавс ичидаги сўзларни арабчага ўғириб, қуйидаги гапларни тўлгазинг:*

- 1) أكلنا عشاءنا أمس (оч киши овқатланганидек) 2) سيزور رئيسنا الجمهورية العربية اليمنية ( расмий бўлмаган визит билан ) 3) يا هند لم تجلسين هنا (бегоналар ўтирганидек) ؟ 4) يعرف أستاذنا قواعد

اللغة العربية (олимлар билганидек) 5. يا خديجة، اقرني هذا النص بسرعة  
 ولا تقرنيه (ёш бола ўқиганидек) 6. لا تظلموا الفقراء (жуда  
 (каттик) 7. جلس الأصدقاء في البستان مدة طويلة وضحكوا (жуда каттик  
 8. وددنا والدينا (жуда каттик) 9. عاش جبران خليل جبران في لبنان وأمريكا  
 10. قل الماء في النهر (жуда тез) (жуда тез) (жуда тез) (жуда тез)

223-машиқ. Қуйидаги гапларни масдари мутлақни ишлатган ҳолда арабчага ўғиринг:

1. Телефон каттик жиринглади. 2. Талабалар, ўтган мавзунни жуда яхши биласизларми? 3. Расмий бўлмаган зиёрат билан Саудия Арабистонига бормокчиман. 4. Биз мумтоз шоирларимизнинг шеърларини жуда яхши ўрганишимиз керак. 5. Зайнаб, нимага ёш болага ўхшаб (ёш бола йиғлагандек) йиғлайсиз? 6. Ўқувчилар бу матнни жуда тез тушуниб олдилар. 7. Қўшнилари ўғрини роса уришди. 8. Талабалар, ўринларингизга яхшилаб ўтириб олинглар. 9. Мен кеча Кувейт давлати радиоэшиттиришини жуда яхшилаб эшитдим. 10. Ўқувчилар дарсда арабча матнни жуда яхши ўқишади.

## § 73. СИФАТДОШЛАР

Сифатдошлар араб тилида феълдан ҳосил бўлган ва ўзида ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларини мужассамлаштирган сўзлардир. Араб тилидаги сифатдошларнинг ўзбек тилидагидан фарқи шуки, ўзбек тилида улар замонга қараб ўзгарса (борган, бораётган, боражак), араб тилида барча замонлар учун бир хил шаклга эга.

Сифатдошлар икки хил бўлади:

1. Аниқ нисбат сифатдошлари. Булар I боб феълидан **فَاعِلٌ** вазнида ҳосил бўлади ва феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг бажарувчисини (субъектини) билдиради. Масалан: **دَخَلَ** → **دَاخِلٌ** – кирувчи,

**شَرِبَ** → **شَارِبٌ** – ичувчи,

**قَرَأَ** → **قَارِئٌ** – ўқувчи (китобни).

Бу сўзлар исм тоифасидаги бошқа сўзлар каби **ال** артиклини олиши, жинсда ва сонда ҳамда келишиқда турланиши мумкин. Масалан:

**الدَّاخِلُونَ** – **الدَّاخِلَانُ** – **الدَّاخِلُ** .

**الدَّاخِلَاتُ** – **الدَّاخِلَتَانِ** – **الدَّاخِلَةُ** .

Эслатма. Музаккар сифатдошнинг кўплиги синик кўплик шаклида бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи томондан, феълдан кейин тўлдирувчи ёки хол предлоглар ёрдамида бошқарилса, шу феълдан ҳосил бўлган сифатдош ҳам ўша предлог ёрдамида бошқаради. Масалан:

**خَرَجْتُ إِلَى الشَّارِعِ** – Кўчага чиқдим.

**الْخَارِجُ إِلَى الشَّارِعِ** – кўчага чиқувчи.

2. Мажхул нисбат сифатдошлари. Булар I боб феълидан **مَفْعُولٌ** вазнида ҳосил бўлади ва ифодалаган иш-ҳаракат объекти бўлган предметни ёки ўша иш - ҳаракат натижасида ҳосил бўлган натижани (иш-ҳаракат натижасини) билдиради. Масалан:

**فَتَحَ** → **مَفْتُوحٌ** – очилган,

**شَرِبَ** → **مَشْرُوبٌ** – ичилган,

مَقْتُولٌ → قَتَلَ – ўлдирилган.

Булар ҳам аниқ нисбат сифатдошлари каби исмларга хос умумий хусусиятларга эга. Масалан:

الْمَقْتُولُونَ – الْمَقْتُولَانِ – الْمَقْتُولُ .

الْمَقْتُولَاتُ – الْمَقْتُولَتَانِ – الْمَقْتُولَةُ .

Агар мажхул нисбат сифатдоши ўзидан кейин у ёки бу предлогни талаб қиладиган феълдан ясалган бўлса, у жинсда ва сонда ўзгармасдан доим музаккар бирликда ишлатилади. Жинс ва сонда эса сифатдошдан кейин келувчи предлогга қўшилиб келган олмош мослашади. Масалан: *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِمَا* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِ* → *غَضِبَ عَلَى* - *غازابланмоқ* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِمْ* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِنَّ* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِمَا* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهَا* , *مَغْضُوبٌ عَلَيْهِمْ* .

Аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари гапда турли вазифаларни бажаради:

1. Улар масдар каби отлашиши ва гапда от бажарадиган вазифани бажариши мумкин. Масалан:

عَالِمٌ – عَلِيمٌ – билувчи → عَالِمٌ – олим,

مَنْشُورٌ – مَنْشُورٌ – тарқатилган → مَنْشُورٌ – варақа.

2. Сифатдошлар кўпинча гапда мослашган аниқловчи вазифасида келади. Масалан:

رَجُلٌ مَشْهُورٌ – машхур одам,

طَالِبَاتٌ عَاقِلَاتٌ – ақлли талаба қизлар.

3. Гапнинг кесими вазифасини бажаради ва бундан нутқ сўзланиб турган пайтда амалга ошаётган иш-ҳаракатни ифодалайди. Масалан:

أَنَا ذَاهِبٌ – Мен кетаяпман,

هُنَّ جَالِسَاتٌ – Улар (мн) ўтириптилар.

Сифатдошларнинг юқорида зикр этилган грамматик хусусиятлари барча боблар учун умумийдир.

## § 74. НОТЎҒРИ ФЕЪЛЛАРНИНГ СИФАТДОШЛАРИ

I. Иккиланган феълларнинг аниқ нисбат сифатдоши куйидагича ясалади:

دَلُّ (y) – فَاعِلٌ – دَالٌّ → دَالٌ – далолат берувчи,

دَبُّ (и) – فَاعِلٌ – دَابِبٌ → دَابٌّ – судралувчи.

Бу феълларнинг мажхул нисбат сифатдошида иккита бир хил ундош ўртасидаги унли чўзик бўлганлиги сабабли, товуш ўзгариши содир бўлмайди. Масалан:

دَلُّ (y) – مَفْعُولٌ – مَذْلُومٌ .

دَبُّ (y) – مَفْعُولٌ – مَشْدُودٌ .

II. Ҳамзали феълларда ҳам сифатдошлар ҳамзанинг имлосини ҳисобга олмаганда, солим феъллар сифатдошларидан фарқ қилмайди. Масалан:

أَكَلٌ (y) – فَاعِلٌ – آكَلٌ , مَأْكُولٌ – مَفْعُولٌ ,

سَأَلَ (a) – فَاعِلٌ – سَأَلَ , مَسْئُولٌ – مَفْعُولٌ ,

مَقْرُوءٌ – مَفْعُولٌ , قَارِئٌ – فَاعِلٌ – قَرَأَ (a) .

III. Заиф феъллар:

I. Солимсифат феълларнинг сифатдошлари солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

مَوْصُولٌ – مَفْعُولٌ , وَاصِلٌ – فَاعِلٌ – وَصَلَ (и) ,

مَيْسُورٌ – مَفْعُولٌ , يَاسِرٌ – فَاعِلٌ – يَسَرَ (a) .

2. Ажваф феълларнинг аниқ нисбат сифатдошида иккинчи ўзак ундош бўлган **و** ёки **ى** ҳарфи ҳамзага айланади. Масалан:

قَالَ (y) – فَاعِلٌ – قَاوِلٌ → قَانِلٌ ,

سَارَ (и) – فَاعِلٌ – سَايِرٌ → سَانِرٌ ,

خَافَ (a) – فَاعِلٌ – خَاوِفٌ → خَانِفٌ .

Ажваф феълларнинг мажҳул нисбат сифатдошлари:

а) агар феълнинг иккинчи ўзак ундоши **و** ҳарфидан иборат бўлса, қуйидагича ҳосил бўлади:

قَالَ (y) – مَفْعُولٌ – مَقْوُولٌ → مَقُولٌ ,

خَافَ (a) – مَفْعُولٌ – مَخْوُوفٌ → مَخُوفٌ .

б) агар феълнинг иккинчи ўзак ундоши **ى** ҳарфидан иборат бўлса, қуйидагича ҳосил бўлади:

سَارَ (и) – مَفْعُولٌ – مَسْيُورٌ → مَسِيرٌ ,

بَاعَ (и) – مَفْعُولٌ – مَبْيُوعٌ → مَبِيعٌ .

3. Ноқис феъллар:

а) ноқис феълларнинг аниқ нисбат сифатдоши учинчи ўзак ундошни бутунлай тушириб қолдириб, ўрнига – танвин касра қўйиш билан (муаннас шаклида эса **ى** ҳарфини орттириш билан) ҳосил қилинади. Лекин сифатдош аниқ ҳолатда келганида, танвин йўқолиб, ўрнига **ى** ҳарфи орттирилади. Масалан:

Феъл	Музаккар		Муаннас	
	Ноаник ҳолат	Аник ҳолат	Ноаник ҳолат	Аник ҳолат
بَكِي	بَاك	أَلْبَاكِي	بَاكِيَّة	أَلْبَاكِيَّة
دَنَا	دَان	أَلْدَانِي	دَانِيَّة	أَلْدَانِيَّة
لَقِي	لَاق	أَلْلَاقِي	لَاقِيَّة	أَلْلَاقِيَّة

بَاك , دَان , لَاق шаклидаги бу сифатдошлар келишикларда куйидагича турланади:

	Бош келишик	Қаратқич келишиги	Тушум келишиги
Ноаник ҳолатда	بَاك	بَاك	بَاكِيَا
Аник ҳолатда	أَلْبَاكِي	أَلْبَاكِي	أَلْبَاكِي

Булар сонда куйидагича тусланади. Масалан:

بَكِي (и) – феълидан:

Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
мз	أَلْبَاكِي بَاك	أَلْبَاكِيَانِ بَاكِيَانِ	أَلْبَاكُونِ بَاكُونِ
мн	أَلْبَاكِيَّة بَاكِيَّة	أَلْبَاكِيَّانِ بَاكِيَّانِ	أَلْبَاكِيَّاتُ بَاكِيَّاتُ

б) мажхул нисбат сифатдошлари:

1) агар учинчи ўзак ундош , ҳарфидан иборат бўлса, куйидагича ҳосил бўлади:

مَدَثُوْ → مَدَثُوْوْ – مَفْعُوْلٌ – دَنَا (y)

2) агар учинчи ўзак ундош *ى* харфидан иборат бўлса, куйидагича ҳосил бўлади:

مَرْمِيٌّ → مَرْمُوءِيٌّ - مَفْعُولٌ - (и) رَمَى .

Мазкур сифатдошларнинг иккилик ва кўплик формалари умумий қоида асосида ясалади.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

224-машқ. Қуйидаги сифатдошларнинг маъносини аниқланг:

1) كَاتِبٌ	2) سَاكِتٌ	3) كَاشِفٌ	4) مَطْرُودٌ	5) مَضْرُوبٌ
6) مَوْلُودٌ	7) مَمْلُوكٌ	8) طَارِقَةٌ	9) طَارِقٌ	10) رَاكِبٌ
11) ظَالِمٌ	12) مَتْرُوكٌ	13) مَذْرُوسٌ	14) مَقْصُودٌ	15) مَنْظُورٌ
16) جَامِعٌ	17) صَارِخٌ	18) قَاطِعٌ	19) قَافِزٌ	20) مَدْفُوعٌ

225-машқ. Қуйидаги нотўғри феълларнинг аниқ ва мажхул нисбат сифатдошларини ҳосил қилинг ва маъносини аниқланг:

(دب) دَبَّ (y) - эмакламок	(بنى) بَنَى (u) - курмок,
(بدأ) بَدَأَ (a) - бошламок,	(زيد) زَادَ (u) - кўпаймок,
(أوى) أَوَى (u) - паноҳ изламок,	(خبا) خَبَأَ (a) - яширмок,
(أوب) آبَ (y) - қайтмок,	(أسف) أَسَفَ (a) - афсусланмок,
(جاء) جَاءَ (u) - келмок,	(بقي) بَقِيَ (a) - қолмок,
(قول) قَالَ (y) - демоқ,	(أتى) أَتَى (u) - келмок,
(وعد) وَعَدَ (u) - ваъда бермок,	(رأى) رَأَى (a) - кўрмок,
(سأل) سَأَلَ (a) - сўрамок,	(بكى) بَكَى (u) - йиғламок,

(a) قَرَأَ (قرأ) – ўқимок,  
 (y) رَجَا (رجو) – илтимос  
 қилмок,  
 (y) دَنَا (دنو) – яқинлашмок,

(u) بَاعَ (بيع) – сотмок.

226-машқ. Қавс ичидаги феъллардан гапнинг мазмунига қараб аниқ ёки мажхул нисбат сифатдоши ҳосил қилинг ва заруратга кўра уларни турланг:

- 1) نحن (سَرًّا) بهذا اللقاء. 2) ميخائيل نعيمة (كَتَبَ) لبناني (شَهْرًا). 3) باب الغرفة كان (فَتَحَ). 4) كان التلاميذ (جَلَسَ) على مقاعدهم. 5) إلى أين (ذَهَبَ) أنتم؟ 6) رأيت ولدا (صَرَخَ) في بيت أحد من جيراننا. 7) النقود شيء (عَرَفَ) عند جميع الشعوب. 8) (بنى) هذا المتحف الضخم معماري (شَهْرًا) جدا في جمهوريتنا. 9) في يوم الأحد الـ (مَضَى) قمنا برحلة إلى ضاحية من ضواحي طشقند. 10) هل أنت (فهِمَ) كلامي؟ 11) يجب علينا أن ندخل غرفة (فَتَحَ) لنقرأ درسا ال (مَضَى). 12) أنا (أَسَفَ) جدا يا أستاذي لم أقم بواجباتي المنزلية. 13) أرجوكم أن تكونوا (سَمِعَ) للدرس. 14) – هل أولئك البنات (طَلَبَ)؟ – لا هن لسن بـ (طَلَبَ)، بل (عَمِلَ) في مصنع تكرير القطن. 15) هل رأيت يا عزيزي المرأة الـ (بَكَى) في الطريق؟

227-машқ. Қуйидаги гаплардан сифатдошларни топинг, уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг ва гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) أحد الأساتذة المشهورين المصريين يعمل مدرسا في جامعتنا. 2) هل محاضرة الأستاذ المشهور عن سياسة أوزبكستان الخارجية مفهومة؟ 3) أ تسمعين قلبا شاكيا من وجعه؟ 4) مررت بقاعة المطالعة ورأيت هناك قراء الجرائد والمجلات الجديدة. 5) هل أنت نازلة في المحطة الآتية؟ 6) يا عالم الأسرار اغفر لنا ولآبائنا وأمهاتنا. 7) أخذ البائع

النقود المدفوعة ووضعها في صندوقه الخاص. 8) يا طارق الباب ادخل البيت واجلس بجانب الشابة العاقلة. 9) علينا أن نشرب الماء المغلي فقط. 10) أكل الضيوف في الغداء اللحم المشوي مع الخبز وشربوا فنجانا أو فنجانين من المشروبات الباردة. 11) يا رجلا، لا تترك اليد الممدودة إليك دون اهتمام. 12) معظم الأطفال المولودين في السنة الماضية موجودون في تلك الغرفة المرئية. 13) لا أستطيع أن أنظر إلى العيون الباكية. 14) قد جاء الوقت الموعود فذهبنا لزيارة المتحف المذكور. 15) المربيات مسنولات عن الأطفال أمام والديهم. 16) اليد العاملة ضرورية في كل مصنع ومعمل. 17) جاء محمود بالنقود المطلوبة ودفعها للبائع. 18) البساط الملون مفروش على الأرض. 19) هذه القصة الممتعة الجديدة للكاتب الأوزبكي المشهور. 20) سكان هذا المبنى الجديد الجميل مدرسو كلية الآداب الأوزبكية.

*228-машиқ. Қуйидаги ибораларнинг арабча вариантини топинг ва улар иштирокида гап тузинг:*

Сўзма-сўз; отажон!; яқин келажак; бунинг ажабланарли жойи йўқ; ўша захоти; у кетаётган пайтда; бор овози билан; бир куни; отасидан (мз.) кўркиб; уни топмагач...; эй, ўғил-чам!; араб мамлакатлари радио-эшиттиришлари; университет кутубхонаси; дарахтлар билан тўла ўрмон; ректор қабули; илмий китоблар; газета ва журналларнинг озлиги; узок кишлоқлардан бирида; бадий китобларни олиш учун; чиптахона туйнуги; поездга ўтиришдан олдин; ҳар йили ёзда; дарсларнинг бошланиш пайти; бадантарбия машқларини бажариш.

*229-машиқ. Қуйидаги гапларни арабчага ўгиринг:*

1. Азиз меҳмонлар, салқин ичимликлардан ичинглар.
2. Навбатдаги бекатда мен тушишим керак.
3. – Нимага

сиз (мз.) бакирдингиз, нимадан кўрқаяпсиз? 4. Дехкон аёллар даладан уйларига қайтаяптилар. 5. Унинг (мз.) сўкишларини сўзма-сўз эшитдим ва ўзимга дедим: «У hozир каттиқ ғазабланаётир». 6. Отагинам, нима учун бор ҳақиқатни бизга айтмаяпсиз? 7. Ҳой эшикни тақиллатаётган киши, жавобимни эшитинг. 8. Биз ўртоқларимиз билан ўтлоққа бордик ва у ерда шахмат ўйнадик. Биз шахмат ўйнар эканмиз, бор овози билан бакираётган одамни кўрдик. Бакираётган овоз бизнинг ёнгинамизда эди. 9. Пиёда кетаётган одамлар орасида менинг акам ҳам бор эди. Улар ям-яшил тоғлардан бирига кетишяпти. 10. Олтин пуллар ҳозир жуда оздир. 11. – Сиз (мн.) бирор сигир сотиб олмоқчимисиз? Пулингиз олдиндан тўланганми? – Йўқ, пул олдиндан тўланган эмас. Сотиладиган сигирни мен ҳали кўрганим йўқ. 12. Инсон томонидан кашф этилган олтин ва кумушни кичкина бўлакчалар қилиб кўйдилар. 13. Улуғбек мадрасаси машҳур меъморлар томонидан қурилган. 14. Келгуси таътилда Шоҳимардон тоғларига бормоқчимиз. Ўтган ҳафтада дўстларимиздан бир гуруҳи у ерга боришди ва баланд тоғлар орасидаги қишлоққа киришди. 15. Ичилган чой учун пул тўламай туриб, қаерга кетаяпсиз, биродар?

## § 75. ҲОЛ

### (РАВИШ, МАҚСАД ВА САБАБ ҲОЛЛАРИ)

**1. Равиш холи.** Иш - ҳаракатнинг бажарилиш жараёнидаги субъектнинг ҳолатини билдирувчи бўлак равиш холи дейилади ва у қай тарзда, қай вазиятда,

кандай сўроқларига жавоб бўлади. Равиш ҳоли бўлиб келган сўз одатда ноаниқ ҳолатда тушум келишигида бўлади. Масалан,

قَرَأَ الطُّلَابُ هَذَا النَّصَّ جُمْلَةً جُمْلَةً - Талабалар матнни жумла-жумла қилиб (жумлаларга ажратиб) ўқидилар.

جِئْنَا هُنَا طَاعَةً لِأَمْرِكُمْ - Амрингизга биноан (итоат этган ҳолда) бу ерга келдик.

Равиш ҳоли баъзан аниқ нисбат сифатдошидан шаклланиши мумкин ва бунда сифатдош иш-харакатнинг субъекти билан жинсда ва сонда мослашиши керак. Масалан,

خَرَجَ الطَّالِبُ مِنْ بَيْتِهِ ضَاحِكًا - Талаба уйдан кулиб туриб чикди.

خَرَجَ الطُّلَابُ مِنْ بَيْتِهِمْ ضَاحِكِينَ - Талабалар уйларидан кулиб туриб чикдилар.

خَرَجَتِ الطَّالِبَةُ مِنْ بَيْتِهَا ضَاحِكَةً - Толиба қиз уйдан кулиб туриб чикди.

Агар сифатдош ўзидан кейин тушум келишигини талаб қилувчи феълдан шаклланган бўлса, шу хусусият сифатдошда ҳам сақланиб қолади. Масалан,

وَصَلَ صَدِيقِي إِلَيْنَا رَاكِبًا سَيَّارَتَهُ - Дўстим бизникига машинасини миниб келди.

Равиш ҳоли гоҳо субъектнинг эмас, балки объектнинг ҳолатини билдириши ҳам мумкин ва бунда, табиийки, ҳол объект билан сонда ва жинсда мослашади. Масалан,

دَخَلْتُ الْبَيْتَانَ مُزْهَرًا

دَخَلْتُ الحَدِيقَةَ مُزْهَرَةً – Мен боққа яшнаб турган ҳолатида кирдим.

**2. Мақсад ва сабаб ҳоли.** Иш-ҳаракатни бажаришдан кўзланган мақсад ёки иш-ҳаракатнинг бажарилиш сабабини билдирувчи бу сўзлар ноаниқ ҳолатда тушум келишигида келган масдарлар ёрдамида шаклланади. Масалан,

قَالَ لِابْنِهِ هَذَا الكَلَامَ تَأْذِيًا لَهُ - Ўғлига бу гапни одоб бериш ниятида айтди.

صَرَخَتْ الأُمُّ غَضَبًا - Она ғазабдан бакирди.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*230-машиқ. Қуйидаги гапларни ўзбекчага ўғиринг ва ундаги ҳолларни топиб, турини аниқланг:*

- 1) خرج الطلاب من قاعة المحاضرة مسرورين. (2) أكل أخي الصغير اللحم مشويا.
- 3) أتاني تلميذي سائلاً الكتب العربية الجديدة. (4) دخل أحمد درس اللغة العربية اليوم متأخراً قليلاً. (5) جاءتني الطفلة باكية ورجعت من عندي ضاحكة. (6) رأيت أخواني راجعات من مركز المدينة. (7) هل ذهبتم إلى زيارة أستاذكم راكبين أم ماشين؟ (8) لماذا تتركين نافذة غرفتك مفتوحة؟ (9) بعد فموضي أغسل وجهي ويدي وأكمل فطوري بسرعة.
- 10) دخل الزائران المطعم طالبين فنجانا من القهوة. (11) كان الطالب يدرس اللغة العربية كثيراً. (12) اقرؤوا مقالة الجريدة الرئيسية جملة جملة. (13) اجلسوا أيها الطلبة واسمعوا كلام أستاذكم بكل اهتمام. (14) زرت بغداد عاصمة العراق منذ سنتين. (15) ذهبنا منذ أسبوعين إلى قناة السويس. (16) يقع بيتي بعيداً عن المعهد ولهذا السبب أفض من نومي صباحاً باكراً. (17) متى وصلتكم أيها الطلبة من بلادكم؟ (18) أنا ذهبت إلى القرية لأزور جدي وجدتي وبقيت هناك عدة أيام ورجعت من هناك البارحة. (19) يا أستاذ، هل تسمح

لي أن أجلس أمامك؟ (20) جلس الزوار عند المدير نصف ساعة. (21) سيزور معهدنا غدا ضيوف من إحدى جامعات مصر.

231-ماشق. *Қавс ичидаги ҳолларни арабчага ўгириб, қуйидаги гапларни тўлгазинг:*

1) جلس الضيوف لدى الوزير (икки соат). (2) وضعت الأم ( стол )  
(устига) رغيفا وسكرا وبعض الفناجين. (3) هما لعبا بالشطرنج (тонггача).  
(4) قرأ أحمد (икки ой давомида) عدة قصص أجنبية. (5) بعد الخروج من  
مبنى المدرسة مشى التلاميذ (тахминан бир километр). (6) أريد أن ألقاك  
янгги) (катта ҳайкал қаршисида). (7) علم جمهورية أوزبكستان المستقلة (янги)  
(бинонинг тепасида). (8) لقيت الأم ابنها (кўк эшик олдида).  
(9) توجد الحدائق والميادين الخضراء الواسعة (Қоҳирада). (10) وصل (кеча)  
الضيوف العراقيون (гўзал Самарқандга) وزاروا الأماكن التاريخية القديمة  
(кечгача). (11) توجد التلميذات العاقلات المجتهديات ( ўша мактабнинг )  
орасида (қизлари ўқувчи ) (12) يقع بيت مدرسي معهد الاستشراق  
(шаҳар чеккасида). (13) أضع كتي ودفاتري في محفظتي (نونштадан)  
кейин) ثم أذهب (факультетга). (14) (فما مع  
أساتذتنا برحلة إلى (шаҳар ташқарисига). (15) أثناء رحلتنا إلى مدينة  
السويس ذهبنا إلى (нефтни қайта ишлаш заводига). (16) (эртага)  
سنذهب إلى الغابة الكثيرة الأشجار.

232-ماشق. *Қуйидаги гапларни арабчага ўгиринг:*

1. Унинг (мз.) бакиришини йиғлаётган қизнинг бакириги деб ўйладим. 2. Онам мени бир соат кидирдилар ва топмагач, уйга қайтиб кетдилар. 3. Биз кўчада ўйнар

эканмиз, ёнимиздан кўшнимизнинг ити ўтиб кетди. 4. Мен ўлтириш хонасида (умумий хонада) яшириниб турган эдим, отам мени кўрмадилар. 5. Отам менга дедилар: «Ўғилгинам, сиз одамларни ҳеч қачон сўкманг!». 6. Мен эшикни узоқ тақиллатдим, лекин ҳеч ким жавоб бермади. 7. Бемор врач олдида ўз касалидан шикоят қилди. 8. Мен итнинг олдига яқинлашганимда, ит қочиб кетди. 9. Қизалоқ акс садони яширинган итнинг овози деб ўйлади ва бор овози билан бақирди: «Кет, кет, мен сендан кўрқаман». 10. Мен автобус бека-тида узоқ турдим, автобус келгач, унга чиқдим ва уйга жўнадим. Автобус тахминан икки соат юрди. 11. Мен ҳар куни икки соат араб мамлакатлари радиоэшиттиришларини тинглашим керак. 12. Маълум вақт ўтгач, одамлар олтин билан кумушни ихтиро этдилар. 13. Ўша ажойиб араб қиссасидаги воқеаларни эшитишни жуда хоҳлайман. 14. Минглаб йиллар бурун инсон радиони кашф этмаган эди. 15. Мен дарҳол отамга яқинлашдим ва улардан ўтлоқзорга боришимизга рухсат беришларини сўрадим. 16. Зангори осмон остида халқлар бахтли яшасинлар.

## § 76. ЎРИН ВА ПАЙТ НОМЛАРИ

Иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни ёки пайтини билдирувчи сўзлар ўрин ва пайт номлари дейилади. Бу икки тушунча араб тилида бир вазн асосида ясалади ва у бир вақтнинг ўзида ҳам ўринни, ҳам пайтни билдириб келади. Масалан:

مَدْخَلٌ – кириш жойи ёки кириш пайти,

مَخْرَجٌ – чиқиш жойи ёки чиқиш пайти.

Ўрин ва пайт номлари ҳар қандай феълдан қуйидаги тартибда ясалади:

I боб феълнинг ҳозирги-келаси замонидаги олд қўшимча — ҳарфи м билан алмаштирилади ва учинчи ўзак ундоши, табиийки, танвин ҳаракатини қабул қилади.

Агар ҳозирги-келаси замонда ع нинг ҳаракати — ёки — бўлса, ўрин ва пайт номлари مَفْعَل вазнида шаклланади. Масалан:

مَعْمَلٌ - يَعْمَلُ - عَمِلَ - иш жойи ёки иш пайти,

مَصْنَعٌ - يَصْنَعُ - صَنَعَ - иш жойи ёки иш пайти,

مَكْتَبٌ - يَكْتُبُ - كَتَبَ - ёзиш жойи ёки ёзиш пайти,

مَطْبَعٌ - يَطْبَعُ - طَبَعَ - пишириш ўрни ёки пишириш пайти.

Агар ҳозирги-келаси замонда ع нинг ҳаракати — бўлса, ўрин ва пайт номлари مَفْعَل вазнида шаклланади. Масалан:

مَجْلِسٌ - يَجْلِسُ - جَلَسَ - ўтириш ўрни ёки пайти,

مَنْزِلٌ - يَنْزِلُ - نَزَلَ - тушиш ўрни ёки пайти.

Шуни эътиборга олиш керакки, ع ўзак ундоши ҳаракати — бўлган айрим феъллардан ҳам шу вазнда ясалади. Масалан:

مَسْجِدٌ - يَسْجُدُ - سَجَدَ - сажда ўрни ёки пайти,

مَشْرِقٌ - يَشْرِقُ - شَرَقَ - кун чиқиш ўрни ёки пайти,

مَغْرِبٌ - يَغْرِبُ - غَرَبَ - кун ботиш ўрни ёки пайти.

Нотўғри феъллардан ўрин ва пайт номлари куйидагича ясалади:

1. Иккиланган феъллардан ҳозирги-келаси замонда  $\text{ع}$  нинг ҳаракатидан қатъи назар бир хил вазнда ҳосил бўлади:

مَقَرُّ - يَقْرُ - قَرَّ - тўхташ жойи ёки вақти,

مَحَلُّ - يَحُلُّ - حَلَّ - ҳал этиш жойи ёки вақти,

مَمَسُّ - يَمَسُّ - مَسَّ - тегиб кетиш мумкин бўлган жой ёки вақт.

2. Ҳамзали феъллардан ҳосил бўлган ўрин ва пайт номлари ҳамзанинг имлосини эътиборга олмаганда, солим феъллардан фарқ қилмайди. Масалан:

مَأْكَلٌ - يَأْكُلُ - أَكَلَ - овқатланиш ўрни ёки пайти,

مَخْبَأٌ - يَخْبَأُ - خَبَأَ - яшириш ўрни ёки пайти.

3. Солимсифат феълнинг биринчи ўзак ундоши  $\text{و}$  дан иборат бўлса, ҳозирги-келаси замонда  $\text{ع}$  нинг ҳаракатига боғлиқ бўлмаган ҳолда, барчасидан مَفْعَلٌ вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

مَوْسِمٌ - يَقَعُ - وَقَعَ - мавсум, مَوْقِعٌ - يَقَعُ - وَقَعَ - позиция,

مَوْضِعٌ - يَضَعُ - وَضَعَ - жой, مَوْحِلٌ - يَوْحِلُ - وَحَلَ - балчиқли жой.

Агар феълнинг биринчи ўзак ундоши  $\text{ى}$  дан иборат бўлса, ҳар бир феълдан ўзига хос вазнда ҳосил бўлади. Масалан:

مَيْتَمٌ - يَيْتَمُ - يَتَمَ - етимхона, مَيْسَرٌ - يَيْسَرُ - يَسَرُ - қимор.

4. Ажваф феълларнинг иккинчи ўзак ундоши бўлган феълларидан қуйидагича шаклланади:

(مَكَانٌ - يَكُونُ - كَانَ (كون),

(مَقَامٌ - يَقُومُ - قَامَ (قوم)

(مَدَارٌ - يَدُورُ - دَارَ (دور)

Иккинчи ўзак ундош *ى* дан иборат бўлган феъллардан қуйидагича шаклланади:

(مَسِيرٌ - يَسِيرُ - سَارَ (سير)

(مَفِيزٌ - يَفِيزُ - فَازَ (فيض)

5. Нокис феълларнинг учинчи ўзак ундоши қайси харф бўлишидан қатъи назар бир хил вазнда шаклланади:

(مَجْتَى - يَجْتُو - جَاءَ (جو)

(مَجْلَى - يَجْلُو - جَلَا (جلو)

(مَرْمَى - يَرْمَى - رَمَى (رمى)

(مَلْقَى - يَلْقَى - لَقِيَ (لقى)

Узак муддат давом этадиган ёки тез-тез қайтарилиб турадиган иш-ҳаракатнинг ўрни ёки пайтини билдирувчи сўз *مَفْعَلَةٌ* вазнида ҳосил бўлади. Масалан:

(مَدْرَسَةٌ - يَدْرُسُ - دَرَسَ

(مَصْبَغَةٌ - يَصْبِغُ - صَبَغَ

(مَطْبَعَةٌ - يَطْبَعُ - طَبَعَ

(مَحْكَمَةٌ - يَحْكُمُ - حَكَمَ

Эслатма. Ҳосила бобларнинг ўрин ва пайт номлари мажхул нисбат сифатдоши билан бир хил шаклга эга.

## Амалий машғулот үчүн топшириклар

233-машқ. Қуйидаги нотўғри феъллардан ҳосил бўлган ўрин ва пайт номларини эслаб қолинг:

جَنَى (جنى)	(u) – термоқ, йиғмоқ	مَجْنَى –
رَبَا (ربو)	(y) – тарбияламоқ, етиштирмоқ	مَرْبَى –
فَرَّ (فرر)	(u) – қочмоқ	مَفْرٌ –
أَكَلَ (أكل)	(y) – емоқ, овқатланмоқ	مَأْكَلٌ –
قَرَأَ (قرأ)	(a) – ўқимоқ	مَقْرَأٌ –
وَضَعَ (وضع)	(a) – қўймоқ	مَوْضِعٌ –
وَقَعَ (وقع)	(a) – воқеъ бўлмоқ, жойлашмоқ	مَوْقِعٌ –
وَلَدَ (ولد)	(u) – туғмоқ	مَوْلِدٌ –
قَالَ (قول)	(y) – демоқ, айтмоқ	مَقَالٌ –
سَارَ (سير)	(u) – юрмоқ, ҳаракатланмоқ	مَسِيرٌ –
بَكَى (بكى)	(u) – йиғламоқ	مَبْكَى –
لَقِيَ (لقي)	(a) – учратмоқ	مَلْقَى –
أَتَى (أتى)	(u) – келмоқ	مَأْتَى –
أَوَى (أوى)	(u) – паноҳ изламоқ	مَأْوَى –
قَامَ (قوم)	(y) – турмоқ	مَقَامٌ –
أَخَذَ (أخذ)	(y) – олмоқ	مَأْخِذٌ –
عَادَ (عود)	(y) – қайтмоқ	مَعَادٌ –
مَرَّ (مرر)	(y) – ўтмоқ	مَمْرٌ –

234-ماشқ. Қуйидаги феъллардан ўрин ва пайт номлари ҳосил қилинг ва уларнинг кўплик шаклини топинг:

شَهَدَ (a) - гувоҳ бўлмоқ; سَكَنَ (y) - истиқомат қилмоқ; ذَهَبَ (a) - бормоқ, кетмоқ; خَرَجَ (y) - чиқмоқ; دَخَلَ (y) - кирмоқ; كَتَبَ (y) - ёзмоқ; قَتَلَ (y) - ўлдирмоқ; قَطَعَ (a) - кесмоқ, кесиб ўтмоқ; جَمَعَ (a) - жамламоқ; سَهَرَ (a) - бедор бўлмоқ; نَظَرَ (y) - қарамоқ; غَسَلَ (и) - ювмоқ; رَجَعَ (и) қайтмоқ; رَقَصَ (y) - рақс тушмоқ.

## ЎН ИККИНЧИ МАТН

### رحلة إلى القرية

خلال رحلتي إلى اليمن زرت قراها المختلفة وفيما يلي وصف إحداها. في ذات يوم صباحا ركبنا سيارتنا وسرنا إلى باجل فوصلنا إليها قبل الظهر. دخلنا بيتا فقبلنا صاحبه بقبول حسن. وقبل تناول الغداء أتوا لنا بالقشر. وفي جميع أطراف اليمن لا يشربون القهوة بل يشربون القشر. والقشر هوقهوة عرب اليمن وهي مصنوعة ليس من البن كما هي العادة عند الترك وغيرهم بل من قشره.

وبعدما شربنا القشر جميعنا مدت الأسمطة وجيء إلينا بالطعام وكان أرزا ولحما ودجاجا وخضرا وحلوى ووضعت بعضها إلى جانب بعض. فجلسينا حول السماط ورحنا نأكل الطعام بأيدينا ومرارا لم أستطع أن أبلع اللقمة من كثرة الفلفل الحار فيه.

خرجت من البيت بعد تناول الطعام فشهدت موكبا من الناس سائرا نحو بيوت مصنوعة من القش مثل بيوت الشعير عند البدو وجمع الجمهور حول بيت

من تلك البيوت وأخذ بعض الرجال يرقصون على ضرب الطبول كما أخذ البعض ينشد أناشيد مختلفة.

ورأيت أيضا بعض الفتيان والفتيات راكبين على الهجن وكان بينهم فتى وفتاة وسنهما لا تزيد عن اثني عشرة وهما راكبان هجينين وأمامهما طفلان صغيران:

فسألت عن أمرهما فقيل لي هما عريس وعروس قادمان من بيت العروس فقلت وما شأن الطفلين الراكبين أمامهما؟ فقيل لي هذه إشارة معنوية لطلب البنين.

وكان بعض الرجال يلبسون ألبسة ملونة وبعض النساء كن يلبسن سراويل طويلة وقمصانا طويلة الأكمام ووجوههن كانت سافرة. وبعضهن وضعن على رؤوسهن حجابا أسود وبعضهن وضعن فوق هذا الحجاب قبعة مصنوعة من قش القمح والشعير ذات حجم كبير لترد أشعة شمس قمامة المحرقة.

دامت الأناشيد ودام الرقص مدة طويلة ثم مدت الأسمطة فأكل جميع المدعوين وشربوا وعند الغروب ذهبوا إلى منازلهم.

(А.А. Ковалёв ва Г.Ш. Шарбатовларнинг «Учебник арабского языка» китобидан айрим ўзгартишлар билан)

235-машқ. Ўн иккинчи матн асосида қуйидаги саволларга ёзма жавоб қайтаринг:

- 1) ماذا يوصف في هذا النص؟ (2) ما اسم القرية الموصوفة في النص؟ (3) متى وصل الكاتب إلى تلك القرية؟ (4) كيف قبل صاحب البيت الضيف؟ (5) ماذا يشربون في اليمن بدلا من القهوة؟ (6) ما اسم مشروب أهل اليمن؟ (7) مما يصنع القشر؟ (8) ماذا يأكل أهل هذه القرية؟ (9) بم أكل الضيف الطعام؟ (10) لماذا لم يستطع الضيف أن يبلع اللقمة؟ (11) ماذا رأى الضيف في الشارع بعد خروجه من البيت؟ (13) لماذا جمع الجمهور حول بيت من تلك البيوت؟ (14) من بدأ يرقص على ضرب الطبول؟ (15) كم كانت سن العروس والعريس؟ (16) من كان أمام العريس والعروس؟ (17) من

- أين جاء الموكب من الناس؟ 18) على أي شيء يدل الطفلان الصغيران أمام العريس والعروس؟ 19) ماذا لبس الرجال والنساء؟ 20) هل كانت وجوه النساء سافرة أم محجوبة؟ 21) ماذا وضعت النساء على رؤوسهن؟ 22) من أي شيء مصنوعة القبعة؟ لماذا لبست النساء القبعة فوق حجابهن؟ 23) كم مدة دامت الأناشيد والرقص؟ 24) ماذا مُد بعد الرقص والأناشيد؟ 25) متى ذهب المدعوون إلى منازلهم؟

236-ماشқ. Ўн иккинчи матни дафтарингизга кўчиринг, ҳаракатларини қўйинг ва ўзбекчага ўғиринг.

237-ماشқ. Ўн иккинчи матндан феълларни ажратиб олинг, уларнинг турини аниқланг ва тўла морфологик таҳлил қилинг.

238-ماشқ. Ўн иккинчи матндаги масдарларни аниқланг ва улар отлашган ёки отлашмаганини аниқланг.

239-ماشқ. Ўн иккинчи матндан сифатдошларни топинг, турларини аниқланг ва гапдаги вазифасини тушунтиринг.

240-ماشқ. Ўн иккинчи матнда мавжуд феълларнинг барчасидан аниқ ва мажхул нисбат сифатдошлари ҳосил қилинг ва улар иштирокида ҳар бир сифатдошга биттадан гап тузинг.

241-ماشқ. Қўйидаги гаплардан ўрин ва пайт номларини топинг, маъносини ўрганинг, гапларни ўзбекчага ўғиринг:

- 1) قمنا برحلة إلى خارج المدينة وسُررنا بمنظر البحر والجبال الخضراء. 2) جاءت فاطمة إلى مدخل الحديقة ولقيت هناك بعض صديقاتها. 3) يُزرع القطن في جمهوريةنا كثيرا جدا ولهذا يوجد معمل تكرير القطن في كل مدينة كبيرة. 4) مسجد بيبي خانوم هو أحد الأماكن التاريخية المستحقة بالرؤية. 5) ذهب التلاميذ بعد الدروس إلى الملعب ولعبوا هناك ألعابا رياضية مختلفة.

242-ماشқ. Қўйидаги гапларни арабчага ўғиринг:

1. Кинотеатрнинг кириш жойига эрта етиб келдим.
2. Нефтни қайта ишлаш заводига жуда кўп малакали ишчилар

керак. 3. Унинг (мз.) қора янги машинасини икки йўлнинг кесишган жойида учратганман. 4. Шаҳримизда истиқомат қилинадиган кўплаб турар жойлар қурилди. 5. Менинг туғилган жойим Наманган шаҳридир. 6. Бу китобларнинг кўйиладиган ўрни нариги қора жавондир. 7. Ироқлик меҳмонлар ўз турар жойларига кетишди. 8. Таклиф қилинганлар рақс тушиш учун ажратилган жойга яқинлашдилар. 9. Дастурхон атрофидаги ўлтириш жойига келдик ва бизга овқат олиб келишди. 10. Уйдан чиқадиган жойда қишр ичаётган яманлик дўстларимни кўриб қолдим. 11. Пешиндан кейин оломон тўпланган жойга етиб келдик. 12. Яманликларнинг овқати гуруч, гўшт, товук, кўкат ва ширинликлардан иборат ва яманликлар уни емакхонада эмас, балки ўз уйларида тановул қиладилар. 13. Ўйингоҳда жуда кўп одамлар тўпланган. 14. Ахлоқ ва одобнинг бошланиш жойи оиладир. 15. Ҳой ўғрилар, қочишдан фойда йўқ, мен қочиб борадиган жойларингизни бари-бир сўзсиз топаман. 16. Икки тоғ ўртасидаги ўтиш жойи жуда тор ва хавфли эди.

*243-машқ. Қуйидаги ибораларни ўрганинг ва улар иштирокида гап тузинг:*

سنه لا تزيد عن اثني عشرة، موكب من الناس، الجمهورية العربية اليمنية، زيارة رسمية، ضاحية من ضواحي طشقند، مصنع تكرير القطن، أحد الأساتذة المصريين، العيون الباكية، الوقت الموعود، يد عاملة، النقود المطلوبة، بساط ملون، القصة الممتعة، الكاتب الأوزبكي الماهر، قاعة المحاضرة، مركز المدينة، مقالة الجريدة الرئيسية، بكل اهتمام، عاصمة العراق، نصف ساعة، علم جمهورية أوزبكستان المستقلة، أماكن تاريخية قديمة، ضرب الطبول، قبول حسن، من كثرة الفلفل الحار، من بيت العروس، إشارة معنوية، قبة مصنوعة من قش القمح، أشعة الشمس المحرقة، عند الغروب، أمام العريس والعروس، منظر البحر والجبال، ألعاب رياضية مختلفة.

## ЎН УЧИНЧИ ҚИСМ ЯНГИ СЎЗЛАР

أَثَرٌ кўп. آثَارٌ ёдгорлик

II أَخْرَجَ кечга сурмоқ,  
кечиктирмоқ

أَخْرَجُ мн. أَخْرَجَ бошқа, ўзга

II (أدى) أَدَّى олиб келмоқ  
(бирор натижага)

أَسَّسَ кўп. أُسِّسَ асос

II أُسِّسَ асос солмоқ

II أَلْفَ тузмоқ, битмоқ, ёзмоқ

آلَةٌ асбоб

آلَةُ التَّصْوِيرِ фотоаппарат

أَمَلٌ кўп. آمَالٌ умид

أَهْمٌ энг муҳим

II أَيَّدَ кўллаб-қувватламоқ

بَجِدٌ жиддийлик билан

I بَدَأَ (y) кўринмоқ

II بَرَّرَ айбсиз деб билмоқ,  
оқламоқ

بَشَكَلٌ عادِلٌ одилона

بِضْعَةٌ, بَضْعَةٌ бир неча

I بَعَثَ (a) بَعَثَ жўнатмоқ,  
юбормоқ

II بَكَرَ (бирор нарсани)

барвакт бажармоқ

II بَكَى йиғлатмоқ

بِنَاءٌ кўп. أَبْنَيْتُ бино, иморат

بِنْتٌ қиз

II بَيْنَ баён қилмоқ

بُجْرِبَةٌ кўп. تَجَارِبُ тажриба,  
синаш

تَرْبِيَةٌ тарбиявий

تَرْحِيْبٌ саломлашув

تَصْرُفٌ тасарруф

تَقْدِيرٌ миннатдорлик

تُرُوَّةٌ бойлик

جَبِيْنٌ пешона

I جَرَى (u) оқмоқ; бўлиб  
ўтмоқ

جَزِيرَةٌ кўп. جُزُرٌ орол

جُغْرَافِيَا география

II جَفَّفَ қуритмоқ

II حَدَّثَ гапириб бермоқ

حَدَثٌ кўп. أَحْدَاثٌ ҳодиса

II حَدَّدَ аниқламоқ

حُرٌّ хур, эркин  
 حَضَارَةٌ маданият, цивилизация  
 حَفْلَةٌ тантана  
 حَفْلَةٌ مُوسِيقِيَّةٌ концерт  
 II حَقَّقَ амалга оширмоқ  
 حَكَمَ ҳакам, судья  
 I خَدَمَ (u) خِدْمَةٌ хизмат қилмоқ  
 خَدِيوِيٌّ хадив (*Миср ҳукмронларининг номи*)  
 دَارُ الْأُوْبْرَا опера театри биноси  
 II دَرَسَ ўқитмоқ, дарс бермоқ  
 ذَنْبٌ кўп. ذَنَابٌ бўри  
 I رَبَطَ (y) رَبَطٌ боғламоқ, тугмоқ  
 II رَبَعَ катакларга бўлмоқ (*варақ*)  
 II رَبَّى (ربو) тарбияламоқ, боқмоқ  
 I رَجَاءٌ (y) رَجَاٌ илтимос қилмоқ  
 II رَدَدَ қайтармоқ  
 I رَفَضَ (y) رَفَضٌ рад қилмоқ, қайтармоқ

II رَكَّبَ миндирмоқ  
 رَوَايَةٌ пьеса  
 II رَوَّعَ кўрқитиб юбормоқ  
 II زَوَّجَ уйлантирмоқ;  
 турмушга бермоқ  
 II زَوَّرَ қалбакилаштирмоқ  
 زِيَارَةٌ зиёрат, бориш, визит  
 II زَيْنٌ безамоқ, безатмоқ  
 II سَبَّ сабабчи бўлмоқ  
 سَبَبٌ кўп. أَسْبَابٌ сабаб  
 II سَجَّلَ ёзиб олмоқ, рўйхат қилмоқ  
 II سَمَّى (سمي) атамоқ  
 سُوءٌ ёмонлик  
 شَعْرٌ соч  
 شَقِيقٌ туғишган ини  
 II شَيْدٌ қурмоқ, бино қилмоқ  
 II صَحَّحَ тўғриламоқ (*хатони*)  
 صَدَّرَ бошланиш  
 II صَفَّرَ хуштак чалмоқ  
 II صَفَّقَ қарсак чалмоқ  
 II صَمَّمَ қаттиқ турмоқ (*ўз фикрида*)

җин - җин ~ җин; җин; җин  
 юракдан  
 II җин навларга ажрат-  
 моқ, даражаларга  
 бұлмоқ  
 II җин тасвирламоқ  
 II җин ривожлантирмоқ  
 I җин (а) җин давом этмоқ  
 I җин (а) җин пайдо  
 бұлмоқ  
 җин одил, адолатли  
 I җин (у) җин сувда сузмоқ  
 җин җин. җин омил, фактор  
 II җин ифодаламоқ  
 җин дохий, гений  
 җин остона  
 II җин осмоқ, осиб кўймоқ  
 II җин узок яшамоқ  
 I җин (а) җин ишламоқ  
 II җин оммалаштирмоқ;  
 салла ўрамоқ  
 җин давр, вақт  
 II җин тайинламоқ  
 II җин овқатлантирмоқ

II җин (җин) җин ёпмоқ, коп-  
 ламоқ  
 II җин ўзгартирмоқ  
 җин җин. җин мева  
 II җин (җин) җин кидирмоқ  
 җин җин. җин чўтка  
 җин җин. җин труппа  
 җин җин. җин санъат, маҳорат  
 II җин ўйламоқ (җин)  
 II җин тушунтирмоқ  
 II җин шляпа киймоқ  
 II җин такдим қилмоқ  
 II җин қарор қилмоқ  
 җин миллий  
 I җин (и) җин ёлғон га-  
 пирмоқ, алдамоқ  
 II җин бағишламоқ  
 II җин ташкил этмоқ  
 II җин музика басталамоқ  
 II җин силкитмоқ (җин)  
 II җин турли рангга бўямоқ  
 җин маданиятли  
 II җин роль ўйнамоқ  
 җин муҳаббат

II مَرَضٌ беморга қарамок  
 مَرَوْحَةٌ кўп. مَرَاوِحُ елпиғич  
 مَسَاحَةٌ худуд  
 مَسَاعِدٌ ёрдамчи  
 مُسْتَعْرَبٌ арабшунос  
 مُشَهَّيَاتٌ иштаҳа очувчи  
 зираворлар, салатлар  
 مُطْرَبَشٌ бошига тарбуш  
 кийган  
 مُعَالَجَةٌ муолажа, даволаш  
 مُعْدِنِي фойдали  
 қазилмаларга оид  
 مِعْمَارِي меъморий  
 مُغْلَقٌ ёпик  
 مِنْ فَضْلِكَ марҳамат қилиб  
 مُتْتَصِفٌ ярим  
 I مَنَعَ (a) ман қилмоқ  
 مَوَاطِنُ кўп. مَوَاطِنُ ватан  
 مَوْعِدٌ ваъда  
 مَوَاقِفُ кўп. مَوَاقِفُ позиция

II مَيِّزٌ фарқламоқ  
 مِيْلَادٌ туғилиш пайти  
 نَحْوِيٌّ грамматикага оид  
 I نَسِيَّانَ (a) نَسِيٌّ унутмоқ  
 I نَشْرٌ (y) نَشْرٌ нашр қилмоқ  
 II نَظْمٌ ташкил этмоқ  
 I نَقَلَ (y) نَقْلٌ кўчириб олмоқ  
 II هَاتَا табрикламоқ  
 II هَيَّا тайёрламоқ, тахт  
 қилмоқ  
 هَيْئَةٌ ҳайъат  
 أَوْزَاقٌ кўп. وَرَقٌ қоғоз варағи  
 II وَزَعٌ тарқатмоқ,  
 улашмоқ  
 فِي سِنَا - فِي سِنَا - имконият;  
 қўлимиздан келади  
 II وَصَلَ етказмоқ  
 II وَضَحٌ аниқлик киритмоқ  
 II وَقْتٌ вақтни ҳисобламоқ

## § 77. II БОБ ФЕЪЛИ

Феълнинг II боби I боб феълидан иккинчи ўзак ундошни йккилантириш йўли билан ҳосил қилинади. I бобнинг ўтган замонида иккинчи ўзак ундошнинг ҳаракати қандай бўлишидан қатъий назар II бобнинг ўтган замонида у фатҳалидир.

II боб феълнинг ўтган замонда тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	فَعَلَّ	فَعَلَّا	فَعَلُوا
	МН	فَعَلْنَا	فَعَلْنَا	فَعَلْنَا
II	МЗ	فَعَلْتِ	فَعَلْتُمَا	فَعَلْتُمْ
	МН	فَعَلْتِ	فَعَلْتُمَا	فَعَلْتُنَّ
I	МЗ	فَعَلْتُ		فَعَلْنَا
	МН			

Масалан:

فَسَّمْتُمْ – Сизлар (мз) майдалаб тақсимладингизлар.

سَلَّمْنَا – Биз топширдик.

Ўтган замоннинг инкор формаси مَا юкламаси ёрдамида ясалади. Масалан: مَا فَسَّمْتُمْ .

II боб феъли ҳозирги-келаси замонда қуйидагича тусланади:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يُفَعِّلُ	يُفَعِّلَانِ	يُفَعِّلُونَ
	МН	تُفَعِّلُ	تُفَعِّلَانِ	يُفَعِّلَنَ
II	МЗ	تُفَعِّلُ	تُفَعِّلَانِ	تُفَعِّلُونَ
	МН	تُفَعِّلِينَ	تُفَعِّلَانِ	تُفَعِّلَنَ
I	МЗ	أَفَعَّلُ		نُفَعِّلُ
	МН			

Масалан: **تُكَذِّبَانِ** – Сиз икковингиз рад этмоқдасиз.

**يُصَدِّقُونَ** – Улар (мз) ишонадилар.

Ҳозирги-келаси замоннинг инкор формаси **لَا** юкласи ёрдамида ҳосил қилинади.

II боб феълининг мажхул нисбати қуйидагичадир:

1. Ўтган замонда тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	فَعَّلَ	فَعَّلَا	فَعَّلُوا
	МН	فَعَّلَتْ	فَعَّلْنَا	فَعَّلْنَا
II	МЗ	فَعَّلْتَ	فَعَّلْتُمَا	فَعَّلْتُمْ
	МН	فَعَّلْتِ	فَعَّلْتُمَا	فَعَّلْنَا
I	МЗ	فَعَّلْتُ		فَعَّلْنَا
	МН			

Масалан: **ذَهَبَتِ الدَّبَلَةُ** – Узукка тилла суви юритилди.

2. Ҳозирги-келаси замонда тусланиши:

Шахс	Жинс	Бирлик	Иккилик	Кўплик
III	МЗ	يُفَعِّلُ	يُفَعِّلَانِ	يُفَعِّلُونَ
	МН	تُفَعِّلُ	تُفَعِّلَانِ	يُفَعِّلَنَ
II	МЗ	تُفَعِّلُ	تُفَعِّلَانِ	تُفَعِّلُونَ
	МН	تُفَعِّلِينَ	تُفَعِّلَانِ	تُفَعِّلَنَ
I	МЗ	أَفَعَّلُ		نُفَعِّلُ
	МН			

II боб феъли қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. I бобдаги феъл ифодалаган иш-ҳаракатнинг кучли амалга ошганлигини, шу иш-ҳаракат бир неча марта қайтарилганлигини ёки иш-ҳаракатнинг объекти кўп эканлигини билдиради. Масалан:

ضَرَبَ – урмоқ → ضَرَّبَ – роса урмоқ,

قَطَعَ – кесмоқ → قَطَعَّ – майдаламоқ.

2. I бобдаги ўтимсиз феъллар II бобда ўтимли феълга айланади:

نَظَفَ – тоза бўлмоқ → نَظَّفَ – тозаламоқ,

حَسُنَ – яхши бўлмоқ → حَسَّنَ – яхшиламоқ.

3. I бобдаги ўтимли феъллар II бобда шу феълнинг орттирма нисбатига айланади:

عَلِمَ – билмоқ → عَلِّمَ – ўргатмоқ,

شَرِبَ – ичмоқ → شَرَّبَ – ичирмоқ.

4. I боб феъли ифодалаган иш-ҳаракатни мавжуд деб ҳисоблаш маъносини билдиради. Масалан:

كَذَّبَ – ёлгон гапирмоқ → كَذَّبَ – ёлгон деб ҳисобламоқ, рад этмоқ,

صَدَقَ – ростгўй бўлмоқ → صَدَقَ – ишонмоқ.

5. Бирор предмет шаклига киритиш маъносини билдиради. Бу маънодаги II боб феъли ўша предметни ифодалаган сўзнинг ўзаги асосида ясалади. Масалан:

نُحَّسَ – мис → نَحْسَ – мис қопламоқ,

ذَهَبَ – олтин → ذَهَبَ – олтин суви бермоқ,

حَجَّرَ – тош → حَجَّرَ – тошга айлантирмоқ.

6. У ёки бу иборани талаффуз қилиш маъносини билдиради. Масалан:

كَبِرَ - كَبِرَ - «Аллоҳ энг буюқдир» иборасини айтмоқ,

صَحَّحَ - صَحَّحَ - «Хайрли кун» иборасини айтмоқ.

7. Яна шундай феъллар ҳам мавжудки, улар ифодалаган маъно юқоридаги бирор қоидага тўғри келмайди. Булар тарихан катта семантик ўзгаришларга учраган феъллардир. Буларнинг маъносини билиш учун луғатга муурожаат қилиш керак. Масалан: قَبِلَ – қабул қилмоқ → قَبِلَ – ўпмоқ, هَتَكَ – узмоқ → هَتَكَ – обрўсини тўкмоқ.

8. Айрим ўзаклардан умуман II боб феъли ҳосил бўлмайди. Буни луғатлардан билиш мумкин.

### Амалий машғулот учун топшириқлар

*244-машқ. Қуйидаги феълларни аниқ ва мажҳул нисбатда ўтган ва ҳозирги-келаси замонда тусланг:*

هَتَكَ – обрўсини туширмоқ; صَحَّحَ – «хайрли тонг» демок; حَجَّرَ – тошга айлантирмоқ; نُحَّسَ – мис билан коплатмоқ; شَرَّبَ – ичирмоқ; عَلَّمَ – билдирмоқ, ўргатмоқ;

حَسَنَ – яхшиламоқ; نَظَّفَ – тозаламоқ; قَطَعَ – майдаламоқ;  
 صَدَّقَ – дўппосламақ; ذَهَبَ – тилла суви юритмоқ; صَرَبَ –  
 ишонмоқ; كَذَّبَ – инкор қилмоқ; سَلَّمَ – топширмоқ; قَسَمَ –  
 таксимламақ; قَبَّلَ – ўпмоқ; كَبَّرَ – «Оллоху акбар» демоқ.

245-машқ. Қуйидаги I боб феълларидан ва отлардан II боб феъли ҳосил қилинг ва маънодаги ўзгаришни тушунтиринг:

خَرَجَ – чикмоқ; نَزَلَ – тушмоқ; ذَهَبَ – олтин; قَرُبَ –  
 яқинлашмоқ; دَخَلَ – кирмоқ; سَمِعَ – эшитмоқ; سَهَّلَ –  
 осонлашмоқ; ذَكَرَ – эсламоқ; رَقَصَ – рақс тушмоқ; ضَحِكَ –  
 кулмоқ; قَتَلَ – ўлдирмоқ.

246-машқ. Қуйидаги феълларнинг ўзагини, бобини, замонини, нисбатини, шахс-сонини аниқланг:

Масалан: نُشِرَبُونَ (شَرِبَ), II боб, аниқ нисбат, ҳозирги-келаси замон, II шахс, кўплик, мз.

1) نُحَسِّنُ	2) حُجِّرْتُمْ	3) قُبَلْنَا	4) نَظَّفْتَنِي	5) تُكَذِّبَانِ
6) صَدَّقُوا	7) يُصَبِّحُونَ	8) أَضْرَبُ	9) يُقَسِّمَنِي	10) تُقَطِّعُونَ
11) يَذْهَبَانِ	12) حَسِنَا	13) نُقَبِّلُ	14) نُشْرَبُ	15) تُعَلِّمُونَ
16) نُصَدِّقُ	17) أُعَلِّمُ	18) يُنَظِّفُونَ	19) تُضْرَبِينَ	20) نُسَلِّمُ
21) ذَهَبْتَنِي	22) ضَرَبْتُ	23) تُحَجِّرُونَ	24) نُحَسِّنِينَ	25) عَلَّمْنَا
26) صَبَحْنَا	27) تُهْتَكَنُ	28) يُحَجِّرَانِ	29) سَلَّمَا	30) كَذَّبُوا

247-машқ. Қавс ичида берилган қўйидаги феълларни гапнинг мазмунига қараб керакли бобда ва шахс-сонда ишлатинг:

